

ТАРЖИМОНЛАР ВА ШАРҚ ДУРДОНАЛАРИ

Тошкент – 2013

ИТД – 1–144 “Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилишнинг назарий ва амалий масалалари” илмий–тадқиқот лойиҳаси доирасида тайёрланган, шарқшунос таржимонларнинг таржимаи ҳоллари ва бадиий таржималаридан намуналар ўрин олган мазкур китобдан “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Таржима назарияси ва тарихи”, “Амалий таржима”, “Бадиий асарлар таржимаси” ҳамда таржимашуносликка доир бошқа фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:

доц. Адҳамбек Алимбеков

Хайрулла Ҳамидов

Масъул муҳаррир:

доц. Жасур Зиямуҳамедов

Такризчилар:

проф. Муҳаммад Али

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

доц. Жумали Шабанов

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Туркий тиллар кафедраси мудири

Тўплам Тошкент давлат шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2013 йил 31 октябрдаги 3–сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

СЎЗ БОШИ

Халқларни маънавий жиҳатдан яқинлаштиришда бадиий таржиманинг роли беқиёсдир. Бугунги кунда ҳукуратимиз томонидан адабиёт ва санъат ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жумладан таржимашуносликка ҳам. Бу борадаги ишларни жадаллаштиришда муҳтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг қуйидаги сўзлари дастуриламалдир: “Узоқ йиллар давомида ўзбек адабиётини тўғридан-тўғри она тилимиздан таржима қилиб келган чет эллик таржимонлар билан бирга, мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим олаётган истеъдодли ўғил-қизларимизни мана шу машаққатли, айни пайтда олижаноб ишга жалб этиш, бу масаланинг ечими билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилий-амалий вазифаларни ҳал қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлур эди” (“Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Маънавият”, 2008 139–бет).

Тошкент давлат шарқшунослик институти, Таржима назарияси ва амалиёти кафедрасида ИТД-1-144 “Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилишнинг назарий ва амалий масалалари” илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида тайёрланган ушбу қўлланмадан ўзбекистонлик шарқшунос таржимонлар ҳақида маълумотлар ва уларнинг шарқ тилларидан ўзбек тилига қилган таржималаридан намуналар ўрин олган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан яқиндан ҳамкорликда, мамлакатимизда таржима соҳасида тайёрланаётган мутахассисларга соҳадаги мавжуд талабларга жиддий эътибор қаратган ҳолда, илмий ва ўқув-услубий таъминотнинг янада тўлиқ бўлишига эришиш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, ўқув-услубий адабиётларни яратиш ва такомиллаштиришга кўмак бериш мақсадида яратилган мазкур китобдан таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар, ушбу мутахассислик бўйича тадқиқот олиб бораётган магистрантлар, тадқиқотчилар, шунингдек, таржима билан шуғулланувчи ҳар ким фойдаланиши мумкин.

Китобдан жой олган материаллар “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедрасида ўқитилаётган “Таржима назарияси ва тарихи”, “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Амалий таржима”, “Таржимашунослик”, “Бадиий асарлар таржимаси”, “Таржима

махорати”, “Фалсафий матнлар таржимаси” ҳамда таржимашуносликка доир бошқа фанларнинг мазмунига мос келади.

Шуни таъкидлаш керакки, таржимашуносликка оид ўқув адабиётлари, дарслик ва қўлланмалар, илмий–методик мажмуалар, мақолалар тайёрлашдан ташқари, таржима йўналишида таҳсил олаётган истеъдодли ёшларни бадий таржима деган сермашаққат ишга жалб этиш, бу масаланинг ечими билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилий–амалий вазифаларнинг ҳал қилиниши лозим. Шунинг учун талабаларга дарс бериш билан баробар бадий таржима билан шуғулланаётган устозлар ва таржимонлар ижодидан ихчам намуна бўлган қўлингиздаги китоб ана шундай вазифани бажаришда амалий воситалардан бўлиб хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Тузувчилардан

Урду тилига қилинган таржималар

РАҲМОНБЕРДИ МУҲАММАДЖОНОВ



Раҳмонберди Муҳаммадҷонов 1929 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1950 йил Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг шарқ факультетини битирган. 1950-51 йиллар Ўзбекистон давлат нашриётида муҳаррир бўлиб ишлаган.

1953 йилдан умрининг охиригача Шарқ факультети Ҳинд филологияси кафедрасида ҳиндий ва урду тиллари ўқитувчиси, 1959 йилдан катта ўқитувчи лавозимида ишлаган. 1961-1962 йиллар Дехли университетида малака оширган.

Олим урду ва ҳиндий тиллари грамматик тузилиши бўйича кўплаб илмий-услубий ишлар муаллифи эди. У ўзбек халқини ҳинд адабиёти, шеърияти билан ошно қилишда самарали хизмат кўрсатган таржимон ҳисобланади.

Машҳур ҳинд адиби Прем Чанд қаламига мансуб “Қисмат” романи, Нанак Сингхнинг “Олтин ўқ”, Кришан Чандр, Ҳожа Аҳмад Аббос ва бир қатор адибларнинг ҳикояларини ўзбек тилига ўгирган.

Ҳиндистоннинг машҳур мумтоз шоири Мирзо Ғолибнинг ғазал ва қитъаларини ўзбек тилига таржима қилиб, 1965 йилда “Шайдо” номи билан, 1975 йилда эса “Ғазаллар” номи остида нашр эттирган.

Олим ўзбек мумтоз шеърияти, айниқса, Мир Алишер Навоийнинг сара ғазалларини урду тилига таржима қилган.

1964 йилда Шароф Рашидовнинг “Кашмир қўшиғи” достони “Нағмае Кашмир” номи билан чоп этилган.

А. Беляевнинг “Одам амфибия”, Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” асарлари, ўзбек ва қозоқ халқ эртакларини урду тилига таржима қилган. 1995 йил Покистон ҳукумати олимнинг Ўзбекистонда урду тили ривожини йўлида қилган хизматларини муносиб баҳолаб, “Шарафли меҳнати учун” нишони билан тақдирлади.

Қалами ўткир таржимон 1994 йил вафот этди.

ҒАЗАЛЛАР

Ёридин ҳеч ким менингдек зору маҳжур ўлмасун,
Жумлайи оламда расволикка машҳур ўлмасун.

Мен бўлай овора то ишқимдин айлаб гуфтугўй,
Оти онинг ҳар киши оғзиға мазкур ўлмасун.

Жонима бедоду зулмин, ё раб, ул миқдор қил,
Ким анинг ошиқлиғи ҳар кимга мақдур ўлмасун.

Мен худ ўлдум, лек ҳар ошиққи, эрур покбоз,
Навҳа тортиб мотамим тутмоқда маъзур ўлмасун.

Панд ила кўнглум уйин қилма иморат, эй рафик,
Бизни бузди, ҳаргиз ул, ё рабки, маъмур ўлмасун.

Кечалар ул гул чекар эрмиш қадах, эй тонг ели,
Воқиф ўл ҳолимни айтур чоғда махмур ўлмасун.

Ёр васлиға қувондим, қовди қўйидин мени,
Эй Навоий, ҳеч киши давлатға мағрур ўлмасун.

Урдуча матн

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,
Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин?!

Кўзи қаҳринму дейин, киприки, заҳринму дейин,
Бу қудрат аро рухсори сафосинму дейин?!

Ишқи дардинму дейин, ҳажри набардинму дейин,
Бу қаттиқ дард аро васлининг давосинму дейин?!

Зулфи долину дейин лаъли каломинму дейин,
Бирининг қаддин, яна бирнинг адосинму дейин?!

Турфа холинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,
Мовий кўйлак узра гулрангни қабосинму дейин?!

Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин,
Жонима ҳар бирининг жабру жафосинму дейин?!

Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини, айт,
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?!

Урдуча матн

МУҲАЙЁ АБДУРАҲМОНОВА



Муҳайё Ҳакимовна Абдурахмонова 1962 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 1986 йил ТошДУнинг Шарқ факультетини урду тили ихтисослиги бўйича тамомлаган. 1984-85 йиллар Жавоҳарлал Неру Университетида таҳсил олган. 1986 йилдан ТошДШИ Жанубий Осиё тиллари кафедрасида урду тилидан дарс бериб келади.

Филология фанлари номзоди, доцент.

Урду тили грамматикаси ва ҳинд мумтоз шоири Мирзо Ғолибнинг урду девонига кирган ғазалларининг тадқиқи илмий йўналишининг асосий мавзуси ҳисобланади.

М. Абдурахмонова проф. Қамар Раис билан ҳамкорликда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ғазал ва рубоийларини таржима қилиб, “Заҳируддин Муҳаммад Бабр – шахсият аор шаири” (З. М. Бобур – шахс ва шоир) номи остида 2002 йилда Деҳлида чоп эттирган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

ҒАЗАЛЛАР

Ўлим уйқусига бориб жаҳондин бўлдум осуда,
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда.

Неким тақдир бўлса, ул бўлур таҳқиқ билгайсиз,
Эрур жангу жадал, ранжу риёзат барча беҳуда.

Ўзунгни шод тутқил, ғам ема дунё учун зинҳор
Ки, бир дам ғам емакка арзимас дунёи фарсуда.

Замона аҳли ичра, эй кўнгул, оё топилғайму,
Санингдек дард паймову манингдек дард паймуда.

Улусдин тинмадим умрумда ҳаргиз, лаҳзае, Бобур,
Магар ўлсам бу олам аҳлидин бўлғаймен осуда.

Урдуча матн

Улки йиллар, ойлар ўткаргай ғаму мотам била,
Шоду ҳуррам бўлмагай наврўз ила, байрам ила.

Улки давроннинг аёғидин дамодам қон ютар,
Нашъа топмаст гап ичар ҳар давр жоми Жам била.

Дема, эй ҳамдам, диёру ёр сўзинким менинг,
Улфатим йўқ олам аҳли бирла, бал олам била.

Сендин айру найлагаймен ийд ила наврўзни,
Ою йил ҳуштур сенинг бирла агар бўлсам била.

Тортиб афғон, оҳ уруб хижронда, Бобур, йиғласанг,
Навҳа тузгай базми ғам аҳли бу зеру бам била.

Урдуча матн

Урду тилидан қилинган таржималар

НАБИ МУҲАМЕДОВ



Наби Раҳимжонович Муҳамедов 1933 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1956 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг шарқ факультетини битирган. **Филология фанлари номзоди.**

Н. Р. Муҳамедов 1957 йилдан Тошкентда бадиий адабиёт нашриётининг хорижий Шарқ халқлари адабиёти таҳририясида муҳаррир, 1958 йилдан хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти катта референти бўлиб ишлаган. 1960-1963 йиллар ЎзФА Шарқшунослик институти аспирантурасида ўқиган. ТошДУ шарқ факултетида урду тили ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1965-1968 йиллар Ўзбекистон Олий Кенгаши Президиумида халқаро ишлар бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаган. 1985 йилдан нафақага чиққунга қадар яна Шарқшунослик Институтида илмий ходим сифатида фаолият кўрсатган.

Ҳозирги замон ҳинд адабиёти, хусусан, буюк ҳинд тараққийпарвар адиблари Али Сардар Жаъфрий, Муҳаммаф Иқбол, Жўш Малихободий, Файз Аҳмад Файз шеърисига доир илмий-тадқиқотлар олиб борган, таржималар қилган.

Мирзо Русвонинг “Умраўжан Ада” романини ўзбек тилига (“Бир хоним саргузашти”) таржима қилган.

Урду тилидан Бҳабаний Бҳаттачария, Прем Чанд, Кришан Чандр, Ҳожа Аҳмад Аббос ҳикояларини ўзбек тилига ўғирган.

Олим ҳинд халқининг буюк эпоси “Маҳабҳарат”нинг 12 қисмини ўзбек тилига таржима қилиб, ўз ўрнида келтирилган ташбеҳу талмеҳлар, гўзал иборалар билан ўзбек халқи қалбида ўчмас из қолдирди.

Шунингдек, Н. Муҳамедов Зулфия қаламига мансуб “Хотира сатрлари” шеърини тўпламини урду тилига таржима қилган.

Туғма таржимон Наби Раҳимжонович Муҳамедов 1996 йилда вафот этган.

ҚИТЪАЛАР

Унга дерларким, муҳаббат йўқ унинг дунёсида,
Лекин ўт чиққуси ёрсанг кўксини ҳар тошни ҳам.
Томчилаб турган у кўз ёшларнинг юздан биттаси,
Гар муҳаббат гавҳари бўлса, ажаб эрмас бу дам.

Гар кўнгилнинг шишаси дарз кетса, кўздан шул замон
Тирқираб мисли шалола кўз ёши тинмай оқар,
Баъзи кўз ёшларчи шодлик ҳам севинчлардан тошиб,
У кулиб турган кўзу киприк уза хандон боқар.

Гарчи бу бошим уза бордер қаро тун сояси
Нурга тўлган офтоб жоми магар қўлимда бор,
Қамраган бўлса агар кўнгилни қайғу-ғам бу дам,
Эртаги кун шодлиги шеъримда, ҳам йўлимда бор.

Тим қоронғу кенг фазонинг оламига бир қара,
Мунча бетартиб фалак юзлари, кўнгил ахир.
Сен уфқда янги ойдек нур сочарсан товланиб,
Даврнинг осмони лекин тўлган ойга мунтазир.

Шаъмдек оққан эриб дилларни кўргандир кўзим,
Кўз ёши бирлан оқиб чиқувчи кўнгилларни ҳам.
Сен ҳаёт рухсорида ёнган оловни кўрмадинг
Мен шу ўт ичра куювчи дилни кўрдим дамба-дам.

Шавқ ўтининг туйғуси етмас камолотга сира,
Бу ҳаёт мисли ўликдир, қиррасиздир туйғулар,
Бу ҳақорардир ҳаётга, меҳр қўймай жим туриш,
Худди ҳайвондир ул инсон, бўлмаса ишқи агар.

* * * * *

Мен кетурдим бул замонга яшнаган гулдан салом,
Элчидурман жилвалар бирла юборди навбаҳор.

Мен у қуллик зулматида ҳурриятнинг нуриман,
Мен адолат илгида ўткир қиличман,

Эй диёр. Макру ҳийла тунларида мен садоқат шуъласи,
Менда давримнинг муқаддас тонгнинг бир нури бор.

Мен ўлим саҳролари ичра ҳаётнинг тўлқини,
Мен алам кўксида шодлик жилвасиман, барқарор.

Нақадар кўксимда жой топган ажойиб бу ҳаёт,
Худди етти ранг фалак ёйини этган ихтиёр.

Айрилиқ шомига ҳамдам, насл тонгин ходими,
Базму ишратда шерикман, жангда сафдош номдор.

Лолаю гул улфати, булбул билан мен ҳамнамо
Рангу бўйга мен серобман, тонг елига дўрту ёр.

Насллар пухта хаёли, асрларнинг фикриман,
Мен азал бирлан қучишган, қўлда соз доим сетор.

Банд эмас қўшиқларим, озод янграр ою йил,
Қўлларимда орзунинг тоабад шўх тори бор.

Гоҳ чиройли, гоҳи ишқни еткузибман вояга
Баҳрасиз дилга ҳавас шамъини ёқдим неча бор.

Номидлик нақшига қилдим умид рангин безак
Орзуларнинг боғини айладим мен мевазор.

Тердим армон гулларин инсониятнинг боғидан
Боғладим гулдасталар, хушбўйидан кўзлар хумор.

Бердим ўткунчи чиройга мангуликлар нурини,
Эл йўлин равшан қилар, кўзларимдаги виқор.

Чустий ва Наби Муҳамедов таржимаси

ТОШМИРЗА ХОЛМИРЗАЕВ



Ҳиндшунос олим, дипломат, филология фанлари номзоди, доцент Тошмирза Холмирзаев 1937 йил 12 июлда Қирғизистоннинг Бишкек вилоятида туғилган. 1960 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг шарқ факультетининг ҳинд филологияси бўлимини тугатган. Ўша йили малака ошириш учун 1 йилга Ҳиндистонга юборилиб, чет элдан қайтгач, Шарқ факультетининг Ҳинд филологияси кафедрасида урду ва ҳиндий тилларидан дарс бера бошлаган. 1964–65 йиллар яна Ҳиндистонга бориб, металлургия заводида таржимон бўлиб ишлади.

Т. Х. Холмирзаев 1966–1970 йилларда МДУ қошидаги Шарқ тиллари институти аспирантурасида ўқиб, у ерда 1971 йилда «Социальная обусловленность функциональных и лексических изменений в языке урду Индии» мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Тошкентга қайтгач, Ҳинд филологияси кафедрасида ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди.

Олим 1972–1977 йилларда ТошДУ Шарқ факультети декани, 1978 йилдан Ҳинд филологияси кафедраси мудири бўлиб ишлади. Моҳир педагог узоқ йиллар урду тили, урду тили лексикаси, социолингвистика, урду матбуоти курсларидан маърузалар ўқиди. 1979–1981 йиллар Москвада Шарқшунослик институти докторантурасида ўқиди. 1983–1987 йиллар Карачи шаҳридаги Маданият маркази директори ҳамда Карачида вице–консул вазифаларида ишлади. 1988–1994 йиллар Тошкентда Жанубий Осиё тиллари кафедраси доценти лавозимида ишлади. У кўп йиллардан бери «Ўзбекистон–Покистон дўстлик жамияти»нинг вице–президентиدير. 1994 йилда олим яна Исломободга бориб, ЎзРнинг Покистондаги элчихонасида 1-котиб лавозимида ишлади.

Олим ўз илмий–педагогик фаолияти давомида 1та монография, ўнлаб мақола ва ўқув–услубий қўлланмалар ёзиб нашр эттирди. Мақолалари Покистон, Ҳиндистон ва Варшавада чет тилларда нашр этилган. У Маврикий, Лондон, Анқара шаҳарларида ўтказилган халқаро конференция ва симпозиумларда иштирок этган. Илмий тадқиқотлари, хрестоматиялари, икки тилли луғатлари урду ва ҳинд тилларини ўқитиш, лексика, матбуот услуби, атамашунослик ва урдушуносликнинг турли мавзуларига бағишланган.

ЧЕЧАК ДОҒЛАРИ

У энди ҳеч кимнинг таънаси етмайдиган жойда турарди. У турган ернинг дарвозасига катта–катта темир михлар қоқилган, ҳар тарафда сочилиб ётган гўнгларнинг сассиқ хиди худди магх¹ ойидаги туман каби ер юзини қоплаб олган.

Сукҳия уни фақат бир марта икки ғилдиракли аравада келаётганида кўрган эди. Унинг юзидаги катта–катта, чуқур–чуқур чечак доғлари Матинҳул қумлоқларига тушган ёмғир томчиларининг изини эслатарди.

Ранжит Сингх даврида қурилган ғишт деворлар бувамнинг тишларидек ковак–ковак, сувоқлари тушиб кетган эди. Деворлардан бири сомонли лой билан сувалиб, оқланган ва устига қизил бўёқ билан нагарий² алифбосида қинғир–қийшиқ, хунук қилиб сўзлар ёзиб қўйилган эди.

Омбор ёнидаги томда бир қиз «Ўзингни–ўзинг шарманда қилма» мазмунидаги ниҳоятда ўхшовсиз бир қўшиқни айтиб ўтирарди. Шўрлик қиз! Умрида қилмаган гуноҳларидан уяляптими нима бало? Унинг гуноҳ қилиши асло мумкин эмас–ку! Эҳтимол у тўйда яхши совға ололмаганидан хафа бўлиб шу қўшиқни айтаётгандир.

– Ҳой, ўғлим, нега гўнг устида турибсан? – деб кичқирди онаси кичик ўғли Жайрамга. У ҳовлида норжил ёнғоқлари димланаётган жойда акасининг қилаётган ишига кулиб турарди.

– Акам ибодат қилиб бўлиб, томоғини чайқаяпти. Қилган ибодати нима бўлди энди? Бутун тоат–ибодати ювилиб кетди–ку, а, ойи?..

– Овозингни ўчир, – деди онаси заҳарханда билан. Кейин ибодатни тугатиш учун мис идишда совуқ сув олиб келиб, ҳовлига, дарахтнинг тагига қўйди. Брахманлар учун муқаддас бўлган дарахт аста тебрана бошлади: аёл уни бахт рамзи бўлмиш қизил ва сарик иплар билан ўради.

¹ *Магх* — ҳинд календарининг 11–ойи, январ–феврал ойларига тўғри келади.

² *Нагарий* — ҳинд алифбосининг номи.

Кичик ўғил жуда шўх эди. Маҳалладагиларнинг ҳаммаси уни «жаноб» деб атарди. Уйдагиларнинг норозилиги ва кексаларнинг жаҳли чиқишига қарамай у бир кучукча боқиб олган эди. У қаёққа борса, кучуги орқасидан қолмасди. Уйқудан қолгандай оғзини каппа–каппа очиб ҳомуза тортарди, тилини чиқариб, тумшуғини ялар, кейин дарахт тагига келиб, оёқларидан бирини кўтарганча ўзи билган ишни қиларди.

Юз мил йўл юриб ҳориган Сукҳия ҳамон ўзига келгани йўқ эди. Юк машинасининг шовқинидан қулоғининг шанғиллаши ҳали ҳам кетмаган ва боши айланмоқда эди. Қайин эгачиси бир чинни тақсимчада шираланган лимон олиб келиб унинг олдига қўйди.

– Сизларда темир идишлардан йўқми? Агар бўлса, ана ўшанда озгина таом олиб кел, бўлди. Биласанми, Матли, мен ҳар қанақа идишда овқат ея олмайман.

Келиннинг кўнгли айниб кетди. Эрининг жияни ичида ундан – кеннойисидан мамнун бўлди.

– Ойим қариб қолди, – деди у. Энди ҳаром билан ҳалолнинг фарқига қандай етсинлар. Мана энди уйимизга тушунадиган бир одам келди.

Қиз тақсимчани олди–да, чиқиб кетди. Сукҳия йўлакда турган куёвни кўриб турган эди. Куёв сочини инглизча қилиб олдирган эди. Жиянининг айтишича, у Лакнавда ўқиб, санъат бакалаври даражасини олган. Уйдан узоқда, ётоқхонада яшаган.

Сукҳия ўзича ўйлади: «Қандай бебошлик! Ўзи турган–битгани инглиз. Бунга устига юзидаги чўтирини айтмайсанми. Афтидан одам кўрқади. Ўша вақтда уйдагилар ғафлатда қолибди–да. Мана энди бу азобларнинг ҳаммасига битта ўзим чидашим керак. Амакимга нима зарур келган экан, мени шу кунга солиб». Шундай деб ўйлади–ю, бошини тиззасига қўйиб йиғлаб юборди.

Ҳазорий маҳалланинг аёллари ҳамон келин кўргани келяпти. Сукҳия ҳам мақтаса арзигудек келин эди. Бироқ унинг юз–кўзидаги ғамгинликни кўриб, аёлларнинг кўнгли бир хил бўлиб кетарди.

– Ахир ота–онадек катта бойликдан айрилиш осонми? Уларни бир кундаёқ унутиб бўлармиди? – деди хотинлардан бири.

– Мени узатишганда... – деб сўз бошлади иккинчиси, аммо келиндан баттар ўзини тутолмай ҳўнг–ҳўнг йиғлаб юборди.

– Сукҳия ҳанг–манг бўлиб қолди. Ота–онасини эсдан чиқарди ҳам. Йиғлаётган хотиннинг пастки лаби ари чакқандай осилиб тушган эди. Бунни кўриб, Сукҳия тўйхонада қандайдир бир ғамгинлик борлигини сизди.

– Хотин рўмолининг учи билан кўз ёшини артар экан, деди:

– Қизим, иложимиз қанча? Ўзи расм шу экан. Энди бахтингни шу ердан тила. Қайнотанг жуда яхши киши. Жайрам–ку худди қиз боладай ювошгина. Сени сира хафа қилмайди. Нима десанг, ҳўп дейди. Қисқаси, измингдан чиқмайди.

– Бугун бахтли кун экан, – деди қайнонаси. – Кўчамиздаги Амриталар фарзанд кўришди. Бундан ўн уч кун бурун бўлса панжобликлар ўғил кўришган эди. Болани чўмилтирамиз, деб сигир сийдигини олиб кетишди. Бу йилги баҳор чиндан ҳам ўғил болалар билан келин–куёвларнинг мавсуми бўлди. Бу ёққа қарасанг, ўғил бола туғилган, у ёққа қарасанг, тўй. Ҳой, Самудрининг онаси, ўғлинг қани? Катта келинимни туширганимда сенинг ўғлингни қўлига тутқазган эдим, мана кетма–кет уч ўғил туғиб берди. Ўртанча келиним ҳам ўғлингни кўтарган эди, бир йилдан кейин кенжам туғилди, кейинги йили Битту дунёга келди. Битту ёмон қизми? У акасига қараганда анча кўҳлик. Қизми, ўғилми – болаларнинг бўлгани яхши. Ҳа, қаерга кетдийкин–а? Уни келинимга кўтартирмоқчи эдим.

Сукҳия ҳайрон бўлиб қолди. Чўтир юзли эр ва бола! Қандай даҳшат!

Молбоқар келди–да, молларни ечиб, ташқарига чиқарди ва белбоғини тортиб боғлади–да, ҳовлини тозалай бошлади. Гўнгдан чиқаётган буғ қуёш нурлари билан аралашиб кетди. Гўнгнинг ҳиди секин–аста тарқалиб ҳамма ёқни босиб кетди. Туман кўтарилиши билан қуёш кўрина бошлади.

Қишлоқ машшоқлари гуруҳ–гуруҳ бўлиб, панжобликларнинг уйларига кетишди. Амриталарнинг уйида жамадорнинг хотини алланима тўқиб ўтирарди. Сукҳия буларнинг ҳаммасини кўриб ўтирарди. Кўраётганларининг ҳаммаси уни чақиб олаётганга ўхшарди.

Ҳовли тозалангач, Жайрам кучукчасини кўтарди–да, уни силаб–сийпаб акасининг ёнига келди. У бу ерда ҳам юзини яширгандай бўлди. Ҳақиқатан ҳам у, чўтир юзимни одамлар кўрмасин деб, яширарди. Сукҳиянинг юраги туздек ачишиб кетди:

«Тавба дейиш керак! Худо ўзи сақласин! – деб ўйлади ўзича. – Бу бечорада нима айб? Худонинг иши–да. Лекин менинг гуноҳим нима? Менинг хуснимни кўриб хотинлар доим ҳасад қилади. Бунинг юзидан ҳатто жинлар ҳам ҳазар қилади».

Қайин эгачиси тунука тарелкада озгина таом олиб келди. Сукҳия юпқа парда ичидан ингичка бармоқларини чиқариб таомга узатди. Қайин эгачиси аввал келиннинг бармоқларига, кейин ўзининг бесўнақай бармоқларига қаради–да, пичирлаб деди:

– Жайрам аввалги туғилишида жуда катта савоб иш қилган шекилли. Қаранг, бармоқлари қандай нозик, узун–узун–а? Келинпошша, сизнинг тупроғингиз бошқа ердан олинганга ўхшайди.

– «Шунча меҳрибонлик! – ўйлади Сукҳия. –Бу ришта ўзи ғалати бир нарса экан. Фақат эр туфайлигина ҳамма нарса яхши кўринади. Шу эр туфайли – қайнота, қайнона, овсинлар, қайин эгачиларнинг – ҳаммасининг қош–қовоғига қарашга мажбурсан. Бу бадбашара эр шу азобларни чекишимга арзирмикин? Бундан кўра афюн ютиб, ухлаб қўя қолганим яхши эмасмикин?»

– Идиш бўлишда қатнашасанми? – деб сўради ундан қайин эгачиси.

Бу маросимни бажаришдан уялиб Сукҳия индамади. Қайин эгачиси унинг энгагидан ушлаб, бошини кўтарди. Унинг кўзлари чирт юмилган, лаблари жипслашган эди. Юқори лаби ёй каби қайрилган, жуда ҳам ёқимли эди.

– Қани айт–чи... – деди қайин эгачиси. Сукҳия кўзларини катта очиб унга тикилди. Қайин эгачиси атрофга кўз югуртирди. Қараса, ҳамма хотинлар ўз иши билан банд. У келиндан сўради: –Жайрам сени кўрганми, кўрмаганми?

Сукҳия, «Жайрам ким ўзи?» деб сўрамоқчи бўлди–ю, лекин индамади ва тиззаларини қучоқлаб индамай ўтираверди. У саволини такрорлайвериб, келинни ҳоли–жонига қўймади. Охири Сукҳия ундан қутулиш учун «ҳа» дегандай бошини ирғаб қўйди.

Уйда яна қандайдир бир маросимга тайёргарлик кўрилмоқда эди. Бу идиш маросими бўлса керак. Сув билан сут аралаштирилган тоғорага пул ташлашди. Қайнотанинг пул тўла ҳамёнини олиб келишди. Сукҳия унинг ичига қўл солиб, бир қисм пул олиши керак эди. Келиннинг қўллари жуда ҳам нозиклигини эшитиб, қайнотаси, бир қўл солганда олтмиш рупиядан ортиқ

ололмаса керак, деб хурсанд бўлди. Унинг ёнида катта куёви турибди. Кичик куёви келмаган. Катта куёвнинг бошида салла, эгнида дағал матодан тикилган узун чопон билан дхўтий³. Шу кийим–бошда у жуда кулгили кўриняпти. Лекин ичкуёв бўлганлиги учун жуда хурмати баланд. Сержахл бўлганлиги учунми, ҳамма ундан кўрқади. Битта Жайрам ундан кўркмайди. Унинг бу дунёда яшаб юришини кўриб Жайрам ғазабланади ва номус қилади, холос.

Жайрам янада яқинроқ келди. Сукҳия уни яхшилаб кўриб олиши мумкин. Чунончи, у бир неча дақиқа Жайрамдан кўзини узмай қараб турди.

Жайрамнинг яна бир одати бор эди, У баъзан худди «Бу ёққа кел» деяётгандай бошини силкиб кўярди. Шу сабабданми, аёлларнинг олдига яқин келмасди. Бир неча дақиқали кузатишда Сукҳияга Жайрамнинг юзи нуқсонсиздай туюлди. «Умр бўйи бирга турмуш кечирсак, юзлари кадрдон бўлиб қолади, чўтирлари ҳам бутунлай билинмай қолади», деб ўйлади у.

Пешин бўлди. Кейин кеч кира бошлади. Сукҳия қайнотасининг ҳамёнига қўл солиб, узун бармоқлари билан саксон–тўқсон рупия пулни тортиб олди. Ҳамма хотинлар, «Амаки! Келинингиз жуда олғир экан. Ҳамёнингизни эҳтиёт қилинг. Жуда ҳам исрофгар келин кўринади», –деб кулди. Лекин бир хотин кулиб деди:

– Амакимнинг сутдан орттирган бойликлари авлод–у аждодларига ҳам етади. Ахир нариги дунёга орқалаб кетмайдилар–ку.

Уй бекаси ҳам эрининг ёнини олди:

– Жайрам ўғлим ҳам чакки пул топмайди. Темир йўлда олтмиш бир рупия олади. Буларнинг ўзи икки жон. Ҳеч қанақа ғам–ташвиши йўқ. Шундоқ бўлгандан кейин, э, ич, ўйна!

Жуда соз бўлди. Сукҳия унинг даромадини ҳам билиб олди. Ҳар ҳолда ёмон эмас. Ҳозир олтмиш бир рупия топиш осонми? Ўн тўрт йил ўқиган бўлса, нима қилибди? Мана ўзининг холаваччаси ҳам ўн олти йил ўқиган. Бунинг устига ҳуқуқшунос. Яна бутун вилоятни айланиб чиққан. Мана ўша ҳам келиб–келиб бир компанияга югурдак бўлиб ишга кирди. Мана ҳозир идиш

³ *Дхотий* — лозим ўрнига ўраб боғланадиган бир эн мато.

маросими бўлади. Лекин Жайрам келмади. Балки Сукҳиянинг тикилиб қараганидан кўрқиб келмагандир. Балки ўзининг юз–кўзидан хафадир.

Ҳалиги қизча ҳамон: «Ўзингни ўзинг шарманда қилма...» деб кўшиқ айтиб ётибди. «Ўзингни ўзинг шарманда қилма», деб такрорлади ичида Сукҳия ҳам.

Жайрам нима учундир бу кўшиқни ўзига тегишли деб ўйларди. Уни бир эшитган одам, бошқа сира эшитгиси келмасди. Қизча кўшиғини бошлаганида Жайрам ғижиниб унинг овозини ўчирмоқчи бўларди. Лекин бунга улгурмасдан туриб бу кўшиқда ўз ҳаётининг мазмуни кўзига кўриниб кетарди ва у ичида қизни сўкканича кўшиқнинг ғамгин оғушига ғарқ бўлиб кетарди.

Бирдан Жайрам Сукҳиянинг олдига келаётгандек туюлди. Унинг қалби ўртаб, қулоқлари ёнаётгандай бўлиб кетди. Аланга шу қадар кучли эдики, хатто унинг ҳароратидан ҳамма доғлар куйиб йўқ бўлгандай туюлди. Лекин Жайрам келмади.

Чор атроф қоп–қоронғи эди. Кейин ўт ёнғач, бир аёл билан эркак ялтираб кўринди.

Хаёл дарёсига чўмган Сукҳия Жайрамнинг юзидаги доғларни унутганди. У кўп нарсаларни унутганди. У туриб–туриб, Жайрам нима учун маросимга келмадийкин, деб ажабланарди. Келса яхши бўларди. Бўлар иш бўлгандан кейин қиз йигитдан жирканиши мумкинми? Аксинча, у ўзини йигитга яқин тутиб, унинг ҳамма нуқсонларини унутиши керак. Аммо у келмади.

«Менинг жирканганимни қаёқдан билдийкин? – деб ўйлади Сукҳия. – Унинг юзини нуқсонсиз кўришни хоҳлоагандим, ўша заҳоти нуқсонлар йўқолди».

Энди ҳовлида айланиб юрган йигитнинг юзи қизга ҳеч айбсиздай кўрина бошлади. Никоҳнинг эртасига эса у эрининг бетидаги доғларни бутунлай унутади–кўяди. Бутунлай унутади...

Ошхонада кўзадаги сут тошиб, оловга туша бошлади.

– Ҳой, «Ўзингни шарманда қилма!» – бақирди она қизига унинг ашуласини ном қилиб. – Сенга нима бўлди, яшшамагур? Сутнинг қайнаётганини кўрмайапсанми? Пул деса ўзингни томдан ташлайсан–а? Энди пул бериб бўпман. Мана сенга... – кампир кўзини катта очиб алланималар деди.

Кеч киргач, мол ҳовлига қайтиб келди. Сут ҳам соғилиб, мис товоқларга солиниб, супа устига қўйиб қўйилди. Қайнота куёвнинг

ёрдами билан тахта супага чиқиб ўтирди—да, қизил муқовали ён дафтарчасини чиқариб унга алланималарни тез—тез ёза бошлади. Ҳар қимирлаганида кўзойнаги бурнининг учига тушиб кетарди. Унинг гардиши оқ бўлиб, дастасининг ўрнига ип боғлаб қўйилган эди. Дарз кетган ойнаклар баъзан бир кишини иккита қилиб кўрсатарди. Уйдаги хотинлар алланималар ҳақида ўзаро шивирлашмоқда эди. Улар Жайрамга таънали назар билан қараб—қараб қўярди. Буни кўриб, Сукҳия ташвиш қила бошлади. «У нега келмадийкин?» — деб сўрарди у ўз—ўзидан.

У яна Матинҳилни эслади. Кейин Жайрамни ўйлаб кетди... Ҳамма хотинлар Жайрамни қоралаб бирор нарса деяётгандек туюлди. Унинг Жайрамга юраги ачишиб кетди. Унинг ёнини олгиси келиб кетди. Ахирунинг ўрнида онаси бўлганда, у ҳам албатта шундай қиларди. Чўтир бўлса нима қилибди? Қайтага қора юзга чўтир ярашади. Агар эркак киши ишчан, софдил, илмли ва соғлом бўлса, унинг юзидаги чўтирлар ҳуснига ҳусн қўшади.

Шундай қилиб, Сукҳия бу чўтир кишининг юзидан гўзаллик топишга муваффақ бўлди.

Тун. Жайрамни қидира бошлашди. Лекин Жайрам йўқ, қаёққадир ғойиб бўлибди. Қайин эгачиси ҳовлиқиб кириб келди—да, келинни юпата бошлади:

— Синглим Сукҳия, хафа бўлма. Ёшликда шунақа тушунмовчилик ҳам бўлади...

— Қанақа тушунмовчилик? — ҳайрон бўлиб сўради Сукҳия.

— Ҳали ёш бола—да. Вақт ўтиши билан ҳамма нарсани тушуниб олади.

— Нима гап ўзи? Мен ҳеч нарсани тушунмай қолдим.

— Бошқачароқ бўлса ҳам майлийди. Лекин Жайрам коллежда ўқиган. Сенинг бурнинг катта эмиш. Шунинг учун у идиш маросимига келмабди. Ҳайронман, ҳеч катта эмас—ку бурнинг. Зарари йўқ. Тез кунда ҳамма нарса ўрнига тушиб кетади

Никоҳ кечаси ҳам келди.

Қиз фақат йигитнинг юзидаги доғларни кечирибгина қолмай, ҳатто ундан гўзаллик ҳам топа билди. Лекин йигит унинг бурнидан нуқсон топибди.

Совуқ. Қоронғи тун. Қайғу.

Уйқусиз тунлар... Тунлар ўтиб бормоқда.

АБДУРАҲИМ МАННОНОВ



Абдурахим Муталович Маннонов 1942 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1966 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг шарқ факультетини тугатган. Шарқшунос - филолог - афғоншунос, филология фанлари доктори, профессор.

А. Маннонов Узоқ йиллар давомида Тошкент давлат шарқшунослик институтида илмий-педагогик фаолият кўрсатган. Шарқшунос кадрларни тайёрлашдаги алоҳида хизматлари эътиборга олиниб, ҳукуматимиз томонидан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвони билан тақдирланган.

А. Маннонов афғон адабиёти тарихи, афғон фольклори йўналишида илмий иш олиб борган, юздан ортиқ илмий мақола, монографиялар ва ўқув қўлланмалар муаллифидир. Бир қанча халқаро илмий конференцияларда иштирок этган.

1970 йилда Боязид Ансорий ва Мирзахон Ансорий асарлари асосида XVI-XVII асрларда афғон адабиётидаги тасаввуфий–пантеистик йўналиш ҳақида номзодлик диссертациясини, 1996 йилда “XVI-XVII асрларда пуштазабон рўшанийлар адабий мактаби” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. “У истоков афганской классической литературы», “Афғонистон халқлари фольклори ва мумтоз адабиёт”, “Рошанийская литература” каби монографиялари пашту адабиётини ўрганишда муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилади.

Илмий тадқиқот ишлари билан бир қаторда афғон фольклори ва ёзма адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш билан ҳам шуғулланган. Афғонистон ёзувчиларининг ҳикояларини тўплаб, ўзбек тилига таржима қилинган “Сарв шабадалари” китоби (Тошкент, 1981), афғон халқ мақоллари таржималари барчага яхши маълум. Унинг таржимаси ва масъуллигида “Афғон халқ эртаклари” китоби, Э. Очилов билан ҳамкорликда “Афғонистон халқлари шеърляти намуналари” китоби нашрга тайёрланди.

Қуйида А. Манноновнинг афғон халқ эртакларидан айрим таржималари келтирилади.

АЖДАР ВА ШАҲЗОДА

Қадимда бир подшоҳ бўлган экан. Унинг етти ўғли бор экан. Ўғиллари катта бўлгач, шоҳ вазирига маслаҳат солди.

– Ўғилларимни уйлантириш керак. Уларнинг барчасини баравар қўшни подшоҳликдаги маликаларга уйлантирмоқчиман, ахир у подшоҳнинг ҳам етти қизи бор-ку. Агар шундай бўлса, кўнглимдаги иш бўларди-да!

– Амрингиз вожиб олампаноҳ, айтанингиздек бўлади!

Вазир қўшни подшоҳликка йўл олди. Ярим йўлда олдидан бир дарё чикди, соҳилида эса бир дарвеш ўтирган экан.

– Қаерга кетяпсиз? деб дарвеш вазирдан сўради.

– Қўшни подшоҳликка, – деди жавобан вазир.

– Яхши йўлдан қолдирмай бўлмаса, фақат бир маслаҳатимга кулоқ тутсангиз, сафарингиз давомида ушбу дарё бўйида тунаманг, – деб таъкидлади дарвеш.

Вазир йўлини давом эттирди. Бир неча кундан сўнг қўшни подшоҳликка етиб борди. Қўшни ўлка шоҳи билан юз кўришиб, ўз хожасининг хоҳиш иродасини баён этди. Вазирни бу сўзларидан етти қиз отаси бўлмиш шоҳ жуда мамнун бўлди. Бир неча кун вазирни меҳмон қилиб, салтанатни кўрсатишди, вазир шарафига дастурхон тузашди, элчини роса ҳурмат иззат қилишди. Шу кунларнинг бирида вазир шоҳга илтимос билан мурожаат қилди.

– Агар жоиз топсангиз, энди мен ортга қайтсам. Келганимга ҳам анча кун бўлиб қолди. Энди кетмасам бўлмайди, подшоҳимга бундай қувончли хабарни етказишим керак.

Қўшни салтанат шоҳи, ўз розилигини маълум қилувчи нома ёзди:

“Етти қизимни, етти ўғлингизга сўраб, юборган хабарингизни эшитиб бағоят шод бўлдим. Энди вазирингизни ортга юборяпман. Қолган иш сиздан: Ўз урф–одатларингизга риоя қилган ҳолда, сиз ва етти ўғлингиз бизни салтанатга қадам ранжида айланг”.

Вазир ўз салтанатига равона бўлди. Сафари узоқ давом этди ва ниҳоят шоҳ ҳузурига етиб келди. Таомилига кўра таъзим билан шоҳга саломини айтди ва ўзга салтанат шоҳи юборган номани узатди.

Номани олиб ўқиган шоҳ, бундай жавобдан мамнун бўлди. Бир оз ўтгач, ўз вазирларига шундай буйруқ берди: “Дарҳол келинларни

олиб келиш учун барча тўйга керакли нарсаларни ҳозирланг”. Йўлга чиқишдан аввал, вазирлар салтанатни бошқаришни қайси шахзодага қолдириш ҳақида маслаҳатлашишди. Шунда биринчи вазир деди:

– Бундай шарафга кенжа шахзода лойиқдирлар, чунки улар жуда ҳам донодирлар. Шоҳ бу фикрни маъқуллади ва кенжа ўғлига, – Менинг ўрнимга салтанатни бошқариб турасиз, – деди.

Шоҳ эса олти ўғли билан, ўзига дўст билган шоҳ салтанати томон сафарга чиқди.

Ўзга салтанат шоҳи меҳмонни кутиб олишга пешвоз чиқди. Меҳмон шарафига ҳарбий ва бошқа таомилларини бажарди. Уч тўрт кун у ерда меҳмон бўлиб, келинларни тахтиравонга ўтказиб, ортга қайтишди. Дарвеш вазирга тунашга маслаҳат бермаган дарё бўйига етиб келиб тўхташди. Хурсандчилик ташвишларидан дарвеш маслаҳати вазирнинг ёдидан кўтарилибди.

Шоҳ дарё бўйида тунаб қолишни амр қилди. Мулозимлардан бири эрта тонгда уйғониб қараса, қалъадек катталиқдаги аждар узала тушиб ётибди. Мулозим шошилинич шоҳ ҳузурига борди. Буни кўрган шоҳ довдираб қолди. Бундан қандай кутилиш мумкин? Шахзодаларнинг онаси йиғлаб дод–фарёд чека бошлади. Аждар унга шундай деди:

– Сенинг рўпарангда турган қалъа эмас. Бу мен аждаҳо! Дарёдан чиқдим. Агар кенжа шахзодани ҳузуримга олиб келмасангиз, сизларни бу ердан тирик қўйиб юбормайман.

Аждарнинг айтганларини малика шоҳга сўзлаб берди. Шоҳ аждар ёнига келиб деди:

– Бизни бу ерда тутиб турган бўлсанг, кенжа шахзодани қандай ҳузурингга келтирамиз?

– Чопар юборинг, ана ўша кенжа шахзодани олиб келсин, – дебди жавобан аждар.

Чопар шоҳ номасини олиб йўлга тушибди. Номада “Агар ўтирган бўлсанг тур, турган бўлсанг, ҳузуримга шошил!” деб ёзилган эди.

Шахзода номани олиши билан, дарҳол йўлга тушди ва отаси ҳузурига етиб келди.

– Мана менинг ўғлим етиб келди! – деди шоҳ.

– Жуда яхши, энди тўрт томонингиз қибла, – деди аждар. Шундай қилиб барчани озод қилиб, кенжа шахзода аждар билан ёлғиз қолди.

– Мени олиб қолганингни сабаби недур? – деб сўради шахзода, – менга нима хизматинг бор?

– Бурним ичига капалаклар кириб олиб, мени безовта қилишяпти. Кулганда кулгусидан гул тўкилувчи сеҳргар Гулихандон мамлакатига йўлга ҳозирлан ва уни кулишга мажбур қил. Агар у кулса, кулгусидан гул ёғилади, бурнимга кириб олган капалаклар эса ўша гуллар ифориға учиб чиқиб кетишади. Мен эса бу азобдан қутиламман. Сенга ана шундай хизмат бор, – деб, аждар ўз гапини тугатди.

– Яхши, – деди унга жавобан шахзода.

– Қанча олтин керак бўлса дарёдан ол, – деди аждар.

Шахзода олтинларни олиб дарё ёқалаб йўлга тушди. Бир неча кундан сўнг чумолилар мамлакатига келиб қолди. Қарасаким, дарё мавжланиб кўпгина чумолилар дарёга ғарқ бўлишяпти. Чумолилар ҳолига ачиниб, дебди:

– Нодонлар! Бу дарё сизни хонавайрон қилаверса, нега бу ерни ташлаб кета қолмайсизлар?

– Биз жуда ўжармиз, – дейишибди чумолилар унга жавобан. – бу дарё бизни кўпгина яқинларимиздан айирган, шунинг учун ҳам бу ердан кета олмаймиз. Шахзода тўсиқ қуриб, чумолиларни дарё хавфидан қутқарибди.

Шунда чумолилар сардори, ўз қанотини берибди ва дебди:

– Агар сизга бизнинг ёрдамимиз керак бўлиб қолса, қанотни ёқинг ва биз дарҳол ҳузурингизда бўламиз.

Шахзода чумолилар билан видолашиб, йўлини давом эттирибди. Йўл юрса ҳам мўл юриб, сичқонлар ўлкасига етиб келибди. Шахзода қараса, сичқонлар сардори бошқа сичқонларни аёвсиз ураётган ва қийнаётган экан.

– Бунчалик жазолашингни сабаби недур, – деб сўрабди шахзода.

– Булар камбағал. Менга солиқни вақтида тўлашмайди. Шунинг учун уларни жазолаяпман. – дебди унга жавобан сичқонлар шоҳи.

– Агар мен ўша солиқларингни тўласам, уларни бошқа калтакламайсанми? – сўрабди шахзода.

Сичқонлар шоҳи мамнуният билан рози бўлибди. Шаҳзода сичқонлар шоҳига олтин тангалардан берибди. У эса бошқа сичқонлар билан келишиб, ўз мўйловининг бир нечта қилини шаҳзодага берибди. Уларни олиб шаҳзода яна йўлини давом эттирибди. Бир қанча кун ўтиб қалин ўрмонга етиб келибди. Ўрмон ўртасида эса кўз ёш тўкиб, шербону ўтирган экан. Шаҳзода унга раҳми келиб, ундан сўрабди:

– Нега бунчалар куюняпсан? Сенга қандай ёрдам керак? Айт.

– Эй шаҳзода! Агар чиндан ҳам яхши одам бўлсанг, оёғимга кирган зирапчани олиб ташла, бошқа ҳеч нима керак эмас.

– Зирапчани олиш осон, лекин мени алдамаяпсанми? Яна мени еб қўймайсанми?

– Агар мени шу зирапчадан халос этсанг сенга тегмайман. Агар жон аччиғида жаҳлим чикса, ўзимни бу таёқ билан ураман, лекин сенга тегмайман, дебди шербону.

Шундай деб келишиб олишди. Шаҳзода шербонуни зирапчадан халос этди, эвазига эса шербону ўз боласини унга совға қилди.

Шаҳзоданинг парвариши туфайли шер боласи бақувват ва кучли бўлди. Шаҳзода эса Гулихандон яшайдиган саройга еткунга қадар йўлини давом эттирди. Шаҳзода бир кампир кулбасида тунаб қолди ва отига қараб туриши учун у аёлга бир қанча олтин танга берди.

– Шундай ҳам тор танқис яшаймиз, сен эса ўзинг билан от ҳам олиб келибсан, – деб жаврай кетди. – Йўқ, қўймайман, кет, даф бўл!

Шаҳзода унга яна бир қанча олтин танга қўшиб берган эди, кампир мулойим бўлиб қолди ва деди:

– Эҳ сахий инсон! Сенга содиқ хизмат қиламан, сени уйдан ҳайдаб ўлибманми?...

Бир қанча кун ўтгандан сўнг, шаҳзода Гулихандон ўлкаларига келиб қолганини фаҳмлади. Сичқонларни унга берган ваъдаси эсига тушди. “Қани текшириб кўрайчи, сичқонлар ваъдасидан чиқармикан”, – деди ўзига–ўзи шаҳзода. Сичқон мўйловидан берган толани олиб уни ёндирди. Бир оздан сўнг шаҳзода қаршисида сичқонлар уруғи пайдо бўлди.

– Шаҳзодам! Бизни нечун чорладинг? Хоҳишингиз недур? – сўради сичқонлар.

– Мени ётоғим остидан ер ости йўли кавланглар ва бу йўл Гулихандон ётоғи тагига чиқсин. Сизларга ана шундай хизмат, –

деб жавоб берди шахзода. – Фақат қазилган турпоқни ташқарига эмас, ер остида қолдиринглар.

Сичқонлар шахзода амрини бажаришди.

Кейинги тун шахзода ер ости йўлидан Гулихандоннинг уйига борди. Унинг кийимини ўзига, ўзининг кийимини Гулихандонга кийдириб қўйди. Эрталаб уйғониб, устида бировнинг кийимини кўрган Гулихандон хафа бўлди: “Атрофим соқчи–ю канизакларга тўла бўлса ҳам, қаердандир эркак кишининг кийими пайдо бўлиб қолибди!”

Соқчиларни чақириб, деди:

– Қўриқчилик қилишни уддасидан чиқмаяпсиз чоғи! Бугун тунда ўзим қўриқчилик қиламан.

Барча соқчиларга жавоб бериб, ўзи қўриқчилик қила бошлабди. Фақат ярим тунда Гулихандон ухлаб қолибди. Шу пайт шахзода келиб, яна кийимларни алмаштириб кетибди.

Эртаси куни эрталаб Гулихандон ўйлаб қолибди: “Мен ҳеч нарса кўрмадим, лекин яна ўша ҳолат такрорланди. Яна ўзим қўриқчилик қилишим керак”. Ухлаб қолмаслик учун бармоғини кесиб, туз сепиб қўйибди. Ҳамма ерни тун қоплаганида, малика ётоғи тагидан чиқаётган шахзодага кўзи тушибди... уларни нигоҳлари тўқнашибди ва иккаласи ҳам ҳушидан кетибди! Биринчи бўлиб малика ҳушига кепди ва шахзодани ўз ётоғига ётқизиб қўйибди. Унинг чаккаси ва оёқларини уқалай бошлабди. Шунда шахзода ўзига кепди ва улар суҳбатлаша бошлашибди. Дилдан гаплашиб олишибди.

– Қандай қилиб бу ерга келиб қолдингиз, – деб сўрабди малика.

– Мен сени излаб келдим. Аммо осон бўлмади, – дебди унга жавобан шахзода.

– Мени олиб кетиш – жуда ҳам мушкул. Сенга оллоҳни ўзи мададкор бўлсин, мен ҳам қараб турмайман дўстингман ахир, – дебди малика. – Отамни шартлари қуйидагилардан иборат: биринчи шарт – итлар жанги. Бир томонда сени итинг, иккинчи томонда отамнинг ити, аммо отамнинг ити йиртқич ва жуда ҳам кучли. Агар толеинг баланд бўлса, сенинг итинг кучли чиқса, сен ғолиб бўласан. Иккинчи синов шундай: майдон ўртасида темир ғўла қўйишади, уни ҳеч ким мени кокилларим толасисиз ёра олмайди. Мен сенга кокилларим толасидан бераман, сен кокилларим толасини болта дастасига ўраб ташлайсан ва зарб билан темир ғўлага уриб уни

ёрасан. Учинчи синов эса мана бундай: далага хантал уруғини экишади, сўнгра уни яна қайта чопишади. Сенга эса барча экилган уруғларни териб чиқишни шарт қилишади.

Шу билан улар видолашишибди. Шахзода яширин йўл билан ортга қайтибди. Эрталаб эса афсонавий ўлка шоҳига: “Мен – шахзодаман, фалончи салтанатдан, қизингизни олиб кетиш учун келдим”, деб айттириб юборибди, унга жавобан шоҳ: “Жуда яхши. Мени барча шартларимни бажарсанг, қизимни сенга бераман”, – дебди.

Барча шартларни тушунтириб бериб, итлар жанги кунини белгилабди. Шахзода бир йўл қилиб, шер боласини итга ўхшатиб қўйибди. Олишув куни кепди. Биринчи бўлиб шоҳнинг ити рақибига ташланибди. Узоқ олишувдан сўнг, ниҳоят шоҳ ити мағлуб бўлибди. Ана шундай қилиб, шахзода биринчи шартни бажарибди.

Кейинги кун, иккинчи синов: темир ғўлани ёриш шarti, белгиланган эди. Шахзода майдонга чиқиб, болтани қўлига олибди, аммо малика берган кокил эсига ҳам келмабди. Унга эса фақат уч марттагина зарба бериш имконияти берилган эди. Биринчи зарбаси бекор кетибди. Иккинчи маротаба ҳам уддалай олмабди. Эндигина учинчи зарба бермоқчи экан ҳам–ки, малика берган кокил эсига тушиб қолибди. Уни болта сопига ўраб зарб билан урган экан темир ғўла иккига ажралиб кетибди. Шоҳдан “сеҳргармасмикан?!”, – деган ўй ўтибди.

Учинчи синов куни ҳам етиб келибди. Подшоҳ хизматкорларига хантални экиб, сўнг қайта чопишни буюрибди. Экишдан аввал эса уруғларнинг оғирлигини ўлчатиб олибди. Ва шундай дебди:

– Сен бир дона ҳам уруғ қолдирмай териб чиқишинг керак, ўлчови тенг бўлиши керак. Агар биттагина уруғ етмаса ҳам, бошингни танангдан жудо қиламан.

Дала томон йўл олишибди, у ерда эса шаҳар аҳолиси тўпланган экан. Шахзода ўтириб чилимини тайёрлапти. Унга ўша ерлик бир одам:

– Тентак экансан! Бошингга бажариб бўлмас синов тушиб турибди–ю, сен бўлсанг, бир пулга қиммат ишларни қилиб ўтирибсан, – дебди.

– Бу иш осон,— дебди шахзода, — буни бир паста уддасидан чиқаман. Қани чилимни олиб келинг—чи!

Уни олдига чилимни келтиришибди, уни тайёрлаб чекибди. Тамакисининг ичига эса чумолилар сардори берган қанотни солиб қўйган экан. Шу он чумолилар уни ёнида ҳозир нозир бўлишибди.

– Амрингизга мунтазирмиз, — дейишибди чумолилар.

– Ушбу далада хантал уруғи экилган. Ўша уруғларни битта қолдирмай териб, олиш керак, — дебди шахзода.

– Айтганингиздек бажарамиз, хотиржам бўлинг! — деб, чумолилар дала бўйлаб ўрмалаб кетишибди.

Биттадан териб уруғларни йиғиб келишибди, ўлчаб кўришса, битта уруғ етмаяпти!

– Биттагина уруғ қаерда экан—а? — деб сўрабди шахзода. Чумолилар сардори эса, — бизнинг бир чумолимиз чўлоқ, ўша кеч қоляпти, — дебди жавобан.

Чумолилар сардори бир қанча чумолини, чўлоқ чумоли кетидан юборибди, уруғни олиб, чўлоқ чумолини роса калтаклабди сўнг уруғни шахзодага берибди. Ана энди ҳисоб тўғри бўлди, барча уруғлар терилди. Бу сафар ҳам шахзода ғолиб бўлибди! У жуда хурсанд бўлиб, чумолиларни жўнатиб юборибди.

Ўша заҳотиёқ подшоҳ шахзода билан саройга йўл олибди ва у ерда шахзода ва Гулихандоннинг тўйини ўтказибди. Тўймисан тўй, оғизларда дoston бўлибди!

Бир қанча вақт ўтиб, шахзода қайнотасига юзланибди.

– Ижозат берсангиз, ватанимга қайтсак.

Подшоҳ рози бўлибди, сафарга тайёргарлик ҳам шоҳона бўлибди. Барчаси тайёр бўлгач, шахзода ватанига йўл олибди. Аввал аждар ҳузурига бориб, у ерда Гулихандонни кулдирибди. Гулихандон кулганида кулгусидан гуллар тўкилибди. Аждарҳо учун, бу, азоблардан фориғ бўлиш имкони эди, чунки гуллар ифориға аждар бурнидаги капалаклар учиб чиқишибди—да. Ва ниҳоят, шахзода рафиқаси билан ота уйига қайтибди. Отаси ўзида йўқ хурсанд бўлибди, севинчдан, ногора ва дўмбиралар чалишни буюрибди.

Ана шу ерда эртагимиз ҳам тамом, эртакчига эса ором!

Ҳинд тилидан қилинган таржималар

АМИР ФАЙЗУЛЛО



Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Амир Файзулло (Амир Сайдуллаевич Файзуллаев) 1945 йил 15 январда Самарқанд (ҳоз. Жиззах) вилоятининг Ғаллаорол тумани 1 – Қангли қишлоғида таваллуд топган. 1963 йилда ТошДУ (ҳоз. ЎзМУ) нинг шарқшунослик факультетига ўқишга кирган. Университетни тугатИБ, 1969–1971 йилларда Самарқандда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1967–1968 йилларда Ҳиндистонда малака оширган. 2003 йилда Суринам (Жанубий Америка) - Парамарибода, 2006–2007 йилларда Москвада ҳиндий тили анжуманларида иштирок этган.

1970 йилдан бугунгача Тошкентдаги нашриётларда кичик муҳаррир, муҳаррир, катта муҳаррир ва бўлим бошлиғи бўлиб ишлаб келган. Ҳозирги кунда “Жаҳон адабиёти журналининг Шарқ бўлими мудири вазифасида фаолият юритапти.

А. Файзулло ҳинд тилидан кўплаб асарлар таржима қилган. Булар сирасига “Ҳинд халқ эртаклари”, “Тўтинома” ва “Айёр вазир” номли ҳинд эртаклари тўплами, Бҳишам Саҳнийнинг “Басантий” романи, К. С. Дуггалнинг “Кузнинг тўлиной кечаси” романи, Анант Муртийнинг “Икки жаҳон овораси” романи, Кришан Чандарнинг “Бир қизга минг ошиқ” романи ва Прем Чанднинг “Фидойи” ва “Севги инъоми” романлари киради.

Ўзбек халқи Амир Файзуллони Маҳобҳорат. (Маҳабҳарат) - 94 серия, Мирзо Ғолиб. (Мирза Ғалиб) - 18 серия, Рамаяна (Рамаяна) - 78 серия, Бобур (Покистон) (Бабр) - 26 серия, Сангам (Сангам) - 2 серия, Байжу бавра (Байжу Баавра) - 2 серия ва бошқа ўнлаб ҳинд филмларининг таржимони сифатида жуда яхши танийди

Амир Файзулло жаҳон адабиёти намуналари бўлган ўнлаб роман ва қиссалар, жумладан, Л. Усмоннинг "Васлинг денгиздан қайтиб чиқади" қиссаси, Л. Рампанинг "Учинчи кўз" романи, У. Лесслернинг "Банкир" романи, Т. Драйзернинг "Сармоядор" романини рус тили орқали ўзбек тилига ўгирган.

А. Файзуллонинг ўнлаб мақолалари, интервьюлари республикамизда вақтли матбуотда нашр этилган.

БАСАНТИЙ

11–бўлим

Гарчи бу ўзларининг эски маҳаллалари бўлса ҳам Басантийга энди етти ёт бегонадай туюлмоқда эди. Қизик, атиги етти–саккиз ой ичида ҳамма нарса шунчалик тез эскириши мумкин экан–да? Баъзи уйлар нураб, ҳадеганда босиб қоладигандай кўринарди. Сут дўкони ёнидаги уйдан Капур соҳиб чиқиб келаяпти. У олдингидан анча кексайиб, мункайиб қолибди. У Басантийга қараб–қараб ўтиб кетса–да, барибир таниёлмаяти, охири йўлнинг нариги томонига ўтиб кетди. “Капур соҳиб чойхонада чойхўрлик қилгани кетяпти”, кўнглидан ўтказди Басантий. “Илгари ҳам худди ана шу пайтда уйдан чиқарди”. Рўпарадаги уйда турадиган кекса кампир ўзининг ғилдиракли темир аравачаси томон битта–битта қадам ташлаб юриб келаяпти. “Илгари фақат ҳасса таяниб юрарди, энди бутунлай чўкиб қолибти”, ўйлади Басантий кампирнинг ҳозирги ҳолига ачиниб. Меҳта–жий бўлса уйи олдидаги ҳамма дарахтни кўпориб ташлабди. Дарахтлар кетиб, унинг уйи яланғоч одамдай очилиб қолибди. Нега кўпориб ташладийкин? Басантий бу ҳовлига кириб, дарахтларида арғамчи учар, болалар билан бекинмачоқ ўйнаганда, кириб яширинар эди. Энди у ерда ҳеч бир дарахт йўқ, яп–яйдоқ.

Болани бағрида кўтарганча Басантий уни дам у кўлига, дам бу кўлига олар, ҳар ўн қадамда бир тўхтаб, атрофдаги уйларга разм солиб қарарди. Ўзидан сал орқароқда у билан изма–из ҳассасини дўкиллатганча Булокийром келарди. Қадрдон маҳаллаларига етгач, Басантийнинг кўнгли не ҳолга тушганини айтиш қийин эди, у гўё сал назардан қочирса йўқотиб кўядигандай, теваракдаги ҳар бир нарсага тикилиб қарарди.

Такси майдончасида илгаригидагидан кўпроқ такси турганга ўхшарди. Қулоқни батангга келтирувчи бақироқ ҳайдовчилари миждозлар ҳам кўпайгандай. Эри билан ёнма–ён майдонча олдидан ўтиб кетаётганда ногоҳ Басантийнинг қулоғига овоз чалинади:

– Бизлар шу чўлоқчалик ҳам бўлолмадик–а!

Кетидан гурр кулги кўтарилди.

Кинояга Басантий парво қилмади. У, битта–яримта таниш шофёр кўриб қолгандир-да, деб ўйлади, холос. Ёнида манови рўдапо чўлоқ бўлмаганда-ку, бошлаб жавоб қайтарган бўларди-я! Илгари унга беҳуда гап айтгани ҳеч кимнинг ҳадди сиғмас, ҳадди сиққанлар ҳам қилган ишига пушаймон қилмай қолмасди. Басантий каттамисан, кичикмисан, деб аяб ўтирмасди, бир гап билан нақ ерга киргазиб юборарди. Бу ерда ўзи доим шу эди. Такси майдончаси ёнидан чўрилиқ қилгани Рамеш Нагарга ўтиб кетаётган хотин-қизларнинг юраги безиллаб қолганди, узоқданоқ луқмалар ёғила бошларди. Басантий ичида, “Орадан шунча вақт ўтса ҳам бу қанжиқлар ҳалиям ўзгармабти”, деб ўйлади-да, индамай ўтиб кетаверди.

Туш оғиб, унда-мунда хонадонлардан хизматкор болалар чиқиб келмоқда эди. Улар қўлларида бўш шиша кўтариб олган бўлиб, ҳаммалари сут дўкони олдида тўпланмоқда эди. Қизик, бугун ҳам Басантийнинг ойиси шу ердамикин?

– Ҳой Басантий! – кимдир чақирди.

Қараса, Сушма бибининг хизматкори Жасса. Басантий уни дарров таниди.

– Мўйловинг ўсиб кетибди–ку, Жасса, – деди Басантий кулиб.

– Ўзинг ҳам кап-катта одам бўп қопсан. Қаерда ишляпсан ҳозир?

– Ўша ерда, Сушма бибининг олдида.

– Ҳозир шишага қанча сув қўшасан, Жасса?

– Ким сув қўшибди?

– Ҳо-о, орқадаги қувур сувидан қўшган менмидим, сенмидинг?

– Ҳозир қувурлар кеч очилади, – деди Жасса кизариб. Кейин Басантийнинг орқасига ишора қилиб сўради: – Анови ким?

– Кимни айтаяпсан? – Орқангдан келаётган чўлоқни–да. Басантий орқасига бурилиб қараб деди:

– Отанг–ку. Отангни танимай қолдингми? Жасса дарров болага ишора қилиб деди:

– Менинг эмас, мана бунинг отаси де.

– Динуни бирон ерда кўрмадингми? – беихтиёр сўради Басантий. Шундай деди–ю, баданидан тер чиқиб кетди, бироқ дарҳол ўзини қўлга олди. Оғзидан Дину исми қандай чиққанига ўзи ҳайрон эди.

– Мана бу ерда кирчи ўтиради, менинг амаким. У қаёққа кетди? – деди у гапни бошқа ёққа буриб.

– Кирчими? У ҳали ҳам шу ерда ўтиради. Полициячи келиб унинг ғалтаги билан дазмолини кўтариб кетганидан хабаринг йўқми? – деди Жасса.

– Кейин нима бўлди?

– Нима бўларди? Ҳозир у оқсоқолнинг супасида ўтириб дазмол босади. Ғалтаги йўқ–да энди. Кечаси ана шу супада ётиб ухлайди.

– Нимага?

– Ўғли Манглув уни уйдан ҳайдаб юборди. Манглув ҳозир ғалтак судраб мева сотади. Орқадаги майдонда ўтиради.

– Нималар деяпсан? Ўз отасини ҳайдаб юбордимми?

– Онасини ҳам, отасини ҳам, иккаловини ҳам ҳайдаб юборди. Кирчи эр–хотин ўғиллариникига бориб турмаётувдимми, бир кун и ўғли иккаласини ҳам уйдан қувиб юборди.

Басантий бирпас жим қолди-да, кейин яна Жассани саволга тутди:

– Ҳозир ишляптими эр–хотин иккаласи?

– Хотини гоҳ–гоҳида келиб туради, лекин эри Лаччхамийни қидириб юрибди.

– Нимага?

– Лаччхамий қочиб кетди–ку. Қаёққа қочиб кетганини ҳеч ким билмайди.

Басантий жим қолди. Маҳаллада чиндан ҳам кўп ўзгаришлар бўлибди. Унга гўё ҳаммаёқ ҳувиллаб қолгандай туюлмоқда эди. Рамеш Нагарга қараб йўлга отланганларида Булокийром йўл–йўлакай отангни ҳам кўриб ўтамиз, деганда Басантий ҳа ҳам, йўқ ҳам деб жавоб бермай, индамаган эди. Тўғриси, отасини кўришга унинг хоҳиши йўқ эди. Худди шуни билгандай такси майдончасига туташ девор тагидаги отаси ўтирадиган ҳалиги иккита тош супача бўм–бўш эди. Супачалардан сал нарида яна иккита сартарош тик туриб соч оларди. Уларнинг иккаласи ҳам ёш–ёш йигитлар бўлиб, Басантий уларни таниёлмади – бегона бўлишса керак. Сут дўкони олдига келганларида онаси ҳам у ерда кўринмади. Одатда онаси дўкон очилишидан бир–бир ярим соат бурун келиб, ўтириб оларди.

Сут дўкони олдида одам йиғилмоқда эди. Уларнинг кўпчилиги хизматкор чоракорлар бўлиб, ўзаро гаплашиб турар эдилар. Улар ичида Басантий баъзилариникига танирди.

Бу вақтда Булокийром ҳассасини дўқиллата–дўқиллата уни қувиб ета бошлаганди. Басантий бирдан тўхтаб қолди. Эри етиб келгандан кейин уни олдинга ўтказиб юбораркан:

– Сен бориб, бозорга кириб ўтира тур, мен дарров келаман, – деди-да, ўзи Жасса билан суҳбатлашиб қолди. Жассадан у жуда кўп нарсаларни билиб олди. Ҳозир аксарият хонадонларда мадорастлик эркак-аёллар хизмат қила бошлабди. Хизматкорлар ҳам илгаригидан анча камайибди, уларнинг кўпчилиги давлат идораларида югурдакликка ишга кириб, кўплари шофёр бўлиб кетибди, қанчалари ҳатто завод–фабрикаларга кириб ишлай бошлашибди.

– Вишна эсингдами, Вадҳера соҳибникида қароллик қиларди-ку, ўша ҳозир юк машинаси ҳайдаяпти.

Басантий, Шиёма биби қайерда бўлса, деб хаёлидан ўтказди. Балки у ҳам бу ердан кетиб қолгандир? Агар унинг мана бу чол билан кетаётганига кўзи тушса, албатта шундай дейиши турган гап:

– “Отанг тўғри қилибди, баракалла миясига. Ахир қаерларда сарсон–саргардон бўлиб юрмовдинг. Энди–чи, эгнингда ярқираган сари, ўтганингда кўча тўлади, ўғлингни ҳам кўғирчоқдай ясантириб қўйибди”.

Басантий жон–жон деб Шиёма бибини кўрган бўларди. Аслида Рамеш Нагарга уни оҳанграбодай тортаётган нарса ҳам, аввало шу хотинни кўриш эди. У Шиёма бибига елкасида пишиллаб ухлаб қолган ўғилчасини, яъни отасининг боласини кўз–кўз қилиш ниятида эди. Айниқса, эгнидаги мана бу қимматбаҳо либосларни кўриб, Шиёма бибининг роса кўзи куйса керак.

Рамеш Нагар кўчаларини айланишга Басантийнинг кўнглида бир жихатдан хоҳиш бўлса, иккинчи жихатдан бу унга қандайдир эриш ҳам туюлмоқда эди. Бир вақтлар бу кўчалар унга қанчалик завқ бағишламасди, энди бўлса нимагадир кўзи тушиши билан юраги бир сиқим бўлди. Шиёма бибининг уйи томон кетадиган кўчага бурилиш ўрнига Басантий беихтиёр бу ниятидан қайтди–да, бозор томонга қараб йўл олди.

Басантий бозорга бориб, Булокийромни топди ва харид қилгани бозорни айлана бошлади. Булокийром касб–кори учун бир оз мато олиши керак эди, Басантий боласига сут берадиган шиша қидирди. Хонадон бекаларига тақлид қилиб, у ҳам ўғилчасига

шишада сут беришни одат қилганди. Овқатлантираётганда кўкрагига фартукча тутиб қўяр, чўмилтиргандан кейин баданини обдон упалар эди. Хуллас, чўрилиқ қилиб юрган пайтларида бекалардан нимаики кўрган бўлса, ҳаммасини ўзи қилиб кўришга тиришарди. Боласининг бешигига ташлаб қўядиган ёпқисига ҳам қўғирчоқлару ўйинчоқлар қадаб, безаб ташлаганди. Харид қилиб бўлгандан кейин эр–хотин бозор қаршисидаги боғ олдидан чиқиб қолишди. Яна Басантийнинг вужудида ажиб туйғулар жўш ура бошлади. Боғ олдида ўтирадиган қандолатфуруш энди кўринмасди. Ким билади, қаёққа кетган у? Қизик, наҳотки Басантийнинг бу маҳалладан кетганига шунча кўп вақт ўтган бўлса?

Назарида, боғ илгаригидан анча гавжумлашгандай эди, бу унга хуш ёқди, албатта. Айниқса, ўтлоқзорда ўмбалоқ ошиб, бир–бири билан қувлашмачоқ ўйнаб юрган бола–бақраларни кўриб унинг юраги хапқириб кетди. Бу ерга у Сумитра бибининг боласини нўхта солгандай судраб келарди. Ҳозир ўйнаб юрган болаларга қанча разм солиб қарамасин, биттасини ҳам таний олмади. Фақат синчиклаб–синчиклаб иккитасини кимларгадир ўхшатди, холос.

Боғ деярли ўзгармаган эди, фақат бир оз торайгандай, атрофдаги уйлар эскиб, кўҳналашиб қолгандай туюлди. Ҳар доим бўлгани каби ҳозир ҳам у ерда қанчалаб уйсиз–жойсиз одамлар чўзилиб ётарди. Ўзи азалдан бу боғ шунақа уйсиз–жойсиз одамларнинг макони: қартайиб қолган чол–кампи́рларнинг ҳордиқ чиқарадиган жойи деб донг чиқарганди. Иш тополмай юрган кунларида Дину ҳам шу ерга келиб бирий буруқситиб ўтирар, чўзилиб ётиб кунни кеч қилар эди. Чўнтагида бир мириси ҳам қолмаган ишсизлар аста бута тагига келиб чўзиларди–да, соатлаб ётаверарди. Баданида унча–мунча қуввати, чўнтагида оқчаси борлар йиғилиб олиб қарта ўйнар, ерёнғоқ чақар, гап сотар эдилар. Боғнинг бурчакларига қўйилган харрақларни ҳалитданок маҳалланинг чоллари эгаллаб ола бошлаганди. Бир бурчакда эса қари кампи́рлар битта–битта келиб, давра кураётир. Буларнинг деярли ҳаммасини Басантий танирди. Анави газета мутолаа қилиб ўтирган Капур соҳиб бўлади. “Э–э, нимасини айтасиз, биби–жий, уларнинг чўнтагидан сира газета аримайди. Таги ерга тегди демагунча чўнтагидан газета чиқариб, ҳаммаси ўқишга тушиб кетишади”, дерди Басантий Шиёма бибига маҳалла қариялари ҳақида гап кетганда. “Бир куни нима бўлди денг–а, биби–жий,

Капур соҳиб шундоқ харракка келиб ўтирди. Ёнгинасида мен Сумитра бибининг Типпусини ўйнатаётувдим. Ўша куни чўнтагида на газета бор экан, на кўзойнаги. Нима қилишини билмай жуда гаранг бўлди. Кейин—чи, Капур соҳиб ўрнидан турди—да, ёндаги харракда газета ўқиб ўтирган бир кишидан газетангизнинг икки варағини бериб туRING, деб ялинди—я. Бошқа бир одамдан кўзойнагини сўраб олиб газета ўқишга мук тушди”. Шуларни сўзлаб, Басантий роса кулганди. “Биби—жий, учта чол бирга бўлиб қолса—чи, фақат тани соғликдан гаплашади. Биттаси, мен кунда олти стакан сув ичаман, деса, яна бири, мен эрталаб иккита, тунда битта чавати нон ейман, ҳозир ҳам есам яримта чаватини кўрдим демайману, лекин сабр қиламан, қоринни қийнамай дейман, дейди”. Басантий гапира—гапира чолга тақлид қилиб, кўлини қорни устида айлантириб кўрсатарди—да, қотиб—қотиб куларди. “Мен кечкурун икки бурда қотган нонни сутга бўктириб еб оламан. Нақ соат еттида тановул қилиб оламан—да, шундан кейин оғзимга увоқ ҳам олмайман”, - дея Басантий бошқа бир чолни эрмак қиларди. “Ҳамма касаллик қабздан бошланади. Қабздан эҳтиёт бўлиш керак”, дейди биттаси. Ана шунақа, биби—жий, учта чол бирга бўлса, нуқул “жаҳон айвони”даги гаплардан гаплашади. “Жаҳон айвони” ўзи қанақа бўлади, биби—жий?”.

Бетон харраklar ясаб қўйилган боғнинг ҳув бурчагида аллақачон хотинлар мажлиси қизиb кетганди. Бунақа “мажлис” Шиёма бибининг қайнонасибиз қизимайди, албатта. Басантий яқинроқ бориб хотинларни танишга ҳаракат қила бошлади. У Шиёма бибига мана шу хотинларни ҳам эрмак қилиб кўрсатарди:

— Биби—жий, бу хотинлар боғда қора кечгача ўтиришади. Осмонда юлдуз чиққандан кейингина уй—уйларига тарқалишади. Келинларидан кўрқишади—да. Уйдагилар овқатларни еб—ичиб олгандан кейин секин кириб боришади. Бугун Сушма бибининг хотини нима дейди денг: “Мен ўзим учун бир шиша сутни алоҳида сотиб оламан. Сут дўкондагиларнинг худо хайрини берсин, бир шиша сутини мендан аяшмайди”, эмиш.

Лекин хотинларнинг суҳбатини эшитиб, Басантийнинг кўнгли вайрон бўлиб кетар эди. Уларни эрмак қилиб гапирарди—ю, ичида раҳми келарди. Бу ерни сира қанда қилмайдиган Сумитранинг қайнонаси кунда келиши билан бир хил саволни беради: “Ҳай

синглим, худога астойдил ишонасанми? Мен ҳар куни тоат–ибодат қиламан, сиғинаману, лекин унчалик ишонгим келмайди.”

Басантий у ердан кетди. Шиёма бибининг қайнонаси шу ерда ўтирган бўлса, соғ–омонлигини сўрайман деб ўйлаганди, бўлмади. Орқасига бурилиб, боққа кираверишдаги харракда боласини олиб, хотинининг йўлига кўз тикиб ўтирган Булокийромнинг олдига йўл олди.

Боғдан чиқишгач, Булокийром, тўғридаги кўчадан юрсак, ўша ёқда автобус бўлади, уйга автобусда кетамиз, деб таклиф қилди. Лекин Басантий унамади. Дўкон томондан ўтиб, катта майдонга борамиз, ундан автобус бекатига айланиб чиқамиз, деди. Аслида Басантий Шиёма бибининг кўриб қолармикинман деган ниятда шу таклифни айтмоқчи эди. Гарчи унинг уйига боришни истамаса ҳам, лекин узоқдан ўзини кўриб қолиш илинжи ҳамон унга тинчлик бермаётганди.

Дўконга етишгач, улар ўнгга бурилишди. Рўпарадан Шиёма бибининг уйи кўриниб турарди. Басантийнинг кўзи ўша уйнинг томида эди. Зора Шиёма биби томга чиқиб қолса, деб умид қиларди у. Чунки айна шу пайтда Шиёма биби ухлаб турган ва бир–икки томга чиқиб келган бўларди. Бироқ томда ҳеч зоғ кўринмас, фақат дорга ташлаб қўйилган икки–учта кир шамолда силкинар эди.

Чўлоқ Булокийром олдинда кетиб борар, Басантий эса унга эргашган кўйи ҳамон бошини бир томонга буриб, кўзини томдан узмай, қадам ташларди. Юрганда оёғидаги позеблар ёқимли шиқирлаб, эғнидаги шўх рангли қимматбаҳо сарий баданида сирғалиб кетаётганидан Басантий ўзини зўрға эплаб борарди. Болага ҳам сариқ рангдаги силлиқ кўйлак, кун иссиқ бўлишига қарамай, бошига жиғадор дўппи кийдириб олганди.

Хуллас, Шиёма биби томга чиқмади...

АНСОРИДДИН ИБРОҲИМОВ



Ҳиндшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Ансориддин Пўлатович Иброҳимов 1952 йил 10 февралда Тошкент шаҳрида туғилди. 1974 йили ТошДУнинг Шарқ факультетини тамомлаб, 1974–75 йилларда Ҳиндистоннинг Лакнав университетига малака оширди. 1975–1991 йилларда «Прогресс» нашриётид, 1985–88 йилларда Бхилай (Ҳиндистон) металлургия комбинатида таржимон бўлиб ишлади. 1981 йилда Афғонистонда хизмат қилди. 1991–1993 йиллари ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида илмий котиб, 1993–1994 йиллари Покистонда ўзбек тили ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1995 йилдан бошлаб ТошДШИнинг Жанубий Осиё тиллари кафедрасида катта ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудири лавозимида ишлади.

2001 йили А. П. Иброҳимов «Бобурномадаги ҳиндча сўзлар тадқиқи» мавзусида номзодлик диссертациясини, 2008 йилда “Бобур асарлари лексикасининг лингвостатистик, семантик ва генетик тадқиқи («Девон», «Мубаййин», «Аруз»)» мавзули – докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2011 йил Кембридж университетида ўзбек тили курси бўйича дарс берди. 2011 йил оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Олим 50 дан ортиқ илмий мақола ва монографиялар муаллифи, урду ва ҳиндий тилларидан бир қанча асарни ўзбек тилига, ўзбек ёзувчилари асарларини урду тилига таржима қилган. «Бобурнома»нинг ҳиндийча таржимаси ҳақида Бобур ва ўзбек миллий маданиятининг айрим масалалари, *Harf-e avval/Uzbekistan ke afsane* (Lahore, 1993), «Бобурнома» урду тилида, «Бобурнома»нинг урдуча таржималарига бир назар (урду тилида), «Бобурнома»нинг Ўзбекистонда ўрганилиши ва бошқа ўнлаб илмий мақолалар, «Бобурнома» – буюк асар», «Бобурнома»даги ҳиндча сўзлар” номли монографиялар муаллифидир. Ижодкор кўплаб асарларни ўзбек тилига таржима қилган. “Олтин девор” (Э. Воҳидов) асарини урду тилига таржима қилган.

А. Иброҳимов қатор ўқув–услубий адабиётлар муаллифидир.

БОШЛИҚ МЕҲМОНГА КЕЛАДИ

Бугун мистер Шамнатҳникига бошлиғи меҳмонга келади.

Шамнатҳ билан рафиқасининг бош қашишга вақтлари йўқ эди. Хотинининг эғнида халат, тўзғиган сочлари турмаклаб қўйилган ҳолича, юзига чапланган упа–еликка ҳам парво қилмас, мистер Шамнатҳ эса сигарета устига сигарета тутатганча, қўлида керакли нарсалар рўйхатини ушлаб у хонадан бу хонага кириб–чикиб юарди.

Ниҳоят соат бешларга бориб тайёргарчилик охирига етай деб қолди. Стол–стуллар, табуреткалар, салфетка–ю гуллар – ҳаммаси айвонга олиб чиқилди. Залга ичкилик ичадиган жой қилинди. Энди уйдаги какур–кукурлар шкафларнинг орқаси–ю кравотларнинг тагига бекитила бошлади. Шунда тўсатдан Шамнатҳнинг олдида бир масала кўндаланг бўлиб қолди – ие, онасини нима қилади?

Шу нарса на унинг, на билағон бекасининг хаёлига келибди. Мистер Шамнатҳ хотинига қараб инглизчалаб «Онамни нима қиламиз?» деб сўради.

Хоним иш қилиб турган жойида таққа тўхтади, бироз ўйлаб туриб, деди: «У кишини уйимизнинг орқасидаги анави дугоналариникига обориб қўйинг. Кечаси ўша ерда қолсинлар. Эртага келарлар».

Шамнатҳ ўзида сигарета билан ярим юмук кўзларини хотинига тикканча бир зум ўйлаб турди–да, кейин бошини силтаб деди: «Йўқ, мен ўша кампирнинг бизникига яна танда қўйишини хоҳламайман. Ўзи шундоқ ҳам бир амаллаб келмайдиган қилган эдим. Ундан кўра бундай қилсак: онамга айтсакки, у киши кечкурун овқатларини вақтлироқ еб, хоналарига кириб кетсалар.

Меҳмонлар саккизларда келади. Унгача у киши хоналарига кириб олсалар».

Таклиф жўяли эди, чунончи, икковларига маъқул келди. Бироқ бека бирдан айтиб қолди: «Борди–ю у киши ухлаб қолсалар–у хуррак отсалар–чи? Унда нима боиади? Ахир меҳмонлар овқат ейдиган айвон шундоққина ёнларида боиса?»

– Биз у кишига эшикни ичкаридан беркитиб олинг, деймиз. Мен ташқаридан қулфлаб қўяман. Ё бўлмаса, онамга айтаманки,

хонангизга киргандан кейин ухламай ўтиринг, дейман. Шу–да, нима қиларди?

–Хўп, ухлаб қолсалар–чи, унда нима бўлади? Худо билади, меҳмонларнинг овқат ейиши қачонгача чўзилади? Сизлар ўзи–ку ўн бирларгача ичкилик ичишдан бўшамайсизлар.

Шамнатҳ бироз қизишиб кетди, қўлини силтаб туриб деди: «У киши ўзи туппа–тузук акамникига кетиб турган эдилар–а. Сен ўзингни яхши кўрсатиш учун орага суқилиб ўтирибсан!»

– Ие! Мен сиз билан онангизга қачон ёмон кўринган эканман? Бўпти, билганингизни қилинг!

Мистер Шамнатҳ индамади. Ҳозир ади–бади айтишиб ўтирадиган пайт эмас эди. Масалани ҳал қилиш керак эди. У онасининг хонасига қаради. Хонанинг эшиги айвонга очиларди. Айвон томон қараб, «Топдим» деди–да, хонанинг олдида борди. Онаси девор ёнидаги пастак курсида ўтирар, бошига дупатта⁴ синингбир учини ташлаб олганча тасбеҳ ўғирарди. Эрталабдан бери тайёргарлик бўлаётганини кўриб онанинг ҳам юраги ҳаприқиб кетмоқда эди – ахир ўғлининг идорасидаги бошлиғи меҳмонга келади, ишқилиб ҳаммаси кўнгилдагидек бўлсин–да, дерди.

– Ойи, сиз бугун овқатингизни вақтлроқ еб олинг. Меҳмонлар етти яримда келишади.

Онаси астагина бошидан дупаттасини олди–да, ўғлига қараб деди: «Болам, мен бугун овқат емайман. Ўзинг биласан–ку гўштли, балиқли овқат бўлган куни менинг ҳеч нарса емаслигимни.

– Ҳар ҳолда, ишларингизни вақтлроқ қилиб олинг.

– Хўп, болам.

– Ойи, яна бир гап. Бизлар аввал залда ўтирамыз. Ўша пайтда сиз бу ерда, айвонда ўтиринг. Кейин биз бу ерга ўтганимизда, сиз ваннанинг ёнидан ўтиб залга кириб кетинг.

Она ҳайрон бўлиб ўғлига қараб турди–да, «хўп, болам» деди.

– Ойи, бугун вақтли ухлаб қолманг. Хуррак отганингиз узокдан ҳам эшитилади.

Она хижолат тортиб деди: «Нима қилай, болам. Бу нарса менинг қўлимда бўлмаса. Касалдан турдимки, бурундан нафас олол–майман».

⁴ Dupatta – ro'mol, sharf.

Мистер Шамнатх ҳамма ишни қлиди-ю, бироқ кўнгли тўлмади. Бошлиқ бирдан ўша томонга ўтиб қолса-я? Меҳмонлар саккиз-ўн киши бўлади, маҳаллий амалдорлар, уларнинг хотинлари бўлади. Биронтаси ваннахона тарафга ўтиб қолиши ҳеч гап эмас, деган фикрлар миясида чарх ура бошлади. Жаҳл билан битта стулни олиб, онаси турадиган хонанинг остонасига қўйиб, деди: Ойи, бу ёққа келинг-чи. Қани, манавига ўтиринг-чи.

Онаси қўлида тасбеҳини тутганича рўмолининг четини тўғрилади-да, аста-секин келиб стулга ўтирди.

– Бунақамас, ойи! Оёқни бунақа баланд қилиб ўтирмайди. Бу сизга чорпоя эмас!

Она оёғини пастга тушириб олди.

– Худо ҳаққи, ойи, бунақа яланг оёқ юрманг. Анави кавушингизни ҳам кия кўрманг. Бир кунмас-бир кун ўша кавушингизни олиб, улоқтириб юбораман-да!

Она индамади.

– Қайси кийимингизни киясиз, ойи?

– Борини кияман-да, болам. Ёки қайсини десанг, ўшани кияман.

Мистер Шамнатх лабига сигарета қистирганча ярим юмук кўзлари билан онасига тикилиб унинг кийими ҳақида ўйлай бошади. Шамнатх ҳар бир нарсада тартиб бўлишини истарди. Уйни тартибга келтириш унинг ўз қўлида эди — кийим иладиган қозикларни, каравотларни қаерга қўйиш, парданинг ранги, хонимнинг қанақа сарий кийиши, столнинг катта-кичиклиги қандай бўлиши ва ҳ.к. Бошлиқ онам билан учрашиб қолса, шарманда бўлмасмикинман, деган ўй-хаёл Шамнатхни қийнамоқда эди. У онасига яна бир бор разм солди-да, деди: «Сиз оқ кўйлак-шалворингизни кийинг. Қани, кийиб чиқинг, бир кўрай-чи.

Онаси аста-секин ўрнидан туриб, кийингани хонасига кириб кетди.

– Онам билан боғлиқ ғалвадан сира қутилмаймиз, шекилли, — деди Шамнатх яна хотинига инглизчалаб. — ўзи шундоқ ҳам ҳамма нарса жойида боиган тақдирда ҳам битта-яримта гап қилади. Агар, худо кўрсатмасин, бошлиққа ёқмайдиган бирон-бир нарса боиса борми, ана унда кўрасан — бутун тоат-ибодат бир пул боиади.

Онаси ичкаридан оппоқ кўйлак–шалвор кийиб чиқди. Шамнатх онасига тикилди – ушоққина қомат, оппоқ кийим, нурсизгина кўзлар, ярим тўкилиб кетган соч ўрнини рўмол беркитиб турар, шу анволда аввалгига қараганда сал тузукроқ кўринарди.

– Бўпти, маъқул. Агар билагузук–пилагузингиз бўлса, тақиб олинг. Ёмон бўлмайди.

– Оҳ, болам–а. Билагузукни қайдан оламан? Ўзинг биласан–ку, бор зар–зеваримни сотиб, сенинг ўқишингга ишлатганман.

Бу гап Шамнатхга ўқдай қадалди. Тутақиб кетди:

– Бу нима деганингиз, ойи?! Тақинчоғим йўқ, деб айтинг–кўйинг! Бунинг ўқиш–пўқишга нима алоқаси бор? Зар–зевар сотилган бўлса, мана, одам бўлиб қайтдим! Қип–қизил аҳмоқ бўлиб келганим йўқ. Берганингизни икки баравар қилиб қайтараман.

– Тилим курсин, болам! Мен сендан тақинчоқ олармидим? Оғзимдан чиқиб кетди–да. Бор бўлса, тақмасмидим?

Соат беш ярим бўлган эди. Мистер Шамнатх ҳали ювиниб–тараниши, кийиниши керак эди. Хоним аллақачон хоналарига кириб кетган эдилар. Шамнатх ўз хонасига кетишдан олдин яна бир марта онасига насиҳат қилди:

– Ойи, унақа ҳар кунгидай оғзингизга талқон солиб ўтираверманг. Бошлиқ олдингизга келиб қолса–ю сиздан у–бу сўраса, яхшилаб жавоб беринг.

– Мен бир ўқимаган, оми бўлсам, болам. Нима ҳам дердим? Сен бошлиғингга айтгинки, онам бир саводсиз одам, дегин, ҳеч вақони тушунмайди, дегин. Шундай десанг, у мендан ҳеч нарса сўрамайди.

Соат еттига яқинлашганда, онанинг юраги гурс–гурс ура бошлади: «Агарбошлиқ олдимга келса–ю, бирон нарса сўраб қолса, нима деб жавоб бераман? Ўзи инглизни узокдан кўрса, юрак–пураги чиқиб кетарди, бу ахир америкалик–ку! Худо билади нимани сўраркин?» Шунга ўхшаш ўй–фикрлар уни қийнай бошлади. Она бир кўнгли орқа кўчадаги дугонасиникига чиқиб кетай ҳам деди, бироқ қанақа қилиб ўғлининг гапини икки қила олади? Чунончи, оёғини осилтирганча стулда ўтираверди.

Ичкилик яхши ичиладиган зиёфат кулинг ўргилсин зиёфатдир. Шамнатҳникидаги йиғин ҳам асл зиёфат тусини олмоқда эди. Қайси йўсинда стаканлар тўлдирилса, суҳбат ҳам ўша йўсинда кетарди. Ҳеч қаерда ҳеч бир тўсиқ, халақит берадиган ҳеч нарса йўқ эди. Бошлиққа виски маъқул келди. У кишининг хонимларига пардалар, диван ёпинчиғининг гули, уйнинг безатилиши ёқди. Бундан ортиқ яна нима керак! Ичкилик иккинчи марта айлантирилгандаёқ бошлиқ латифа ва турли хил ҳангомалар айтишга тушиб кетди. У идорада қанчалик салобатли бўлса, бу ерда шунчалик улфати эканлигини кўрсатмоқда эди. Бошлиқнинг хотини эғнига узун кўйлак кийган, бўйнида бир шода оқ марварид, сепган атир—у упа—еликларининг хушбўй ҳиди атрофни тутиб кетган, хонада ўтирган барча маҳаллий аёллар учун сажда қилинадиган бир маъбудага айланган эди. У ҳар гапга хандон отиб кулар, ҳар гапга бошини силкитиб—силкитиб кўярди. Шамнатҳнинг хотини билан—ку эски қадрдонидек гаплаш—моқда эди.

Ичкилик ичиш соат ўн яримларгача шу зайлда давом этди. Вақтнинг ўтгани ҳам сезилмади.

Ниҳоят меҳмонлар охирги стаканни ичишди—да, ўрниларидан туриб, овқат егани зал томонга юришди. Олдинда йўл бошлаб Шамнатҳ, кетидан бошлиқ ва қолган меҳмонлар юришди.

Шамнатҳ айвонга чиқди—ю таққа тўхтаб қолди. Кўз ўнгида намоён бўлган манзарадан оёғи қалтирай бошлади, бир зумда кайфи тарқаб кетгандай бўлди. Айвонда шундоққина хонанинг ёнида онаси стулда ҳали қандай ўтирган бўлса, шундай аҳволда ўтирар, фақат энди иккала оёғини стулнинг ўтирадиган ерига қўйиб олган, боши сарак—сарак бўйИар ва тўхтовсиз хуррак отарди. Боши бир ёнга қийшайиб, бир зумгина қимирламай қолганда эса хуррак овози яна ҳам кучаярди. Шунда хурракнинг овозидан уйғониб кетарди—да, боши яна сарак—сарак қила бошларди. Рўмоли бошидан тушиб кетган, сочлари ярим кал бошида тўзғиб ётарди.

Бу манзарани кўрди—ю Шамнатҳнинг баданига ўт туташиб кетди. Бир кўнгли онасини шартта туртиб уйғотиб, хонасига итариб киргизиб юборсаммикан ҳам деди. Лекин бунинг иложи йўқ эди, чунки ёнида бошлиғи ва қолган меҳмонлар турган эди.

Онасини кўрдию маҳаллий амалдорларнинг баъзи аёллари «пиқ» этиб кулиб юборди. Шунда бошлиқ оҳистагина деди: «Туринг, азизим».

Онаси апил–тапил ўрнидан туриб кетди. Қаршисида шунча одам турганини кўриб, чунонам кўрқиб кетдики, тили айланмай қолди. Дарров рўмоли билан бошини ёпди–да, ерга қараб олди. Оёғи дир–дир титраб, қўли қалтирай бошлади.

–Ойи, сиз кириб ухланг. Нега ҳалиям ухламай юрибсиз? – Шамнатх шундай деб хижолат бўлган кўйи бошлиққа қаради.

Бошлиқ кулимсираб турарди. «Намасте» деди у.

Онаси тортиниб, ийманиб–сийманиб салом бериш учун иккала қўлининг кафтини қовуштирди, бироқ тасбеҳ тутган битта қўли рўмолининг ичида, иккинчиси эса ташқарида эди, чунончи тузукроқ саломлаша ҳам олмади. Шамнатх бунга баттар тиришди.

Шу орада бошлиқ қўл бериб кўришиш учун онаси томон қадам ташлади. Онаси яна ҳам кўрқиб кетди.

–Ойи, қўҳингизни беринг, – деди Шамнатх.

Лекин ўнг қўлида тасбеҳ бор эди, қандай қилиб қўл берсин! У довдираб қолганидан бошлиққа чап қўлини узатди. Буни кўриб, Шамнатхнинг жони–пони чиқиб кетди. Маҳаллий амалдорларнинг хотинлари шарақлаб кулиб юборишди.

–Ойи, бунақа қилиб эмас! Биласиз–ку ўнг қўлини узатиш керак. Ўнг қўлингизни узатинг!

Бироқ бошлиқ онасининг чап қўлини силкитганча инглизчалаб «Ҳав ду ю ду?» деб ҳол–аҳвол сўраётган эди.

– Айтинг, ойи. Яхшиман, тузукман денг. Онаси бир нима деб ғудурлади.

– Онам тузукман, деяптилар. Ойи, «Ҳав ду ю ду?» деб айтинг.

Онаси секингина ийманиб деди, «Ҳав ду ду...»

Яна кулги кўтарилди.

Вазият юмшай бошлади. Бошлиқ ҳолатни ўз қўлига олиб олган эди. Меҳмонлар кулиб хурсандчилик қила бошлаган эдилар. Шамнатхнинг кўнглидаги ғашлик ҳам тарқай бошлади.

Бошлиқ онасининг қўлини ҳали ҳам қўйиб юбормас, унга сари она хижолат бўлмоқда эди. Бошлиқдан ичкилик ҳиди келарди.

Шамнатх бошлиғига қараб инглизчалаб деди:

– Менинг онам қишлоқда турадилар. Бир умр қишлоқда яшаганлар. Шунинг учун сиздан тортинаяптилар...

Бу гапни эшитиб, бошлиқ жуда хурсанд бўлб кетди:

– Ростданми? Менга қишлоқдагилар жуда ёқади. Бундан чиқди, онанг қишлоқ ашулалари ва ўйинларини биларкан–да! – Бошиик мамнун алпозда Шамнатҳнинг онасига тикилиб қарай бошлади.

– Ойи, бошлиқ айтаяптиларки, биронта қўшиқ айтиб беринг, деяптилар. Биронта эски қўшиқлардан айтиб беринг, қанчасини биласиз–ку.

– Болам, мен нимани ҳам айтардим? Мен қачон қўшиқ айтибман?

– Ие, ойи! Меҳмонга йўқ деб бўларканми? Бошлиқ жуда астойдил сўрадилар, айтмасангиз хафа бўладилар.

– Нимани ҳам айтардим, болам. Нимани ҳам билардим.

– Ие! Биронта зўр лапардан айтинг. Анави бор–ку «Дўпаттар анаран де»

Маҳаллий амалдорлар ва уларнинг хотинлари бу таклифни қарсак чалиб кутиб олишди. Она илтижо билан гоҳ ўғлига қарарди, гоҳ ёнида турган келинига.

Шу топда ўғли вазмин буйруқ оҳангида «Ойи!» деди. Шундан кейин бошқа бирон гапга ўрин қолмади. Ойиси ўтириб олди–да, ҳазин, заиф ва титроқ товушда никоҳда айтиладиган бир қўшиқни бошлади. Қўшиқнинг уч қаторини айтиб, жим бўлиб қолди.

Айвон гулдурос қарсакдан ларзага келди. Ҳамма қарсак чалишдан тўхтаса ҳам бошлиқ ҳамон қарсак чалмоқда эди. Шамнатҳдаги жаҳл ўрнини бирдан мамнуният ва фахр туйғуси эгаллади. Ойиси йиғинга ўзгача бир файз киритган эди.

Қарсак тинганидан кейин бошлиқ деди:

– Панжоб қишлоқларида қанақа ҳунармандчиликлар бор? Ҳозир Шамнатҳга етадиган одам йўқ эди. Чунончи у деди:

– Ў, тақсир, жуда кўп! Мен ўша нарсалардан бир тўпламини сизга туҳфа қиламан. Сизга жуда маъқул келади.

Бошлиқ бош чайқади–да, инглизчалаб бошқатдан сўради: –Ёк, мен дўконлардаги нарсаларни айтмаяпман. Панжобликларнинг уйларида қанақа ҳунармандчилик буюмлари ясалади, аёллар ўзи нима ясайди, деб сўраяпман.

–Қизлар қўғирчоқ ясашади, аёллар пхулкарий ясашади.

– Пхулкарий нима дегани?

Шамнатҳ обдон пхулкарий⁵ нималигини тушунтиришга уриниб кўрди. Лекин уддасидан чиқмагач, онасига қараб деди:

⁵ Матога ипакдан гул тикиш; ипакдан гул тикилган мато.

–Ойи, уйда биронта эски пхулкарий борми?

Ойиси индамай ичкарига кириб кетди–да, бир эски пхулкарий олиб чиқди.

Бошлиқ катта қизиқиш билан пхулкарийни кўздан кечира бошлади. Пхулкарий эски эди, ҳар жой–ҳар жойида иплари узилган, мато ҳам сузилиб кетган эди. Бошлиқнинг қизиқаётганини кўриб, Шамнатх деди: –Тақсир, бу йиртилган экан, мен сизга бошқа қилдириб бераман. Ойим қилиб берадилар. Тўғрими, ойи? Тақсирга пхулкарий жуда ёқди, бу кишига шунақа бир пхулкарий қилиб берасиз–а?

Онаси индамади. Кейин юрак ютиб астагина деди:

– Бу кўзларга энди йўл бўлсин, болам. Қариган чоғимда кўз ўтармиди...

Бироқ Шамнатх онасининг гапини бўлиб, бошлиққа қараб деди:

– Бу киши албатта қилиб берадилар. Сизга жуда маъқул бўлади... Бошлиқ бошини силкиб, миннатдорчилик билдирди–да, хиёл чайқалганча стол томон юрди. Қолган меҳмонлар унга эргашишди.

Меҳмонлар стол атрофига жойлашгач, диққат–еътиборлари бошқа ёққа кўчди. Шунда она астагина ўрнидан турди–да, ҳеч кимга билдирмай ўз хонасига кириб кетди. Хонасига кириб ўтирди–ю кўзи жикқа ёшга тўлди. У рўмолининг бир чеккаси билан кўз ёшларини артар, лекин ёш қуйилиб келаверар, гўё тўғон бузилган–у сув шарқираб оқиб келаётгандай эди. Она кўз ёшини тийишга хўп уриниб кўрди –ўзига ўзи тушунтирди, худонинг номини тилга олди, ўғлига узоқ умр тилаб дуо қилди – фойдаси бўлмади. Кўз ёши худди ёмғир фаслидаги ёмғирга ўхшар, ҳеч тинай демасди...

ТИМУР МУХТАРОВ



Филология фанлари доктори, профессор Тимур Асқадович Мухтаров 1948 йилда Тошкент шахрида таваллуд топди. 1972 йили ТошДУнинг Шарқ факультетини тамомлади. Бир неча йил хорижда: Миср, Ироқ, Сурия, Яман, Судан, Бирлашган Араб Амирликларида таржимон ва ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатди. Ўз илмий фаолияти давомида Ўрта асрлар араб насри билан мунтазам шуғулланди.

Т. Мухтаров 10 та монография, 70 га яқин илмий мақола муаллифидир. Бу мақолалар орасида таржимашуносликка тегишли “Особенности перевода средневекового текста” (Алма-ата, 1999); “Непереводимое” в переводе (реалии), Таржима масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Мухаррир, 2012 каби илмий мақолалар ҳам ўрин олган.

Т. Мухтаров таржима ишлари билан ҳам фаол шуғулланди. Унинг араб тилидан таржима қилган асарлари қуйидагилар: “Повесть о богатыре Амуре Хамзе”, М., ГРВ, 1990; “Путешествие Иби Баттуты”, Т., 1996; “Сказки 1001 ночи”, Т., 2002; “Классические арабские новеллы”, 2003; “Арабские сказки”, Т., 1994; “Навадир”, Алма-ата, Т., 2000; “Хрестоматия средневековой арабской прозы”, Т.; 2004; “Арабская литература на пороге Средневековья”, 2013.

“ҚАЛАМПИР”

“Бахт” деб аталган чоғроққина қаҳвахонада келган–кетганнинг эътиборини тортадиган анча–мунча нарса бор. Лекин бу ерда чиндан ҳам диққатга сазовор ғаройибот “Қалампир”дир.

Қалампир – ўн икки ёшлар чамасидаги болакай. Унинг асл исми – Таҳа Санкар, аммо қаҳвахонада ва бу теваарак атрофда у “Қалампир” лақаби билан машҳур. Эрта саҳардан то тун ярмигача столлар орасида ивирсиб, югургилаб, лов–лов чўғ ташийди. “Қалампир” деган лақаби ҳам унга, хойнаҳой, мана шу кашандалар ёпиштиришган. Лақаб унга ҳақиқатдан жуда ярашиб тушган эди: оловдай тез, сапчиб туради, ҳар бурчакда ҳозир у нозир, ифлос қаҳвахонанинг бўғиқ ҳавоси “Қалампир!”, деган бакирик–чакириклардан ларзага келиб туради.

У қарийб бир йилдан бери шу ерда ишлаб, кунига бир қирш пулдан ташқари, нонуштага ва тушликка бир стакан чойни текинга ичар эди. Гоҳи эса биронта кашандадан кейин қолган чилимдан бир–икки марта қуриллатиб тортишга ҳам ҳадди сиғарди. Шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, Қалампир ўзини омади юришганлардан деб билар эди. Мижозлар кўпайган пайтда уларга чой ташиб, етказиб бўлмайдиган, баҳслар авжига чиқиб, қаҳвахонани бошларига кўтардилар, кимдир кечки газетани баланд овоз билан ўқиган, кимдир қироат билан унга шарҳ берган... мунозара қизиган сари қаҳвахонадаги бошқа одамларни ҳам ўзига тортиб кетади. Қалампирга худди шунақаси керак!

Бора–бора у талабаларнинг нима ҳақида баҳслашаётганини англагандай, яқинроқ келиб қулоқ сола бошлайди. Бу гал улар пора олган бир катта амалдор ҳақидаги мақолани муҳокама қилишаётган эди.

– Биттаси энди қўлга тушибди! – деди кимдир, – ҳали қанчалари ялло қилиб юрибди!

Бошқа бирови гапни илиб кетди:

– Мансабдорларгина олади дейсанми порани ... бошқаларчи, э, бу ҳаммага аён–ку! Агар мамлакатда ҳамма адлия ходимлари

чинакам одил бўлса борми, қасрлар хувиллаб қолиб, қамокхоналар тўлиб–тошиб кетарди, ҳа!

Шунда ҳамма гапга аралашиб, бир–бирига сўз бермай, қўлларини пахса қилиб, бақириб кетишди, мамлакатда анча машҳур бўлган кишиларнинг номлари ҳам тилга олинди. “Мана, масалан... фалончи... бу бойликларни қайси йўл билан ортирганини биласиз”.

Битта яримтаси гапдан чиқиб, унинг номини тилга олганида, Қалампирнинг аҳволини томоша қилсангиз! Гўё чўнтаги тўла пулу, ундан одамлар: “Ишлар қалай? Жойидами?” деб сўраётгандай, юзига хотиржам ва бахтиёр табассум ёйилади. Хўжайин унга олов–кўр ташишгина эмас, чилимнинг ўзини элтиб беришга, балки хўрандаларга қаҳва дамлашга ҳам ижозат берадиган кунларни орзу қилиб илжаяди, шекилли–да! Ундай бўлса у ўзини катта амалдор ҳисобларди... Ҳозирча эса қаҳвахўрларнинг бетиним талабчан имо–ишораларига ҳозиржавоблик билан “Лаббай, ҳозир!” деб, кекирдакка зўр беришга тўғри келади. Кекирдак ҳам бу ерда, чаққон оёқдек, муҳим.

Қалампир қаҳвахонага талабалар ёпирилиб кирадиган пайтларни хуш кўради. Бу суронли, сершовқин тўдалар қаҳва буюриб, баҳслашгани баҳслашган, ўзлари ўрганган бурчакка ғуж бўлиб олиб, сигарет тутуни ичида “тахта” ўйнашади.

Бу ерга қатнайдиغانларнинг кўпчилиги сингари, булар ҳам анча юпун табақа–ю, аммо ўқув юртларида олган билимлари туфайли улар жамиятнинг кўзга кўринган қатлами ҳисобланарди, яъни зиёлилар.

Учта–тўртта бўлиб келишганида, қаҳвахонадагиларга анча беписандлик билан қараб, чеккароқда ўтиришади. Лекин тўдалашиб келиб қолишса борми, ёшликларига бориб, ўзларининг қаердаликларини унутиб қўйишармиди?! “Фалончини айт! Оқ уй – ола баргак, тўкин базм... Бу даромадларнинг манбаи... фалон-чи... ҳалиги-чи...” Ниҳоят, кимдир бор овози билан баралла қичқиради: “Эй, бу юртда ўғрилиқ қонун ҳимоясида-ку!”.

Қалампир баҳсларнинг маъносига етиб қолди... Энди унга талабалар гапидаги баъзи ажнабий сўзлар ҳам, илгари ғашини келтирадиган илмоқли иборалар ҳам ҳалақит бермасди. Зап топиб гапиряпти: “Ўғрилар мамлакати!”, “Ўғрилар қонун ҳомийлигида!” Қалампир буни яхши билади, тубдан тушунади, ўзи ҳам ўғри

эмасми ахир... Онаси ҳам, писта сотиб келаётганида, тор кўчада адашиб юрган жўжахўрозни... қўйнига жойлаб қайтади... Отаси-чи, кундузи бодомфуруш, кечаси эса томма-том сакраб, бировларнинг арқондаги қирларини...

Бу окшом Қалампир ўйлагандай хаёлпарастлик билан тугамади. Хужрасига қайтса, онаси синик курсида, полдаги ахлатга тикилиб қон йиғлаб ўтирибди. Мишиқи укалари ҳам ғингшиб, оналарига жавдирашарди. Қалампир, нима гап, деб сўраб улгурмади, “Дадамизни полиция олиб кетди!” дейишди. Қалампир дарров тушунди, каттароқ синглиси воқеани йиғлаб–сиқтаб гапириб берди.

– Улар анчадан бери кузатиб юришган экан дадангни... – деди она.

Қалампир дадасини камдан-кам кўрар эди. Одатда дадаси тунги “сайр”лардан қайтганида, у ухлаб қолган бўларди. Эрталаб ишга кетаётганида эса, отаси ухлаб ётган бўларди. Лекин, барибир, отасига раҳми келиб, юраги сиқилиб кетди, йиғлаб юборди.

Кейин у қаҳвахонадаги суронли гурунглари эслаб, бу юрт – ўғрилар юрти эканини, ўғриликка қонун ўзи ҳомийлик қилишини онасига ҳикоя қилиб берди...

Онасининг ғаши келиб, “бас қил!”, дея жеркиб берди. Қалампир эса ҳаяжонда гапираверди. Онасидан бир тарсаки егандан кейингина уйқуга кетди.

Эрталаб ўрнидан турганида, ҳеч нарса бўлмагандек, ҳаммаси эсидан чиқиб кетган эди. Ўзини тетик сезиб, чопқиллаганча қаҳвахонага жўнади. Чиндан ҳам, нима бўпти, отаси биринчи марта қўлга тушаяптими!...

Форс тилидан қилинган таржималар

АҲМАД ҚУРОНБЕКОВ



ТошДШИ, эрон – афғон филологияси кафедраси профессори, филология фанлари доктори, профессор Аҳмад Қуронбеков 1966 й. ТошДУ нинг шарқ факультетини имтиёзли диплом билан тугаллаган. 1988 й. Москвада “Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Ойинаи Искандарий” достонида исмий туркумнинг статистик ва семантик таҳлили” мавзусида номзодлик диссертациясини, 1995 йилда Тошкентда “Ҳофиз ғазалиёти лексикасининг семантик структурасини тадқиқ этиш йўсинлари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1967 – 1968, 1971 – 1974, 1978 – 1983 йилларда Афғонистонда дарий тили таржимони бўлиб узоқ муддатли хизмат сафарларида бўлган. 1969 – 1971 йилларда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир, Осиё ва Африка мамлакатлари адабиёти бўлим мудири, 1974 – 1978 йилларда “Прогресс” нашриётининг Тошкент бўлимида “Форс адабиёти” бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган. 1983 йилдан бошлаб ТошДУнинг шарқ факультетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, 1991 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институти ташкил этилганидан кейин Эрон – афғон филологияси кафедраси мудири, 1992 йилдан буён шу кафедранинг профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Профессор А. Қуронбеков ўзининг асосий илмий изланишлари билан бир қаторда форс тилидан ўзбек тилига бир қатор назарий адабиётлар, роман ва ҳикоялар таржима қилиб, чоп эттирган. Жумладан, Бузург Алавийнинг бир неча ҳикоялар тўплами ва “Унинг кўзлари” романини, дарий тилидан Гулбаданбегимнинг “Ҳумоюннома” асарини, “Савр шабадалари” ҳикоялар тўпламини, “Ҳозирги замон форс адабиёти” китоби ва бошқа асарларни таржима қилишда қатнашган.

СЕТОР

Қўлида бир янги, ғилофсиз сетор тутганча, кўкраги очик, ўпкаси тикилиб кетиб борарди. Шоҳ масжиди пиллапояларидан шоша – пиша пастга тушиб, майда – чуйда сотувчи ёймачилар ва уларнинг ёйилган бисотлари ўртасида нима қидираётганини ўзи ҳам билмай уймалашиб юрган оламон орасидан бир амаллаб ўтиб борарди.

Сеторни маҳкам қорнига босган ва биронтасининг тугмасига ёки ҳаммолларнинг юкларининг четига илиниб узилмасин деб симларини қўли билан авайлаб тутиб борарди.

Ниҳоят шу бугун орзусига етган эди. Энди бирон йиғинга боргудай бўлса бошқалардан тор сўрашга, отасининг хунини қўшиб ижара ҳақи тўлашга ва устига – устак уларнинг ҳиллат – димоғини эшитишига ҳожат йўқ эди.

Сочлари тўзғиган, пешонасига устига тушиб, ўнг кўзини тўсиб турарди. Яноқлари ич–ичига тушган ва қиёфаси сарғайган эди. Аммо оёғи ерга тегмас ва шодлигидан тўлиб – тошиб пилдираганича кетиб борарди. Агар бирон йиғинда бўлса ва унга тегишли жойи бўлса завқи тутган пайтда тор чалиб хониш қиларди ва ички шодлиги ва бахтиёрлигини бошқаларга ҳам сингдирарди. Аммо ҳозирда нима иши борлиги номаълум, шу атрофда ғужғон ўйнаган оламон орасидан тезроқ ўтиб, бирон манзилга етиб олиш учун халлослаб югуришдан бўлак нима ҳам қила оларди. Хурсанчиликдан босар–тусарини билмас ва энди ўз–ўзиники бўлган сеторини ўйларди.

Энди ич–ичидан қайнаб тошган шавқ – завқдан медиатрни зарб билан торнинг симларига урганларида, кўнглининг бир чеккасида ишқилиб торнинг симлари узилиб кетиб, торнинг эгаси ёруғ кунини қора тунга айлантормасайди, деган ваҳима уни қийнамаслигини ўйларди. Бундай ташвишлардан қутулган эди. Бундан кейин шундай хунарини кўрсатсин, шунақа торнинг додини бериб чалсин ва одамларнинг завқини туғёнга солсинки, ўзи ҳам чидай олмай, беихтиёр кўзларидан ёш чиқиб кетсин, деб ўйларди. Лекин кўнглининг бир чеккасида, кўздан ёш чиқадиган даражада чала олсамиди, деб орзу қиларди. Кўзларимдан ёш

чиккудай тор чалгандагина яхши чалган бўлардим, деб қатъий ишонарди. Ҳозиргача ўзи хоҳлаганчалик тор чала олмаганди. Ҳар доим одамларга, ўзининг йўқотган, кўлдан бой берган шодликларини унинг тор садоларидан ва ҳазин хонишидан излаган одамларга тор чаларди.

Ўтган бу ҳамма кечаларда шоду – хуррамлик йиғинларида, унга фақат сохта ва безовта хурсандчилик бағишлайдиган шоду–хуррамлик йиғинларида соз чалиб ашула айтарди, шунча кечаларда бирон марта торининг садосидан кўзидан ёш чиқадиган даражада чалмаган эди.

Ўзини ҳам йиғлатадиган даражада соз чалолмаганди. Ё шунга муносиб йиғин бўлмаганди ёки уни чақирган ва пул тўлаган миждозлар унинг кўз ёшларини кўтарадиган ҳоллари йўқ эди. Ёки унинг ўзи мабодо симлари узилмасин деб, медиатрни аяб –авайлаб симларга теккизарди. Бунга ҳам ишончи комил эди... Ҳозиргача ўзи чала оладиган ва ашула айта оладиган даражадан анча бўшроқ ва астароқ даражада тор чалиб келганига ишонарди.

Энди ўзини тийиб ўтирмасликка қарор қилди. Энди эҳтиёт қилмаса ҳам бўлаверади. Энди ўзининг таъбирича мана шу “бебарака ” пулларига тор сотиб олган эди, энди у ўз орзусига ета олган эди. Энди сози ўзиники эди. Энди бемалол ўзи хоҳлаган нарсасини чала оларди. Энди шундай тор чалсинки, ўзининг кўзларидан ҳам ёш чиқиб кетсин.

Ашула айтиш билан шуғулланганига уч йил бўлганди. Мана шу ҳунарни деб мактабни ташлаган эди. У синфнинг энг чеккасига ўтириб олиб хиргойи қиларди. Бошқалар аҳамият беришмас ёки тушунмасдилар. Аммо ҳисоб ўқитувчиси ўта кетган қаттиқ кўл эди ва унинг хонишини шунчалар ёқтирмас эдики, жон–пони чиқиб кетарди ва аламини синфдан оларди. Уч–тўрт марта синфда хиргойи қилма деб эскартма берганди, аммо қани имкони бўлса! Фақат сўнгги шу йилда унинг синфнинг охиридан келадиган хиргойисини ҳеч ким эшитмасди. У шунчалик силласи қуриган, шунчалар кечаси уйқудан қолган эдики, ё пешингача ухларди, ёки дарс пайтида мизғирди. Аммо бу можаро кўпга чўзилмади, тез–орада мактабни ташлади.

Биринчи йили ҳар кеча тор чалиб ашула айтиб ўзини ўлгудай чарчатди, ҳар куни пешингача ухларди. Аммо кейинчалик бориб ўз ишларини тартибга солди, ҳафтасига икки–уч мартадан ортик

одамлар таклифини қабул қилмасди. Бора–бора ўзича таниқли ҳам бўлиб олди, энди у ёки бу созандадар гуруҳига мурожаат қилишига ҳожат қолмаганди. Одамлар уни таниб қолишганди, фақирона кулбасининг олдида онасига тайинлаб кетишар ва унинг келишига ва уларнинг хурсандчилик кечаларини ўтказиб беришига ишончлари комил эди.

Шунга қарамай ҳали ҳам иши одамни силласини қуритадиган даражада эди. Кундан кунга ҳолдан тойиб кетаётганини онаси сезарди. Унинг ўзи бу масалага унча эътибор бермасди. Фақат ишдан қоп кетмасликни, ўзининг тори бўлишини ва ўзи хоҳлаганча тор чалишини ўйларди. Бу ҳам осонликча бўладиган иш эмасди. Фақат охирги пайтларда бир обрўли никоҳ тўйида “яшавор”лар билан тушган маблағдан бир қисмини асраб, янги сетор олишга муваффақ бўлганди. Ва энди торга эга бўлгандан кейин яна нимани орзу қилишни ҳам билмасди. Эҳтимол кўпроқ нарсаларни орзу қилса ҳам бўларди. Ҳозир буни ўйлаб ўтирадиган вақт эмасди, ҳозир фақат бирон жойга етиб олишни ва ўзининг сеторини бошдан–оёқ яхшилаб кўздан кечиришни ва уни созлашнинг фикрида эди. Хатто ўша зўрма–зўраки шоду–хуррамлик кечаларида ҳам қўлидаги торни чертиб хониш қилаётган пайтида, шу қадар ўзини унутиб ором олардики, ҳечам торини қўлдан қўймасликка ҳаракат қиларди. Аммо буни имкони бормиди? Бировларнинг хонадони бўлса, бировларнинг айшу–ишрати бўлса ва унинг вазифаси фақат уларнинг базмини қизитиш бўлса.

Шунча ўзини унутганлари билан ҳали ҳам бир ўзини қўйиб хуморидан чиқолмаган эди. Қишнинг узун тунларида мана шунақа йиғинлардан чарчаб ҳориб қайтаётганларида ва қоронғи кўчаларда уйига борадиган йўлни зўрға топиб кетаётганларида ана шу ички бир илиқликни шунчалар жонли ва юракдан ҳис қилардики, агар ўша бўлмаса уйимга ҳам ета олмасам керак деб ўйларди. Мана шундай лаҳзаларда қанча–қанча маротаба даҳшатга тушган ва ўзининг йўқотган нарсасини излаб қанча–қанча кечаларни тонггача қовоқхоналарда ўтказган эди.

Ўта нимжон эди. Бир қарашда кўпроқ бир нашавандга ўхшарди. Аммо бугун, бир соатча ўтган вақтдан – ўша ўз торига эга бўлган вақтдан буён – ҳаяжонидан хафриқиб, яноқлари ял–ял ёнар, пешонасидан ўт чакнарди.

У мана шу ўй–хаёллари билан энди Шоҳ масжидининг катта дарвозасига етиб, унинг силлиқ тошдан ясалган остонасига қадам қўйган ҳам эдики, масжиднинг кираверишидаги супада молларини ёйиб, дўконда мижозлар келишини пойлаб тасбиҳ ўгириб ўтирган атирфуруш болакай ёйиб қўйган моллари устидан ерга сакради ва унинг билагидан тутди.

- Имонсиз! Мана шу куфр асбоби билан масжидни ичига–я? Худонинг уйига–я?

Унинг ўй–хаёллар ипи узилди. Энди унинг қалбига йўл топган илиқлик маҳв бўлди. Аввалига бироз гарансиб турди, сўнг болакай нима деяпганини англай бошлади. Ҳали нима бўлаётганини ҳеч ким тушунмаганди. Ўткинчилар ҳали унча кўп эмасди. Ҳаммалари ёймачиларнинг молларини кўриш билан оввора эди. У ҳеч нарса демади. У билагини тортиб олиб ўз йўлига равона бўлишга уринди, аммо атирфуруш бола уни қўйворадиган анойилардан эмасди. Унинг билагидан маҳкам тутиб, кетма–кет лаънатлар ёғдирар ва дод–фарёд соларди.

- Худодан кўркмаган! Худонинг олдида уялмайсанми? Шарм... Ҳаё... ахир! У яна бир бор билагини тортиб олиб, ўз йўлига жўнашга уриниб кўрди: аммо болакай осонликча уни қўйворадиган эмасди, гўё бозори касодлигининг аламини ундан олмоқчи бўларди. Аста–секин одамлар диққатини ўзига жалб қилиб, кишилар бирин–сирин уларнинг атрофига тўплана бошлаган эди, аммо ҳеч ким гап нимадалигини англаб улгурмаганди. Ҳали ҳеч ким аралашмасди. У анча ушланиб қолганди.

Тез орада бирон кори ҳол содир бўлиши тайин эди. Аммо унинг дилини эгаллай бошлаган муз қайтадан эриди. У аввал кўнглида кейин миясида илиқлик сизди. Бирдан тутакиб кетди. У ихтиёрини қўлдан берган эди, ўзи ҳам билмаган ҳолда болакайнинг қулоғининг тагига тортиб юборди. Болакайнинг нафаси ўчди, лаънатлар, ҳақоратларини ичига ютди. Бир лаҳзага гарансиб, унинг қўлини қўйиб юборди ва икки қўллаб юзларини уқалашга тушди. Бироздан сўнг эс–ҳушини йиғиб олди. Бирдан сакраб у сетори билан масжидга кириб кетаётган чоғида костюмининг этагига ёпишди ва яна унинг билагидан тутди.

Жанжал авж олди. Кўпчилик аралаша бошлади. Болакай ҳали ҳам аюҳаннос солар, оғзидан боди кириб шоди чиқар, динсиз кишиларга лаънатлар ёғдирар ва худонинг уйига кўрсатилган

ҳурматсизликдан қайнаб—тошар ва мусулмонларни ёрдамга чақирарди.

Нима бўлганини ҳеч ким англамасди. Унинг ўзи ҳам тузук англаб ололмасди. Фақат сетори косаси билан ерга тушиб, бир қисқа ва жарангдор садо билан уч бўлакка ажраб, симлари чувалашиб, тўдаланиб қолганида ўзини четга тортди ва ҳанг—манг ҳолатда оламонга тикиларди. Ўз диний бурчини қойиллатиб бажардим деб ишонган болакайнинг кўнгли тинчиди.

Бор вужуди билан кўрсатганига шукр қилди ва ёйилган молларининг тепасига қайтиб, юз—бошини тартибга келтирди ва тасбиҳини олиб зикр айта бошлади.

Унинг борлиқ ўй—хаёллари сеторининг узилган симларидай бир жойга тўдаланиб чувалашиб кетган эди, қалбини босиб келаётган ва миясига ҳам ўта бошлаган совуқ таъсирида музлаб қолган ва бир чеккада ғужанак бўлиб ётарди ва умид пиёласи эндигина қўлга киритган торининг косасидай уч бўлакка бўлиниб кетган ва унинг парчалари нақ юрагини тимдаларди.

ЭРГАШ ОЧИЛОВ



Эргаши Зокирович Очилов 1965 йил 15 ноябрда Бухоро вилояти Шифиркон туманида туғилди. 1989 йили Ўзбекистон Миллий университети (собиқ ТошДУ)нинг журналистика факультетини тугатди. 1984–1992 йилларда Тошкент шаҳар китоб савдоси идорасида ишлади. 1992 йилдан ҳозиргача ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институтида меҳнат қилиб келмоқда. 1995–1998 йилларда ЎЗР ФА Президиумида ижтимоий–гуманитар фанлар бўлими илмий котиби, 1998 йилдан Ўзбек адабиёти ва тарихи бўлими катта илмий ходими, 2000 йилдан «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг масъул котиби лавозимларида, 2004–2012 йилларда ўриндошлик асосида Тошкент Давлат Шарқшунослик институти “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедрасида ишлади.

Э. Очилов 1994 йилда «Рубоий таржимасида шакл ва мазмун бирлиги» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У Шарқ мумтоз адабиёти, адабий алоқалар ва бадиий таржима масалалари билан шуғулланади. 300 дан ортиқ мақола, 10 га яқин рисола ва монографиялар муаллифи.

У форс, тожик, афғон, рус, озарбайжон, туркман ва бошқа тиллардан таржималар қилади. Унинг Рудакий, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Ғолиб каби 200 га яқин Шарқ шоирлари рубоийларидан қилган 10000 дан ортиқ таржималари «Ишқ дафтари» (2000), «Муҳаббат тароналари» (2005), «Минг бир рубоий» (2009), «Рубоий гулшани» (2010) номли китоблардан жой олган.

Унинг таржимасида А. Жомийнинг “Муҳаббат мазҳаби” (2011), У. Ҳайёмнинг “Тириклик тилсими” (2012), С. Шерозийнинг “Ҳаёт ҳикмати” (2013), Жалолиддин Румийнинг “Муҳаббат маъноси” (2013), Махтумқулининг “Устозингдан айрилма” (2012), “Ҳикматлар” (2013) тўпламлари нашр этилган.

Эрон (2002, 2008, 2011), Туркия (2009, 2012) ва Туркменистонда (2007, 2008) илмий сафарда бўлган. Э. Очилов ҳозирда “Форсийдан ўзбекчага шеърий таржима муаммолари” мавзусидаги докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

ҲИКМАТЛАР

Билсанг, бу дунёга келар вақтингда
Ҳамма хандон эди, сен эса гирён.
Шундай яшаки, то кетар вақтингда
Ҳамма гирён бўлсин, сен эса хандон.

* * *

Ҳунарманд ва оқил кишига асли
Икки умр лозим бўлар дунёда:
Бирида тажриба ҳосил қилса—ю,
Бирида қўлласа уни зиёда.

* * *

Бойлик ва амал — нокас учун оламда,
Ов чоғида ит яхши, ахир, одамдан.

* * *

Кетмас давлатни берса тоат ила хуш,
Наф қилса мусофир молу давлат ила хуш.

* * *

Йўл юрсанг агар, йўлдан иборат олам,
Чоҳ кўргуси ҳар қадамда кўрқоқ одам.

* * *

Дарёга тушиб, агар чўкар бўлса киши,
Оёғу қўлига зўр бериш бўлгай иши.

* * *

Тиш бўлмаса, бурда нонга ҳам сабр этасан,
Ноннинг ўзи бўлмаса агарда нетасан?!

* * *

Бир—бирни аянг, кўнгилга берманг озор,
Яхши гина—кудратдан аҳиллик минг бор.

* * *

Тинчингни бузувчи ҳақиқатдан бегумон,
Кўнглингга ёқувчи ёлғон яхши, ишон!

* * *

Кимнинг кўзига кўринса халқ хор,
Қолмайди улуғлик унда пойдор.

* * *

Мурувват қолмаса, айниса очун⁶,
Чумоли ризқига кўз тикар лочин.

* * *

Қудрат ила ўлчама одам мардини,
Ким зулм тиғини ушатса, бил мард уни.

* * *

Бир кимсани(нг) кўнглини олиш мақсадида,
Ўзга кишини ранжитиш бемаъни жуда.

* * *

Ишонма зоҳирига, ботини балки ёмон бўлгай,
Заҳар баъзан ширин ҳалвонинг ичинда ниҳон бўлгай.

* * *

Душман ўлганига бўлма мамнун,
Ҳеч ким бу жаҳонга бўлмас устун.

* * *

Гар бўлса ўтинлар бари уд, тош эса дур,
Тўймайди кўзи очнинг кўзи барибир.

* * *

Нокасга насиба берма, кучга тўлади,
Бўри тиши тез бўлса, қон кўп тўкади.

⁶ О ч у н – дунё.

* * *

Толе нури кўзларингни этсин равшан,
Дўст кўрса қувонсин, куйиб ўлсин душман!

* * *

Яхшилик яхши – қил қўлингдан келса,
Маълумдир ажри ким ёмонлик қилса.

* * *

Душманлигидан қайчи кесар шам бошини,
Парвона қилар дўстлигидан жонни фидо.

* * *

Ким ўз меҳнатидан топиб еса нон,
Ҳотам миннатини чекмас ҳеч қачон.

* * *

Ранж чекмагунча ганж йўқдур ҳеч жойда,
Меҳнатдан қочмаган топади фойда.

* * *

Ким уруғ экмаса тупроққа кузда,
Пушаймонлик бўлар ҳосили ёзда.

* * *

Донодан ўзгага бермагин амал,
Гарчи у қизиқмас бунга ҳеч маҳал.

* * *

Чумоли тер тўкар ёз бўйи,
Қишда зорикмаслик фикр–ўйи.

* * *

Даромад истасанг, ишга бел боғла.

* * *

Адоват кўзига фазилатдан каттароқ айб йўқ.

* * *

Бойлик давлатда эмас, фазилатда.

* * *

Ҳунар ҳамиша қайнаб турган бир чашма ва сира тугамайдиган чексиз давлатга ўхшайди. Ҳунарманд давлатидан айрилса ҳам ҳеч бокиси йўқ, чунки ҳунарнинг ўзи унга доимий давлатдир ва ҳар қаерга борса, қадр топиб, тўрға ўтади, ҳунарсиз эса бир бурда нонга минг бир азоб билан етишиб, қийинчиликдан боши чиқмай яшайди.

* * *

Ким ҳунар ўрганса, донолар сўзи:
Уни улуғлайди ҳунарнинг ўзи.

* * *

Фазлу камол билан йўл оч ўзингга,
Наслу насабни зеб қилма сўзингга.
Эски дурдан жило излама мунча,
Дур қанча эскирса, сарғаяр шунча.

* * *

Даъво қилма ҳаммадан устунман деб илмда,
Кибр йўлини тутган ҳаммадан паст, нодондир.

* * *

Маъно давлатин қўлга кирит борингни бериб,
Моддий бойликлар кетиб, маъно давлати қолар.

* * *

Инсон илми билан топади камол,
Бу йўлда иш бермас мансаб, бойлик, мол.

* * *

Илминг билан ризқинг бўлса фаровон,
Кунинг ўтмас эди нодондан ёмон.

* * *

Ақл билан давлат ўзаро боғлиқ,
Кимнинг ақли йўқми, давлати ҳам йўқ.

* * *

Ақл билан инсон жисми мукаррам,
Жон бўлса, бор ҳайвон вужудида ҳам.

* * *

Донолардан ёдгор бўлиб сўз қолади.

* * *

Ақлу сўздан инсон топар эътибор,
Қилма бошқаларни тўтидек такрор.

* * *

Ўз сўзингга ўзинг мағрур бўлма ҳеч,
Пуч мактовга учма, кибр—ғурурдан кеч.

* * *

Киши сўзга оғиз очмасдан бурун,
Айбу фазилати бўлар яширин
Чангалзорда не бор йиртқичга дема,
Балки унда йўлбарс олиб ётар тин.

* * *

Оғиз ичидаги тил нима? Билсанг,
Доно хазинасин калитидир у.
Эшик ёпиқ бўлса, қайдан биласан:
Резавор сотарми ё дуру инжу?!

* * *

Мазлумга зулм қилишга мойил бўлма,
Ўтли оҳидан қўрқ унинг — ғофил бўлма.

* * *

Бўрига қилсанг карам,
Қўйларга бўлар ситам.

МИРОДИЛ ОБИДОВ



Миродил Обидов 1946 йил 1 октябрда Тошкент шаҳридаги Чигатой дарвоза мавзесида ишчи оиласида туғилган. 1970 йилда Тошкент Давлат Университети Шарқ факультетининг эрон–афғон филологияси бўлимини тамомлаган.

У 1971–1974 йилларда Афғонистонда ҳарбий таржимон, 1974–80 йилларда “Прогресс” нашриётининг Тошкентдаги бўлими, “Радуга” нашриётида муҳаррир, нашриёт муҳаррири ва назоратчи муҳаррир лавозимларида ишлаган. 1980–2006 йилларда Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида талабаларга форс тили ва турли тилшунослик назарий курсларидан таълим берган. 1988 йилда Москвада “Ҳозирги замон форс тили субстантив фразеологик бирликлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1996–2007 йилларда Эрон “Содирот” банкида таржимонлик қилган. 2007 йилдан шу кунга қадар Эрон фирмаларида таржимонлик қилиб келмоқда. Унинг 10 га яқин илмий мақоласи чоп этилган. Кўпгина Эрон ёзувчиларининг ҳикоялар тўпламларида таржималар билан қатнашган. Жумладан, Жамол Мирсодиқийнинг “Узун тун” (1980) романи, Эрон ёзувчиларининг ҳикоялар тўпламини (2008) ўзбек тилига, “Ўзбек халқ эртаклари” тўпламида (1977) 10 дан ортиқ эртақни ўзбек тилидан форс тилига таржима қилган. Бундан ташқари, Эрон Ислом Республикаси элчихонасида нашр этиладиган “Сино” журнали учун илмий–оммабоп ва адабий мақолаларни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган. 2011 йилда “Эрон форс адабиёти” китобининг наср қисмини таржима қилган.

Эрон ёзувчиси Али Муҳаммад Афғонийнинг “Оҳу хонимнинг эри” романи “Жаҳон адабиёти” журнали таҳририяти ёрдамида қисқартирилган нухада 2013 йил 2– ва 3–сонларида босилиб чиққан. Асарнинг давоми 8–, 9– сонларда босилиш арафасида.

ОҲУ ХОНИМНИНГ ЭРИ

(романдан парча)

Биринчи боб

Ҳижрий 1313⁷ йилнинг қиш кунларидан бири, вақт пешиндан оққан. Гўзал Кермоншоҳ шаҳри узра чарақлаган илиқ ва ёқимли офтоб ўтган кеча ёққан қорнинг энг охири асарларини ҳам эритиб юбормоқда. Осмон артилган шишадек тиниқ эди. Томларнинг кўча томонидаги бўғотларига ин қўйган кабутарлар оёқлари ости ва теvarак–атрофдан кўтарилаётган хира буғлар орасида виқор ва лаззат ила ғу–ғулар эдилар. Гўё ёмғирли ва қорли кунлар тугаб, шодлик ва сармастлик бошланганини ички бир туйғу билан ҳис қилаётгандек эди улар.

Кўчада ҳаёт ҳар доимгидек жўнгина ўтиб бормоқда эди. От лўк–лўк қилиб тортиб бораётган извош, қўлларини палтоси ичига тикиб олган ва бошини қуйи солиб, ўз ишлари ва ҳаёти ҳақидаги ўйлар билан банд йўловчи, мижозлари билан машғул бўлган сотувчи – буларнинг ҳеч бирида шошилиш аломати сезилмас эди. Тош терилган йўлка бир оз ҳўл эди ва деворларга ўрнатилган тарновлар сирли шовулларди.

Кўчанинг ҳар икки тарафидаги очик ва ёпиқ дўконлар саф тортган. Эшикларининг орқа ва олди кўк ва ва яшил рангга бўялган. Ҳали яхши қуримаган бўёққа ўз ўй–ҳаёллари билан банд ўткинчилар кунда эътибор қилмасалар–да, мактабга йўл олган, ғам–ташвишдан озод жажжи ўқувчилар учун қизиқарли ва ёқимли туюлиши табиий. Ҳамма нарса қандайдир байрам ва кутилмаган мажбурий дам олишдан дарак берарди.

Ҳавони бўёқ ҳиди тутган. Катта–кичик дўконларга кириб чиқаётганлар эшикларга тегиб кетмасликка ҳаракат қилар эдилар. Фаррошлар ўзларига хос ишбилармонлик ва хафсала билан чурқ этмасдан йўл четларидаги ахлат тўла идишларни шаҳар ташқарисига олиб бориб ташлайдиган машиналарга бўшатишарди. Бу ахлат идишлари шаҳарга янги тайинланган хокимнинг халққа манзур бўлган ташаббусларидан бири бўлиб, уларнинг яшил, қизил ва оқ ранглари ўша тушдан кейинги кўзни қамаштирувчи ёруғ

⁷ Мелодий – 1945 йил.

кунда шаҳарнинг кўркига кўрк қўшиб юборганди. Ҳаворанг кийим кийган, оёқ кийимлари ва таёқларини ярқиратиб мойлаб олган полициячилар бош кийимларини қошларигача бостириб кийиб олганлар, улар мамнунлик билан мийиғида жилмайиб қўйишар, пошналарида айланиб, атрофга аланглар, нисбатан катта ва диққатга сазовор шаҳарда бирор ёқимсиз нарса пайдо бўлиб қолмасин, деб у ёқ –бу ёқни ўтқир нигоҳлари билан назардан ўтказар эдилар.

Нариги учи Ҳожи Шаҳбозхон масжидига бориб тақалган қисқа тор кўчада эшиги тепасидан томигача ғиштин девори тутундан қорайиб, хунуклашиб кетган новвойхона ўша атрофдаги бошқа новвойхоналардан яққол ажралиб турарди. Унинг қорайиб кетгани ҳам ўзига ярашгандай. Ҳали гавжум бўлмаган новвойхона ичидан темир косов ва нон ёпадиган ёғоч куракча овози, тандирда ёнаётган ўтиннинг чирсиллаши ва новвойхона ишчиларининг баланд овозда суҳбатлашаётганлари қулоққа чалинарди. Тандирдан янги узилиб эшикнинг чап ва ўнг тарафи ҳамда новвойхона деволарига суяб териб қўйилган чиройли сангаklar⁸ тўқчилик ва фаровонликдан нишон берарди. Рамазон ойи бўлиб, седанали ноннинг иси узоқ–узоқларгача таралиб, ўткинчиларнинг иштаҳасини қитиқларди.

Пул соладиган қутича ёнидаги тарози орқасида ўрта бўйли, қорачадан келган бир киши турибди, у эгнига кулранг пальто кийган эди. Пешонаси кенг ва текис, қошлари қалин, кўзлари ўтқир эди. Хиёл озғин ва чўзиқ юзида чуқур ва узун чизиқлар бўлиб, унда касбига хос кўпроқ мардлик намоён эди. Янги расм бўлган шляпаси остидан чиқиб турган сочлари ва соқолининг оқи қорасидан кўпроқ эди. Тугмалари бепарволик билан ечиб қўйилган пальтосининг остидан йўл–йўл жигарранг костюм–шим, нимча ва ҳатто чўнтак соатининг банди ҳам кўриниб турарди. Бу киши Мирон – аниқроқ айтадиган бўлсак, ушбу новвойхонанинг эгаси Сайид Мирон Суробий эди. Кичик шаҳарларда аҳолининг камлиги, майда–чуйда воқеалар ва кундалик ҳаётнинг бир хиллиги туфайли одамларнинг турмуши ҳам шунга яраша бўлади, бир қарашда ҳамманинг аҳволини билиб олиш осон. Юқорида тасвирланган новвойхона олдидан извошда ўтиб кетаётган жуссадор, аммо ёши ўтинқираган киши тарози ортида турган Мирон Суробийга кўзи тушгани ҳамон, извошдан бошини чиқариб, салом бериб, унинг

⁸ Сангак – махсус тандирларда қизиган майда тошлар устида ёпиладиган нон.

диққатини ўзига тортди. Суробий саломга алик олгач, извош орқасидан кўча томон юрди ва унга яқин бориб, эҳтиром билан сўради:

– Қаерга кетаяпсиз, Шўжо оға? Ҳойнахой, менинг уйимга бўлса керак?

Извош новвойхонадан ўн қадамча нарида йўлнинг четида тўхтади. Мўйсафид ўрнидан кўғалди ва извош соябонидан ушлаб, таажуб ва ташвиш аралаш ингичка ва нолиган оҳангда жавоб берди:

– Ҳа, ўша ерга кетаяпман, кеч қолмайин, деб шошиб кетаётувдим. Аммо, таажжуб, тақсиримнинг ўзлари нечун тарози ортида турибсиз? Ёки мен адашдимми, а? Бугун сешанба, муборак рамазон ойининг ўн иккинчи куни новвойлар уюшмаси аъзолари...

У ўтиб кетаётган йўловчига беихтиёр нигоҳ ташлаб, сўзини тугатмасдан жим қолди. Оғир гавдаси билан кўлидаги қамиш ҳассасига суяниб, эҳтиёткорлик билан извошдан тушди. Катта ва кенг бўлишига қарамай унинг ёғ босган катта қорнини тўла ёполмаган нимчаси чўнтагидан битта танга чиқариб извошчига берди. Вазмин ва касалманд одамдек, аввал йўлакка, кейин новвойхона эшиги олдиға, дўстининг ёниға борди. Сержун яланғоч кўкраги нафас сиқилишидан тез–тез кўтарилиб тушар ва томоғидан чийиллаган овоз чиқарди.

Мирон Суробий яна қайтадан салом берди, лабига табассум югурди ва ҳазиллашиб деди:

– Тегирмончи адашади, сиз эмас, новвой жаноблари! Ҳа, бугун новвойлар уюшмаси аъзолари йиғиладиган кун. Лекин бизнинг қароримиз ўзгариб қолди, йиғилиш рамазон ҳайитининг эртасига тушдан кейинға қолдирилди. Ишнинг кетишидан бугун ҳамма аъзолар билан йиғила олмаслигимизни олдиндан сезган эдим, чунки ҳозир рамазон, кўпчилик рўза тутган, агар йиғилишда ҳамма қатнашмаса, айниқса, кўпчилик ҳузурида ўз аҳволларини аниқлаб олмасалар, бизнинг ҳаракатларимиз бирор натижа бермаслигини ўзингиз ҳам билсангиз керак. Иш юришмаганидан, ўзингиз кўриб турганингиздек, йиғилишни уюштирувчи, бошқача айтганда, асосий мезбон, яъни менинг ўзим эса тарозини ташлаб кетолмайман. Тарозичим Ҳабиб мана икки кундирки, бекорга жаҳл қилиб, мени қийин аҳволға солиб қўйди. Дарвоқе, нима учун ўзлари йиғилиш куни ўзгарганидан шу пайтгача беҳабар

қолдингиз? Мирзонаби бу ҳақда ҳаммага хабар етказдим, деган эди-ку? Ҳа, айтгандай, эсимга тушди, сизни тополмадим деганди. Дўконингиз ёпиқ экан. Эшитишимча, унинг ёпиқ бўлишига сабаб тегирмончининг йўқлиги эмиш.

Суробий кекса ҳамкасби ўтирсин деб курсисини суриб қўйди. У қўлини силтаб курсига ўтирмади ҳам, унинг саволига жавоб ҳам бермади. Қўли билан ҳассасига суяниб тураверди. Бир қанча муддат тикилиб қолган нафасини ростлаб олгач, ошкора хафа бўлиб деди:

– Рамазон ойи, рўзанинг ишга нима даҳли бор? Биз ахир чой ичиш, ширинлик ейиш учун йиғилмаймиз-ку. Сиз бир томондан новвойхоналарга бориб фалон куни фалон соатда йиғилишга боринглар, деб узундан-узун рўйхатга қўл қўйдириб оласиз...

Чол сўзини тугатмай жим қолди. Тарози тошларини супача устида у ёқдан-бу ёққа сураётган новвойхона эгаси норози оҳангда суҳбатни давом эттирди:

– Ҳа, Шўжо оға, мен фақат новвойхоналарга бормадим, балки кечкурунлари ва ҳатто ярим тунда ҳам уйма-уй юрдим, одамларнинг ваъдасини олиш учун не қўйларга тушмадим? Ҳа, лаганбардорлик қилдим, тўғри маънода нозларига ҳам чидадим. Пайғамбарларга хос ҳафсала ва сабр-тоқат билан уларнинг ҳаммаси билан бирма-бир тортишдим. Албатта, “ҳаммаси” деганим кимлар экани ўзингизга маълум. Ниҳоят уларни мана шу ҳозир ўтиб бораётган рамазон ойининг ўн иккинчи куни тушдан кейин бўладиган йиғилишга келишга кўндирдим. Ҳозир менга кўринишни асло истамаган ёки турли исмлар ва унвонлар билан сафсата сотаётганлар билан ишимиз йўқ. Баъзи жанобларнинг, тушунишимча, диллари тўла гина-кудурат, аммо айта олмайдилар. Қанақа гина-кудурат дейсизми? Баъзи бировлар шундай фикрдаларки, новвойлар тоифаси ҳозирги аҳволда бундай йиғилиш ва мажлислардан вақтни йўқотиш ва муаммоларни баттар ошкор қилишдан бошқа ҳеч нимага эришмайди, чунки улар ҳамфикр эмаслар, айтган сўзларига амал қилмайдилар, бир-бирларини алдайдилар, мардлик, ҳамият деган нарсалар уларда ўлган. Бир ёндан йиғилишиб, жиддий ва қатъий қарорлар қабул қилишади-да, иккинчи ёқдан айтганларининг тескарисини қилишади, ҳар бири ўзи билган йўлдан юриб, охири ҳаммасини йўққа чиқаради.

Чолнинг чақчайган кўзлари ва ярим очик оғзи унинг бутунлай ҳайратга тушганидан далолат берар эди. Сайид Мирон бир миждонинг нони билан тарози томон юраркан, давом этди:

– Шерали билан укалари, бошқалар билан ишимиз йўқ, биз мажлису уюшмаларга қатнашмаймиз, чунки эртага бошимиз жанжалдан чиқмай қолишини истамаймиз, дейишяпти. Аммо ўрнини ҳўл қилиб қўядиган боланинг баҳонаси тарвуз деганларидек, буларнинг бари баҳона, зеҳни кўрликнинг нишонаси, мени афв этасиз–у, ўзининг фойда–зарарини шу даражада фарқлай олмаган одамни нима дейиш керак? Мана, шу шаҳардаги йигирма олтита новвойхона ва уларнинг эгаларининг рўйхати, кимлар имзо қўйган, кимлар қўймаган. Албатта зоғорапазларни бу рўйхатга киритмадим. Хўшкапазларнинг⁹ ҳам аввал–бошданок ҳисоблари биздан бўлак эди. Гарчи ҳозирги кунда ўз новвойхоналари бўлмаса–да, тажрибали ва қадимий ҳамкасабаларимиздан икки–уч нафари бу рўйхатга киритилган. Аммо афсус ва надомат билан айтишим зарурки, жуда “азиз ва муҳтарам” ҳамкасабаларимиздан бир неча кишининг норозилиги ва қаршилигига сабаб ҳам мана шу. “Узоқни кўра олувчи” бу жаноблар ўзларича гўё кимдир уларнинг нонини яримта қилмоқчи, деб ўйлашади. Агар хусусий олди–бердилари бўлса, булар уни умумий ҳисоб–китобга аралаштирмаслик кераклигини ҳам фаҳмлай олмайдилар.

Шўжо оға катта қоғозга ёзилган рўйхатини дўстининг қўлидан олди. Кўпчилиги муҳр ва бармоқ изларидан иборат бўлган имзоларга кўз югуртириб чиқди, бошини ўнг ва чап томонга зўрға бир чайқаб, хириллаган йўтал аралаш деди:

– Пасткашлик! Калтабинлик! Қўрқоқлик! Бу тоифа элнинг ишлари яҳудий қавмидек ҳали–бери тўғри бўладиган эмас. Ўзаро иттифок ва бирдам бўлиб, кўриб турганимиздек, бизни чирмандаларига ўйнатаётган тегирмончиларни айтмасам ҳам бўлади. Бу тоифа ҳатто қаҳвачилардан ҳам паст. Тегирмончилар новвойларнинг оҳангига йўрғалайдиган ўша замонларни наҳотки энди тушимизда кўрсак? Новвойбоши номини эшитгандаёқ баданларининг туки тик бўларди. Улар бутун икки ҳафта давомида “Омад маҳди” масжидига ночорликдан паноҳ истаб бориб ўтирган ўша йилни ҳануз унутганим йўқ. Ўзларининг айтишларича,

⁹ Хўшкапаз – алоҳида ундан тортилган кусурлайдиган нон ёпувчи новвой.

новвойбошининг зулми ва новвойларнинг зўравонлиги дастидан ўз тегирмонларини ташлаб, бошқа шаҳарларга паноҳ излаб кетмоқчи бўлишганди ўшанда. Масала нимада эди, бизнинг бирлашганимиз гўё уларнинг кўзига санчилган зирапча эди. Новвойлар орасида фикр ва амал бирлиги, бирдамлик бор эди, яъни Худо уларни қўллаб–қувватларди. Од ва Самуд қабилаларига ўхшаб, гуруҳ–гуруҳга бўлинган, ўзаро келиша олмайдиганларнинг ҳолига вой. Суробий жаноблари, сизга шундай бир чигал ва мураккаб вазият мерос қолдики, фақат мўъжизагина уни тузата олади. Йигирма йилдан бери шу шаҳарда новвойлик қиламан. Соқолим шу касбда оқарди ва ҳеч қачон на бир ҳамкасбимга ғайирлик қилиб, тегирмончисини ўзимга оғдирдим, на новвойхонамнинг юкини олиб бориб берди. Аммо тоифамизнинг янги раиси давлат соясида, баъзиларнинг таъбири билан айтганда, ўзини новвойхонани миридан–сиригача биладиган одам, деб ҳисоблайдиган мендек бир киши, мана, уч кундирки, уйда ўтирибман. Ёки ҳозирги кунда новвойхонаси ишламаётган ўша эски ҳамкасблардан бири балки менидирман?! Агар шундай бўлса, илтимос, очикдан–очик менинг номимни рўйхатдан ўчириб ташлайверинг. Шуям инсофданми?! Мана шу ҳозиргина тилга олганингиз падар лаънати пасткаш Шерали ўзининг битта эмас, иккита тегирмони бўлатуриб менинг тегирмончим Чироғалининг олдига бориб, ҳар бир шегердга¹⁰ бир туман¹¹ қўшиб беришини, ҳар бир эшакка ортиб элтиб берилган юкка бир қирон¹² тўлашга тайёрлигини ва бир харворга¹³ икки ман¹⁴ ҳисоблашини айтибди. Ана энди айтинг–чи, тоифа раиси жаноблари, уйида саккиз нафар нонхўри бўлган мендек касалманд ва қари чол нима қилиш керак? Тегирмончи саломимизга алик олгиси ҳам келмайдиган бу қурғоқчилик йилида ва ота–онаси кимлиги номаълум, кечагача қаерда бўлгани ва нима иш билан шуғуллангани номаълум бўлган бу беҳамият ва ифлос ҳамкасблар билан одам бошини қаёққа урсин?!

¹⁰ Шегерд – ўн харвор юк.

¹¹ Туман – Эрон пул бирлиги, бир туман 10 риёлга тенг.

¹² Қирон – эски пул бирлиги, бир риёлга тенг.

¹³ Харвор – оғирлик ўлчови, 300 кг. га тенг.

¹⁴ Ман – оғирлик ўлчови, 3 кг. га тенг.

ЖАЪФАР МУҲАММАД ТЕРМИЗИЙ



Жаъфар Муҳаммадиевич Холмўминов (Жаъфар Муҳаммад Термизий) 1968 йил 20 сентябрда Сурхондарё вилоятида туғилган. 1993 йилда Тожикистон Давлат Миллий университетининг филология факультетини форс–тожик классик адабиёти йўналиши бўйича тамомлаган.

1993–1998 йилларда Сурхондарё вилоят Телерадиокомпаниясида, вилоят касаба уюшмалари кенгашида, ТДУнинг “Ўзбек адабиёти” ва “Тилшунослик” кафедраларида форс–тожик тили ва адабиёти ўқитувчиси, катта ўқитувчи, вилоят “Камолот” ЁИХ Кенгашида бўлим бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатган.

1999–2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси аспирантурасида ўқиб, “Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг тасаввуфий–ирфоний қарашлари (“Шарҳи рубоийёт фи исботи ваҳдат ул–вужуд” асари асосида)” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган. 2004–2006 йиллар Давлат ва жамият қурилиши Академияси ва Уз МУда “Миллий маънавият” ва “Тасаввуф фалсафаси” фанларидан маъруза ўқиган. 2006–2008 йилларда ТошДШИнинг “Фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси ва доценти лавозимида ишлаган.

Унинг шарқшунослик ва ирфон фалсафасига оид ўнга яқин рисола ва монографияси, юздан ортиқ илмий ва илмий–оммабоп мақолалари Ўзбекистонда ва чет элларда нашр этилган. Асаларидан намуналар инглиз, француз, араб, рус ва уйғур тилларига ҳам таржима қилиниб, нашр этилган.

Ж. Термизий ўзбек шеърияти намояндалари – А. Орипов, Э. Воҳидов, С. Саййид, И. Отамурод асарларини форс–тожик тилига, ҳозирги Эрон шоирларининг асарлари, Н. Комилов, Ҳ. Ҳомидий, С. Ҳасанов, С. Олим, Э. Очилов каби ўзбек олимларининг илмий мақолаларини ўзбек тилидан форс тилига, эронлик олим М. Истеълomийнинг “Маснавийга муқаддима” асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

ЁМҒИР

Яна ёмғир
Қўшиғин куйлар
Уй томига
Сочилар гавҳар.

Мен ойнанинг ортидан
Боқаман ёлғиз
Кўча–ю кўйларда
Сойлар оқар тез.

Тили бийрон бир–икки чумчук
Шод ва хуррам
Шохда–шоҳга
Учар дам–бадам.

Ойна–ю эшикларга
Тушар тарсаки ва мушт
Осмон бугун бутунлай
Мовийлигин йўқотмиш.

Ёмғирли кун солар ёдимга
Ўтган ширин, тотли онларни
Олисларда қолган болалик –
Гилонимнинг ўрмонларини.

Мен ўн ёшли болакай эдим
Шодон ва хандон
Нозик, мулойим,
Топқир ва чаққон.

Қушлардану
Жониворлардан
Қумурсқаю жони борлардан
Иссиқ эди ўрмон нафаси.
Осмон эди денгиздай мовий,

Унда фақат юракдай ҳар он
Сузар эди бир—икки булут
Менинг юзим кундай нурафшон.

Ўрмондаги муаттар ифор
Маст этгувчи майга ўхшарди
Ҳар томонда гўзал қушчалар
Шохдан шохга қўниб—учарди.

Кўлмаклар—чи, сокин ва мовий
Ҳар ёнда гул, япроқ намоён
Нилуфарнинг устида порлар
Қуёш каби заррин соябон.

Юмалайди сувдаги тошлар
Яшил тўнга ўраниб олиб
Қуриллайди дам—бадам бунда
Қурбақалар ўтириб олиб.

Кетар эди йўлида дарё
Куйлаб минг бир қўшиқ—тарона
Дарахтларнинг пойига бориб
Чарх урарди гўё мастона.

Қайнаб чиқар эди мулойим
Қуёш каби биллур чашмалар
Қизил, яшил, сариқ ва мовий
Порлар эди сувда тошчалар.

Болаларча югурар эдим
Оху каби чопқир ва чакқон
Ариқчадан сакраб ўтардим
Узоқлашиб уйдан бир замон.

Сувга отган тошчаларимдан
Тўлқинланиб кетарди дарё
Қудуқдаги ёғоч дастан
Синдирардим беаёв аммо.

Қора толнинг шохчаларини
Пастга тортар эдим зўр бериб
Қўлларимни бўяб ташлардим
Қора, қизил маймунжон териб.

Тинглар эдим митти қушчанинг
Пинҳон тутган дил ҳикоятин
Эсаётган шамол тилидан
Тинглар эдим ҳаёт ҳикматин.

Нимаики кўрсам у ерда
Гўзал эди, афсона, афсун
Мен шод эдим, қўшиқ куйлардим:
“Эй ёруғ кун, эй ғаройиб кун!

Бермаганда нурафшон қуёш
Сенга бундай гўзал рухсора
Бўлар эдинг хунук ва жонсиз,
Қолар эдинг бефайз, бечора.

Эй дарахтлар, агар бу олам
Бўлса эди қуёшсиз, нурсиз
Гўзал, яшил мавжудот эмас,
Ёғоч оёқ бўлар эдингиз.

Эй гўзал кун, эй ажойиб кун!
Гўзаллигинг қуёш туфайли
Эй ям–яшил, эй гўзал дарахт!
Афзаллигинг қуёш туфайли.

Аста–секин қорайди булут,
Бўлди осмон ранги қорамтир
Порлоқ қуёш рухсорин ёпди,
Қуйди ёмғир, қуйди кўп ёмғир.

Ўрмон эса қочоқ шамолдан
Денгиз мисол мавж урар эди

Тўрт томонга шиддатли ёмғир
Томчилари сочилар эди.
Шамшир каби чақмоқлар чақнаб
Булутларни парчалар эди
Жиннилардек момақалдирок
Булутларни савалар эди.
Ҳар томонга ўзин урарди
Кўлмакдаги бечора ўрдак
Гоҳ ўрта, гоҳ четга шошилиб,
Тополмасди бир чора ўрдак.
Оймоманинг кумуш кокилин
Шўх ёмғирлар тараб, ўрарди
Аммо ғаддор шамоллар уни
Тўзғитарди, титиб ташларди.
Дарахтларнинг тагида майса
Денгиз каби тўлғанди бир он
Бу денгизнинг тубида эса
Пайдо бўлди тескари ўрмон.
Ўрмон зебо эди қанчалик!
Ўрмон барно эди қанчалик!
Минг афсона, минг бир тарона!
Минг тарона, минг бир афсона!
Ёмғир дилкаш эди қанчалик!
Ёмғир дилбар эди қанчалик!
Эшитардим марваридлардан
Мангу сирлар, самовий пандлар:
“Тингла мени, эй кўзичоғим!
Эсда тутгин шуни умрбод:
Гарчи ҳаёт гоҳи қоронғи
Гоҳо ёруғ, ойдин бўлса ҳам,
Гўзал эрур,
Гўзалдир ҳаёт!”¹⁵

¹⁵ “Қирқ чироқ”. Замонавий Эрон шеърояти (Ҳозирги замон Эрон шеърояти намояндаларидан бўлган қирқ шоир шеърларидан намуналар). Форс тилидан ўзбек тилига Жаъфар Муҳаммад таржималари. – Тошкент, “Янги нашр”, 2012. 9–13 бетлар

ШОКИРЖОН ОЛИМОВ



Эроншунос таржимон Шокиржон Аббасович Олимов 1972 йил 11 декабрда Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган. 1995 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг тарих факультети Халқаро муносабатлар бўлимини (форс ва инглиз тилларини билувчи) халқарошунос мутахассис сифатида битирган.

Меҳнат фаолиятини 1997 йил февраль ойида “Олтин Мерос” халқаро хайрия жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Ургут тумани бўлимида ижрочи директорлик лавозимида ишлашдан бошлади. 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Телерадиокомпанияси Хорижий мамлакатларга радиоэшиттиришлар бошқармасидаги “Шарқ” бош муҳарриятига қарашли Эронга эшиттиришлар бўлимида катта муҳаррир лавозимида фаолият кўрсатди. 1998 йилнинг август ойидан шу кунгача Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Элчихонасида таржимон лавозимида ишлаб келмоқда.

Ш. Олимов шу кунга қадар бадиий ва илмий таржима соҳасида бир қанча ишларни амалга оширди. Жумладан, унинг эронлик тадқиқотчилар қаламига мансуб қадимги давр Эрон адабиёти, форс–тожик классик адабиёти, форс тили ва сўғд тили тўғрисидаги бир қатор илмий мақолалардан қилган таржималари “Сино” журналида, ҳозирги замон Эрон насридан қилган таржималари эса “Жаҳон адабиёти” журналида босилиб чиқди. Ш. Олимовнинг ўзбек тилига қилган таржималари: эронлик ҳикоянавислар Фаридун Амузода Халилийнинг “Булоқчанинг сафари” ва Розия Тужжорнинг “Ҳам олма, ҳам юлдуз” ҳикоялар тўпламлари Тошкентда чоп этилган.

Ш. Олимовнинг форс тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан форс тилига қилган бир қатор асарлари матбуот саҳифаларида чоп этилган.

СОҒИНЧ ҚОБИҒИ

(ҳикоя¹⁶)

12 эсфанд¹⁷, чоршанба

Деразадан ташқарига қарайман. Боғчанинг тупроғи ҳалиям қор кўрпаси остида. Ҳалиям қизил гулнинг ғунчаси қанотларини ёзмаган. Аммо ҳўв юқорида гилос дарахтидаги битта шох гулларга кўмилган.

Онанг дейди:

– Бу мўъзиза! Ҳа, мўъжизанинг ўзи...

Йиғлагим келади. Ўзимни кўраман. Вужудининг ярми музлаган, ярми эса ғурурнинг олтин тожиги безанган!

Қачон келасан? Қачон музлар эрийди?!

14 эсфанд, жума

Бугун осмонга қараганимда етти рақами шаклида ғарб томондан келаётган қушлар галасини кўрдим. Болалик йилларимга қайтдим. Ўша йиллари бувимнинг эски уйи ҳовлисида хоналаримизнинг деразалари бир–бирига қараб очилар, ҳар хил баҳона билан бир–биримизнинг исмимизни айтиб чақирардик.

Катталаримиз гоҳида бир–бирлари билан уришишар, гоҳида ярашишарди. Аммо мен ва сен обакидандонларимизни ўзаро бўлишардик, дарсларимизни бирга тайёрлардик ва уйимиздаги кичик мусофирлар бўлган қушларга нон ушоқлари берардик.

Бувим қачонки бизни кўрса шундай дерди:

– Илоҳо қўша қаринглар!

У ўлди ва унинг хотираси ҳам оқ сирень гулининг гулбарглари каби сўлди. Гарчи унинг орзулари амалга ошган ва бизнинг қўлларимиз бир–бирига пайванд бўлган бўлсада... Аммо тўйимиздан бир ойгина вақт ўтганидан сўнг сен жўнаб қолдинг ва...

15 эсфанд, шанба

Бугун қўшни аёл Наргис юзлари гул–гул очилиб деразамиз олдига келиб мени чақирди. Байрамга¹⁸ олган нарсаларини менга

¹⁶ Розия Тужжорнинг "Ҳам олма, ҳам юлдуз" номли ҳикоялар тўпламидан олинди.

¹⁷ **эсфанд** – эронча ҳижрий–шамсий йил ҳисобидаги йилнинг охирги, ўн иккинчи ойи. Мелодий йил ҳисобидаги 20 февраль – 20 март оралиғига тўғри келади. Эсфанд ойининг охирги кунлари эронча янги йил (мелодий йил ҳисобидаги 21 мартга тўғри келадиган) Наврўзни кутиб олишга катта тайёргарлик кетади (*тарж.*).

¹⁸ Бу ерда эронча янги йил ҳисобланган Наврўз байрами назарда тутилмоқда (*тарж.*).

кўрсатмоқчи экан. Эндигина хонасидаги гиламни ювиб бўлган, уни унинг томи лабига ёйиб қўйганича унда акс этаётган офтоб нурларини лаззатланиб томоша қиларди.

У гилам юваётган пайтида дераза олдида унга қараб ўтирардим. Бир нарсалар деб хиргойи қиларди. Назаримда унинг қўллари эмас, балки кўзларида чақнаётган ўт гиламни ялтиратарди.

Наргиснинг икки эгизак қизи бўлиб, уларнинг ранглари беҳи гулининг рангига ўхшар, сочлари эса олтинранг эди!

Улар устиларига қора холлари бор тўқ қизил рангдаги бахмал кўйлаklar ва оёқларига қизил боғичли туфлилар кийиб олишганча бир-бирларининг қўлларидан ушлаб айланишар ва шодон кулишарди. Онаси меҳр ва муҳаббатга тўла кўзлари билан уларга маҳлиё бўлиб ўтирарди! Хонасига борганимда менга янги дамланган чой сузиб берди.

– Байрамга қандай кийим сотиб олдинг? – деб сўради мендан.

– Бултур кийган кийимларим ҳалиям яхши турибди, – деб жавоб бердим.

Қошларини чимирди:

– Янги йилда ҳам эски кийимларни киясанми? Бунинг хосияти яхши эмас!¹⁹

Сўнгра менга яхшилаб қаради:

– Нега ўзингга қарамайсан? Балким мана шу кунлар топилиб қолар ва...

У шу гапларни айтди, аммо кўзларида бошқа нарсани. Соғинчим гулламайдику–я, аммо...

18 эсфанд, сешанба

Кеча кечаси радиодан эшитдимки, Ироқ билан қолган асирларни юртларига қайтариш тўғрисида келишувга эришилибди²⁰. Тушимнинг таъбирини билиш учун бир лаҳза кўзларимни юмдим. Бир нарса ичимдан қайнаб, қайнаб ва яна қайнаб келарди. Юзларим қувончдан гул–гул очилди.

Бугун кўярда–қўймай онангнинг оқарган сочларини ҳиноладим, оёқларининг тирноқларини ҳам олиб қўйдим. Ўзи тиззаларини бука олмайдида, ахир. Менга айтдики, сени тушида

¹⁹ Эронликларнинг урф–одатига кўра янги йил киришидан олдин барча эски нарсалар ташлаб юборилади ва янги йилга янги либослар билан кириб борилади (*тарж.*).

²⁰ Ушбу ҳикоя 1980–1989 йиллардаги Ироқнинг Эронга ҳужум қилиши орқали бошланган Ироқ–Эрон уруши даврида асирга тушган ёки дом–дараксиз йўқолган эронлик аскарлардан бирини кутаётган рафиқаси кечинмалари тўғрисидадир (*тарж.*).

кўрибди. Сен бир баланд тоғнинг устида туриб, қўлларингни баланд кўтарган ҳолда ғалаба нишонасини билдирармишсан. Шу пайтда ўнг елкангдан қуёш чиқиб келганмиш.

Унга дедим:

– Онажон, тушингнинг таъбири ёруғ. Баҳор кириб келмоқда. У ҳам баҳор билан бирга...

20 эсфанд, пайшанба

Бугун Наргиснинг қизлари менга шишага солинган бир қизил балиқ олиб келиб беришди. Уни хонанинг токчасига, кўзгунинг ёнига қўйдим. Сўнгра хонанинг пардаларини олиб ювдим. Деразанинг ойналарини ялтиратиб қўйдим. Хонанинг барча бурчакларидаги чангларни артиб чиқдим. Суратинг рамкаси жойини ҳам алмаштирдим. Шунда яхшироқ қараб туроласан. Бундан буён нур кўзларингни қамаштирмайди.

Тўғриси, сени ва шерикларингни қай бир катак, қай бир ўлим уясида банд қилдилар экан? Ўша ғариблик қоронғулиги ва намлигида ватан ёди хотирангда қандай илдиз отаркин?

22 эсфанд, шанба

Онанг кўкат палов учун майдалаб тўғраган кўкатларнинг ҳиди хонани тутган.

Саримсоқ, сирка, жийда, тотим, кўкат, олма ва сумалак²¹. Мендан сўрайди:

– Ҳамма нарсани тайёр қилиб қўйдингми? Бирор камчилик йўқми? Гулдончи? Тўртта кўзача ва кашнич уруғи. Ҳовузнинг тўрт тарафига тўртта кўза ва... шам... иккита кўз ёш тўкмайдиган шам.

Мана шу йилларда у ҳам кўз ёш тўкмайдиган шам эди. Ғурур билан бошини баланд кўтарарди—да:

– Паҳлавоним девларнинг асирлигида, — дерди. — Аммо худо хоҳласа қайтиб келади...

²¹ Эронликларнинг урф—одатига кўра янги йил — Наврўз кириб келаётган пайтида барча хонадонларда форсча номланиши “син” ҳарфи билан бошланадиган ва “ҳафт син” (етти син) номи билан машҳур бўлган етти хил нарса дастурхонга қўйилади. Булар саримсоқ, сирка, жийда, тотим, кўкат, олма ва сумалакдан иборатдир (*тарж.*).

НАРГИЗА ШОАЛИЕВА



Наргиза Қахрамоновна Шоалиева 1974 йил 4 сентябрда Чимкентда туғилди. 1997 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг филология факультети, форс филологияси бўлимини битириб, 1998 йили шу институтнинг аспирантура бўлимида ўқишни давом эттирди. 2007 йилнинг октябр ойида Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ихтисослашган илмий кенгашида “Сухроб Сипехрий ижодида инсоний ва ирфоний ғояларнинг бадиий талқини” мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди даражасига эга бўлди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат марказида ишлаб келмоқда.

Н. Шоалиеванинг 50 га яқин мақола ва таржималари республика газета ва журналларида нашр этилган. “Шарқшунослик” журналарида “Ҳақиқатга интилан ҳассос қалб”, “Эрон адабиётида «Янги шеър» адабий оқими” номли мақолалари, “Жаҳон адабиёти” журналарида форс тилидан таржима қилинган “Сухроб Сипехрий. Сув одими садоси”, Сино журналарида “Нимо Юшиж (ҳаёти ва ижоди)”, “Аҳмад Шомлу (ҳаёти ва ижоди)” номли мақолалари, “Қизил гулнинг сири: Сухроб Сипехрий ҳаёти ва ижодига чизгилар” номли илмий рисола, Тулўъи сабзи ранг. Тошканд: Нашриёти мероси халқе ба номи А. Қодири “Тулўъи дигар”, Туйғулар япроғи. Ҳозирги замон Эрон шеърляти “Сув одими садоси” (форс тилидан таржима)” шеърлари, Ҳозирги замон Эрон адабиёти. Илмий анжуман материаллари. Сухроб Сипехрий шеърлятида инсон, дин ва борлиқ тушунчаларининг бадиий–ирфоний талқини. Суханэ эшқ. Вежэйэ таъомэлэ адабий ийрон ва жаҳон. Техрон, 2007. (форс тилида) “Негоҳэ бэ шэнохте адабиётэ Ирон дар Узбэкистон” шулар жумласидандир.

Кўзларим йўллариингга нигорон

Кўзларим йўллариингга нигорон бу тун,
“Таложун” шохларининг ранглари зулматга чўмганда,
Кўзларингга бор қайғу йиғилган,
Кўзларим йўллариингга нигорон.
Жойда сойлар мурда илонлар каби ётган дамда, бу тун:
Нилуфар қўли тоғли сарв оёғини боғлаган пайтда,
Билмадим, эслармисан ёки йўқ, сени ёниб эслайман ҳар он.
Кўзларим йўллариингга нигорон.

Фуруғ Фаррухзод

Ҳаёт

Эй, ҳаёт мен ҳали ҳам, ўша ўша мен,
Сенинг бўшлиғингда тўлиб тошамен.
Бирон толанг узмоқ ниятим йўқ,
Сендан қочмоқ ҳаёл қилганим йўқ.

Тупроқ жисмим жамий зарраси,
Сендан оташин шеър ёниб кул бўлган.
Осмонлар мусаффо бўлган гўёки,
Ёруғлик шаробидан лиммолим тўлган.

Настарин дарахти сенинг номингни,
Бутун борлиғи билан кўйлайди,
Боғда эсан бу насим еллари.
Унга еткизар сенинг саломингни.

Тушлардан эмас, ҳаёллардан эмас,
Мен сени ўзингдан қидирдим,
Қўллариингга майда майда бўлдим—у,
Гўзалликка тўлдим, тўлдирдим.
Минглаб умид учкунларида,
Минглаб эҳтиёж машъалларида,
Қоронғу оҳангларга тўлдим,

Тўлдим мен ёруғ оҳангларда.

Афсус ўша кунлар қаҳр билан,
Мен сенга ёв назарла қарадим.
Адашдим, сени бўш деб ўйлаб,
Беҳуда ўтказдим, сени бой бердим.

Сен муқимсану, мени ғофил,
Оқар сувдай ўтиб кетишин билмас.
Ажал зулматидан ўтиб охир,
Чангларда қолиб, завол бўлишин билмас.

Оҳ, эй ҳаёт мен бир ойнаман,
Сен борсан кўзларим нурга тўлғуси.
Агар ногоҳ ажал менга юзланса,
Ойна юзим нурсиз бўлғуси.
Севаман сенинг ёмғирли кунларингни,
Севаман, исминг бор жами нарсани,
Шимаман чанқоқ вужудим ила.
Сени оташин қоннинг онларини
Шу қадар сендан таъм олайки...

Сухроб Сипехри

Меҳроб

Бўшлик ва еллар,
Қоронғулик ва юлдузлар бор эди.
Борлиқ бор эди ва бир хиргойи,
Лаб бор эди, бир дуо ҳам.
“Мен” бор эдим ва бир “Сен”
Намоз бор эди, бир меҳроб ҳам.

Сув бўйи

Ўтган кеча, сув бўйида, шайтон хиргойи қиларди.
Тун эди ва чироқча бор эди,
Шайтон бир ўзи, ёлғиз эди.

Шамол бўлган эди, ёмғир шаррос қуйган эди:
тун ҳўл, гуллар шалпайган.
Аллақандай ҳид.
Тўсатдан
Дарё ойнаси, бир ғам нақшин кўрсатди: Шайтон сув бўйида.
Қора тупроқ уйқуда.
Хиргойи тинарди. Шамол эсиб, бир сирни олиб кетарди.

Бодҳи

Бир он эди, эшиклар очилган эди.
На бир барг, на бир шох, фано боғи кўринар эди.
Хомушлик макони қушлари, бу ҳам хомуш, у ҳам хомуш.
Хомушлик тилга кирганди.
Ана у кенглик нима эди:
Бир қўй билан бўри йўлдош бўлганди.
Садо нақшининг ранги синиқ, нидо нақшининг ранги синиқ.
Парда туширилганмиди?
Мен кетган, у кетган, биз – бизсиз бўлганди.
Гўзаллик ёлғиз қолган эди.
Ҳар дарё, денгиз, ҳар бир мавжудлик, Будда бўлганди.

Маликушшуарои Баҳор

Биласанми шеър нима? – ақл дарёсидан марварид,
Шоир эса афсунгардир терган бу турфа марварид,
Санъату сажъ ва қофиялар назмдир, шеър эмас.
Эй Нозим қуруқ сўздан иборат назминг бас энди!
Шеърдир дилдан жўшиб чиқиб тилда қайнайди,
Яна ҳар қулоқ эшитганда дилларда қолгайди,
Умрида назм яратмаган Шоир бас энди!
Умрида шеър айтмаган Нозим бас энди!

Хитой тилидан қилинган таржималар

ЖАСУР ЗИЯМУҲАМЕДОВ



Жасур Ташпулатович Зиямуҳамедов 1976 йил 1 октябрда Тошкент шаҳрида зиёли оилада туғилди. ТошДШИ Шарқ филологияси факультетини 1998 йилда, институтнинг Халқаро иқтисодий муносабатлар факультети(сиртки)ни эса 2004 йилда имтиёзли диплом билан тамомлаб, шарқшунос – филолог, хитой тили ва адабиёти ўқитувчиси ва халқаро иқтисодчи мутахассисликларини олди. Филология фанлари номзоди (2005), доцент (2008).

1998 йилдан ТошДШИ хитой филологияси кафедрасида ўқитувчи; ўша йилдан бошлаб Шарқ филологияси ва хорижий мамлакатлар тарихи, кейинчалик Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари факультетларида декан муовини; 2006 йилдан хитой филологияси кафедраси доценти, 2008 йилдан 2013 йилгача ТошДШИ Шарқ филологияси ва фалсафа факультети декани лавозимларида ишлаган. Шу давр мобайнида ўриндошлик асосида ТошДШИда “Хитой тили” ва “Хитой адабиёти” фанларидан дарс ҳам бериб келган. ХХРнинг Пекин, Ланжоу, Шехези ва Юннан университетларида хитой тили бўйича қисқа муддатли малака ошириш курсларида бўлиб, тажриба алмашган ва малака оширган. 2013 йилдан ҳозиргача ТошДШИ хитой филологияси кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда. Ҳозирги кунда “Хитой тили”, “Хитой адабиёти” ва “Хитой тилини ўқитиш методикаси ва замонавий технологиялар” фанларидан дарс беради ва кафедра магистрантларига илмий раҳбарлик қилиб келмоқда. Ж. Зиямуҳамедов Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг қатор теледастурларида бир неча йил бошловчилик қилган. 2005 йилда “Пу Сунглиннинг сеҳрли новеллалари (сюжетнинг келиб чиқиши ва ривожланиши)” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ж. Зиямуҳамедов “Ўрта аср Хитой новеллалари” номли монография, 1 та ўқув қўлланма ҳамда 30 дан ортиқ илмий мақола муаллифи, “Хитой тили” дарслиги, 5 та хрестоматик қўлланма ҳаммуаллифидир. У 4та номзодлик диссертациясига расмий оппонентлик қилган.

ОСМОНДАН ТУШГАН ПУЛЛАР

Бир олим одам туну кун илм билан машғул экан. Кунларнинг бирида китоб ўқиб ўтирса, дарвозани кимдир тақиллатибди. Дарвозани очса, донишманд кексалар кийимини кийган бир қариянинг дарвоза олдида турганини кўрибди. Олим дарров қарияни уйга таклиф қилибди. Шунда қария ўзини таништириб: “Менинг исмим Ху, тулки зотининг пири устози бўламан. Эшитишимча, сен илмнинг ортидан қувиб жуда кўп китоб ўқир экансан, шу боис сен билан суҳбат кургани келдим”, – дебди. Шу тарзда олим қария билан суҳбатни давом эттирибди. Суҳбат жараёнида олим бу кексанинг билимдонлигига лол қолибди ва уни ўз уйида қолишга ва суҳбатдош бўлишга кўндирибди.

Бир неча кун ўтгач, олим бир суҳбат сирасида қарияга ўз дарди, мақсади хусусида сўз бошлабди: “Сиз билан биз жуда ҳам яхши муносабатда бўлиб қолдик. Очиғини айтганда, менинг шарт–шароитимни кўриб турибсиз. Мен жуда камбағал яшайман, мана бу аҳволдан чиқиш учун менга озгина ёрдам бериб юборсангиз ёмон бўлмас эди! Чунки, сиз – тулкилар пири, қобилятингиз шунчалик юксакки, агар қўлингизни бир силкитсангиз, олтин пуллар сизга ўз–ўзидан ёпирилиб келади”.

Буни эшитган қария ўйга толибди ва анча вақт ўтгач жилмайиб: “Албатта, бу ишнинг мен учун ҳеч қандай қийин жойи йўқ, фақат ўн танга пул дастмояси бўлса кифоя” – деб жавоб қайтарибди.

Дастмояни олим дарров топиб келибди. Бундан қаноатланган қария олим билан бир бўш хонага кирибди. Қария ўтириб кўзларини юмиб олиб, дуо ўқиб, илтижо қила бошлабди. Бироз вақт ўтар–ўтмасдан сон–саноксиз пуллар “жаранг–журинг” қилиб шаррос ёмғирдай ёғила бошлабди–ю, кўп ўтмай ёғаётган пуллар турган олимнинг тиззасига етибди. Пулнинг ичида кўмилиб қолмайин деб олим оёғини пулдан чиқариб олган экан, пул уни яна кўма бошлабди. Бир зумда пуллар белигача етибди. Буни кўрган қария “Энди етар?” деб олимдан сўрабди., “Етади, етади”, – деб бақарибди олим. Олимнинг жавобини эшитган қария қўлини кўтариб бир силтаган экан, ёғаётган пул тўхтабди. Қария ва олим хонадан чиқишибди. Уйни қулфлаётган олим шунчалик кўп

бойликни кўриб хурсанд бўлиб, “Мен бирдан давлатмандга айландим—а!”—деб ширин ҳаёлларга берилибди.

Иккинчи куни эрталаб олим ҳаражатга бироз пул олайин деб хонага кирса, кеча кўзни қамаштириб, ялтираб тўлиб ётган пулларни кўрмабди. У ерда фақат ўзи дастмоя қилиб берган пулларнигина кўрибди. Бундан ғазабланган олим қария билан жанжаллашиб, уни ҳақоратлаб, “кўзбўямачиликда” айблабди. Олимнинг бу қилмишлари қариянинг ғазабини кўзғабди ва у бу уйни тарк этишга қарор қилибди. Олим билан хайрлашаётиб унга: “Сени қидириб келишимнинг сабаби, сен билан бирорта нопок ишга қўл уриш эмас, балки илм—фан ва маърифат борасида изланиш ва фикрлашиш эди. Сен эса мени ўзингнинг ёмон ниятларингни амалга ошириш учун ҳаром йўлга чорладинг. Нафснинг кетидан юрмоқчи бўлсанг, ўзингга ўхшаганларни топ, мен сен каби нопок инсонларга ёрдам беролмайман”, — дебди—да, йўлига равона бўлибди.

ЧИНГ ФЕНГ

Жаноб Генг Гунг жуда бадавлат бўлиб, унинг ҳовли—жойи ҳам каттагина эди. Аммо кўпгина хоналар бўш турар, уларда ҳеч ким яшамас, ҳовли эса ташландиқ бир ҳолатда бўлиб, уни бегона ўтлар босиб кетган эди. Шу туфайли бу хоналарда ҳар доим ғаройиб воқеалар содир бўлиб турар эди. Масалан, хоналарнинг эшиклари ўзи очилиб, ўзи ёпилар, яна вақти—вақти билан кулги овози эшитилиб турарди. Бу воқеалар уйдагиларга ваҳима туширар, уларнинг тинчлигини бузар эди. Бундан хавотирланган Генг Гунг ҳовлисини қари хизматкорига ташлаб ўзи кўчиб кетишга мажбур бўлди.

Жаноб Генг Гунгнинг жуда довюрак Чюй Бинг исмли жияни бор эди. Чюй Бинг қари хизматкорга агар у бирор бир ғаройиб ҳодисанинг гувоҳи бўлса, дарҳол унга хабар беришни тайинлади. Кунлардан бир кун, тунда, қари хизматкор уйнинг юқориги қаватида чироқ ёруғини кўрди. Чюй Бинг дарҳол етиб келиб бир ўзи юқоридаги қаватга кўтарилди. У хонадан эшитилаётган овозларга кулоқ солиб, кўз қири билан ичкарига қаради ва равшан ёнаётган шам ёруғлигида қандайдир бир чолни ва унинг рўпарасида ўтирган қари аёлни кўрди. Унинг чап томонида чамаси

20 ёшлардаги йигит, ўнг томонида эса ташқи кўринишидан 15 ёшлардаги қиз ўтирар эди. Оила аъзолари нозу неъматлар тўла дастурхон атрофида ўтириб, суҳбатлашар эдилар.

Чўй Бинг тўсатдан хонага кириб, кулиб туриб деди: “Чақирилмаган меҳмонни кутиб олинглар!” Ҳамма кўрққанидан ҳар томонга қочиб беркина бошлабди. Фақатгина қария жойидан силжимади ва унга қараб: “Сен нега бегона одамларнинг уйига бостириб кирдинг?”—деди. Чўй Бинг жавоб берди: “Бу бизнинг уй, сиз эса уни эгаллаб олибсиз. Ўзимнинг уйимга нега кира олмайман? Сиз бу ерда мезбонни чақирмасдан меҳмон бўлиб ўтирибсиз”. Қария Чўй Бингга диққат билан қараб: “Сен бу уйнинг хўжайини эмассан”, — деди. Чўй Бинг: “Мен уй хўжайинининг жияниман”, — деб жавоб берди. Шундан сўнг қария ўзига келиб, уни дастурхон атрофига таклиф қилди. Чўй Бинг: “Биз энди ҳаммамиз дўстмиз, уялишнинг ҳожати йўқ, оила аъзоларингизни чақиринг, бирга овқатланамиз”, деди. Шунда қария “Шяоэр”, — деди. Шу заҳотиёқ хонага ёш йигит кириб келди. “Бу—менинг ўғлим!”—деди қария. Шунда у Чўй Бингга салом бериб, дастурхон атрофига ўтирди.

Чўй Бинг ва Шяоэр бир хил табиатли, очиқ кўнгил, хушчақчақ бўлганликлари учун бир—бирини ҳурмат қилиб, тезда тил топишдилар. Чўй Бинг 21 ёшга кирган эди. Шяоэр эса ундан 2 ёш кичик экан. Улар худди ака—укадек яқин бўлиб қолишди. Қария буни кўриб, жуда хурсанд бўлди ва Шяоэрга деди: “Чўй Бинг ўзимизнинг одам экан, бориб онангни ва Чинг Фенгни дастурхонга таклиф қил”. Бир оз вақт ўтгач, қари аёл ва ёш қиз хонага кириб келишди. Чўй Бинг қизнинг нозик, гўзал ва келишган қадди—қомати, чакнаб турган қора кўзларига эътибор берди. Қария уларни таништириб: “Бу менинг хотиним, у эса Чинг Фенг, менинг жияним бўлади”—деди.

Чўй Бинг улар билан суҳбалашар экан, кўзини Чинг Фенгнинг кўзларидан уза олмас эди. Буни сезган Чинг Фенг уялганидан унга тик қарай олмади. Чўй Бинг эса стол тагидан яна секингина Чинг Фенгнинг оёқ учини туртиб қўйди. Чинг Фенг шу заҳотиёқ оёғини ўзига тортиб олди, лекин жаҳли чикмади. Чўй Бинг янада руҳланиб, ўзини ушлаб тура олмай: “Агар менга шоҳ тахти ёки шу қиздан бирини танла дегандарида мен ҳеч иккиланмасдан қизни танлаган бўлар эдим”,—деди.

Қари аёл Чюй Бингнинг маст бўлганини сезиб, шу заҳотиёқ Чинг Фенгни ичкариги хонага олиб кириб кетди. Бун кўрган Чюй Бинг ғалати аҳволга тушиб қолди ва қария билан хайрлашиб, чиқиб кетди. Лекин ҳаёлидан Чинг Фенг кетмас эди. Эртаси куни тунда, у яна шу ерга қайтиб келди, лекин эрталабгача бирон–бир товушни эшитгани йўқ. Чинг Фенгни яна кўриш умидида ҳеч иккиланмасдан бир ўзи уйнинг пастки қаватига кўчиб келди.

Шу куни кечаси Чюй Бинг чироқ ёруғи остида китоб ўқиб ўтирар эди, тўсатдан сочлари ёйилган. Юзи тим қора бир махлуқ уйга кириб келди ва кўзларини катта очиб, Чюй Бингга ўкрая бошлади. Чюй Бинг махлуқнинг бадбашара туркига қараб, кулиб юборди. У сиёҳдондан сиёҳ олиб, юзини шундай ўзгартирдики, унинг махлуқдан фарқи қолмади. Сўнг у ҳам кўзини катта очиб, махлуққа тикилиб қаради. Шунда махлуқ орқасига қайтиб кетди.

Эртаси куни тунда, Чюн Бинг ухламоқчи бўлиб турган вақтда юқори қаватда очилаётган эшикнинг овозини эшитиб қолди. У шоша–пиша юқorigа кўтарилди ва ярим–ёрти очилган эшикни кўриб, ичкаридан кимдир секин келаётганини эшитди. Сўнгра кимдир шамни олиб чиққанини кўриб қолди. Чюй Бинг уни таниди. Ҳа, у кечаю кундуз ўйлаган Чинг Фенг эди. Чинг Фенг Чюй Бингни кўриб кўрқиб кетди ва ортига қайтиб, эшикни кулфлаб олди. Чюй Бинг эшик ёнига келиб, тиз чўкиб: “Мен хавф–хатардан кўркмайман, сени деб бир ўзим бу ерга яшашга келдим. Ҳозир бу ерда бегона одам йўқ, илтимос, нозик қўлларингни бир ушласам бас, ундан сўнг ўлсам ҳам розиман”,–деди.

Чинг Фенг ичкаридан жавоб берди: “Сенинг хис–туйғуларингни сезмасдан бўладими? Лекин мени тоғам жуда қаттиқ тарбиялаганлар, шунинг учун мен сенга розилик беришга журъат эта олмайман” – деб туриб олди. Чюй Бинг яна ялинди: “Менга сени кўриш кифоя, менинг бошқа ҳеч қандай ниятим йўқ”. Бундан эзилган Чинг Фенг уни кўрганидан хурсанд бўлиб кетди ва шу заҳотиёқ уни пастки қаватга бошлаб борди.

Чинг Фенг: “Ҳаракатларинг бекор, биз бирга фақат бир кеча бўла оламиз, кейин эса яна ажралишимизга тўғри келади” – деди.

Чюй Бинг: “Нега, нима учун?” – деб сўради.

Чинг Фенг жавоб бериб: “Тоғам сенинг туйғуларингни ёлғон деб ўйлайди, шунинг учун жўрттага махлуққа айланиб, сени кўрқитиб юбормоқчи бўлган эди, лекин сен ундан умуман

кўркмабсан. Тоғам энди кўчиб кетишга қарор қилди. Биз аллақачон ўз нарсаларимизни тайёрлаб қўйганмиз. Бугун эса тоғам мени шу нарсаларга қараб туришга уйда қолдирдилар. Эртага биз янги уйга кўчамиз”.

Гапини тугатиб, Чинг Фенг кетмоқчи бўлган эди, Чюй Бинг дарҳол унинг қўлидан ушлаб, ўзига тортди. Шу вақт Чинг Фенгнинг тоғаси кириб келди. Чинг Фенг ҳам уялиб, ҳам кўрқиб кетди. У бошини эгиб, деворга суяниб, ўз белбоғини тўғирлиб қўйди.

Қариянинг жаҳли чиқиб: “Уялмайсанми, қиз бола? Қани, тез чиқиб кет!” деб Чинг Фенгни койиди. Бу гаплардан сўнг Чинг Фенг ҳам унинг ортидан эргашди, Чюй Бинг ҳам уларнинг орқасидан чикди. Шунда у юқорида қариянинг Чинг Фенгни сўкаётганини ва ҳақорат қилаётганини, Чинг Фенгнинг эса йиғлаётган овозини эшитди, бундан унинг юраги жуда эзилди. Чюй Бинг беихтиёр: “Айб менда, бу воқеага Чинг Фенгнинг ҳеч алоқаси йўқ. Иложи бўлса, уни кечиринг, йўкса мени ўлдиринг, мен бунга лойиқман!” – деб баланд товушда бақириб юборди.

Бир оздан сўнг овозлар эшитилмай қолди. Чуқур хўрсиниб, Чюй Бинг яна хонасига қайтди. Шу воқеалардан сўнг бу уйда ҳеч қандай ғаройиб воқеалар содир бўлмайдиган бўлди. Лекин Чюй Бинг Чинг Фенгни ҳеч унута олмас эди.

Тахминан, бир йилдан сўнг Чюй Бинг кетаётган йўлда катта бир ит қувлаб келаётган икки тулкини кўриб қолди. Улардан бири харобалар томонга қочиб, иккинчиси эса кўркқанидан шошиб, Чюй Бингнинг қўйнига сакради ва қулоғини тушириб, унинг қўйнига суқулиб олди. Чюй Бинг тулкига жуда ачиниб кетди. Чюй Бинг шу заҳотиёқ, уни қучоқлаб, чопонининг ичига солиб, уйига олиб борди. Уйига келгач, у тезда тулкини тўшакка ётқизиб чиқиб кетди. Бир оздан қайтиб келиб тўшакка яна бир қараса, у ерда Чинг Фенг пайдо бўлиб қолибди.

Чюй Бинг жуда хурсанд бўлиб, ундан ҳозиргина бўлиб ўтган воқеа тўғрисида сўради. Чинг Фенг деди: “Мен бир хизматкор қиз билан сайр қилиб юрган эдим, йўлда тўсатдан катта ит пайдо бўлди. Агар сен бўлмаганингда, ит мени ғажиб ташлаган бўлар эди. Мен одам эмасман—тулкиман, сенга менинг керагим йўқ, сен мендан жирканишинг мумкин. Бор ҳақиқат шу”.

Унга жавобан Чюй Бинг деди: “Мен туну кун сени ўйладим, ухлаганимда ҳам сени тушимда кўрар эдим. Сени харсафар тушимда кўрганимда энг олий ва роҳатбахш туйғуларни ҳис қилар эдим”.

Чинг Фенг деди: “Ҳақиқатан, Худо тақдиримизни бирлаштирганга ўхшайди. Агар бугунги воқеа бўлмаганида, сен билан учраша олмас эдим. Бу жуда яхши бўлди. Хизматкорим итдан соғ–саломат кутулиб, уйга етиб борса, улар мени ўлди деб ўйлаб бошқа қидирмайдилар. Энди биз умрбод бирга бўламиз”.

Орадан икки йил ўтди. Бир куни кечаси Чюй Бинг китоб ўқиётган бир пайтда тўсатдан, Шяоэр кириб келди. Чюй Бинг ҳайрон бўлиб ўрнидан турди ва ундан ҳол–аҳвол сўради. Шяоэр тиз чўкиб деди: “Менинг отам келажақда уни бир фалокат кутиб турганини олдиндан сезар эди”, “Агар мен билан бу фалокат содир бўлса, унда фақат Чюй Бинг қутқара олади” дер эди. Бу аҳволга тушиб қолса сиздан уни қутқаришингизни илтимос қилмоқчи эди, аммо у келишга тортинди, чунки у сизга ўз вақтида кўпол муомалада бўлган. Бугун эса мен отамнинг ўрнига ҳузурингизга келиб, сиздан унга ёрдам беришингизни сўрайман, чунки унинг бошига ана шу кутилаётган фалокат тушди”.

Чюй Бинг ҳайрон бўлиб, “Отанг қандай бахтсизликка учради?” – деб сўради.

Шяоэр: “Сиз Мо Санланг билан танишмисиз?” – деб сўради.

“Ҳа, Мо Санланг энг яқин дўстимнинг ўғли бўлади”, – деб жавоб берди Чюй Бинг.

Шяоэр деди: “Эртага кечга томон у овдан қайтиб келаётганида, унинг ўлжаларининг ичида бир ярадор тулки ҳам бўлади. Сиз ундан илтимос қилиб у ярадор тулкини олиб қоласиз деб умид қиламан. Бу ишни мен унута олмайман, агарда сен шу тулкини қутқаргин, деб илтимос қилар экансан, у илтимосингни мен Чинг Фенг келмагунича бажара олмайман”, – деди. Шунда Шяоэр ерга тиз чўкиб: “Синглим Чинг Фенг ўлганига яқинда уч йил бўлади”, – деб йиғлаб юборди.

Чюй Бинг кўлини силтаб, жаҳл билан деди: “Ундай бўлса, букунидан баттар бўлсин. Мен унга ёрдам бермайман”, дея рад жавобини берди.

Шундан сўнг, у китобни олиб, баланд овоз билан ўқий бошлади ва Шяоэрга аҳамият бермай қўйди. Шяоэр туриб, йиғлаб

чиқиб кетди. Чюй Бинг шу заҳотиёқ Чинг Фенгнинг ёнига кириб, бўлиб ўтган воқеа тўғрисида гапириб берди. Чинг Фенг кўрқиб кетди, юзининг ранги ўзгариб, шошилиб сўради: “Сен уни қутқарасанми ёки йўқми?” “Албатта қутқараман. Мен атайин унга розилик бермадим, сабаби у олдин жуда сурбет эди, бу унга сабоқ бўлади” – деди Чюй Бинг хотиржам.

Шунда Чинг Фенг хурсанд бўлиб деди: “Ўтган сафар у сен билан яхши муносабатда бўлмади, лекин шуни ҳам айтиб қўяйки, мен ёшлигимдан ота–онасиз қолганман, у мени тарбиялаган. Буни ҳеч ҳам унутиб бўлмайди”.

Чюй Бинг деди: “Сенинг гапинг тўғри, лекин мен ўтган воқеаларни унута олмайман. Агар сен чиндан ҳалок бўлганингда, мен уни қутқармас эдим”.

Чинг Фенгнинг “Унда сен виждон азобида қолмайсанми?” деган бир оғиз гапи Чюй Бингни ўйлантириб қўйди.

Эртасига кечкурун чиндан ҳам Мо Санланг овдан қайтиб келаётиб кўпгина хизматкорлари билан Чюй Бингнинг уйига ташриф буюрди. У отга минган, орқасида камони ҳам бор эди. Чюй Бинг уни қарши олиб, меҳмонни таклиф қилди. Чюй Бингнинг кўзи овланган ҳайвонларга тушди. Улар ичида чиндан ҳам битта катта қора тулки бор эди. Унинг танаси қон экан. Чюй Бинг тулкини қўли билан сийпалаб кўрди ва уни тирик эканлигини билди. У пўстини йиртилганини ва унга тулкининг териси кераклигини баҳона қилиб, шу тулкини унга беришини илтимос қилди. Мо Санланг Чюй Бингнинг илтимосини эшитиб тулкини иккиланмасдан унга ҳадя қилди. Совғадан Чюй Бинг жуда хурсанд бўлиб, Мо Санлангга ташаккур билдирди.

Чюй Бинг шу заҳотиёқ тулкини Чинг Фенгга олиб кириб берди, сўнгра ўзи Мо Санланг билан меҳмондорчиликни давом эттирди. Чинг Фенг тулкини олиб, уч кун авайлаб парвариш қилганидан сўнг, тулки қарияга айланди. У кўзини очиб, Чинг Фенгни кўриб, жуда хайрон бўлди. Чинг Фенг бўлиб ўтган ҳамма воқеани батафсил гапириб берганидан сўнг қария жуда хурсанд бўлиб, Чюй Бингдан қилган гуноҳлари учун кечирим сўради.

Шундан кейин қария ўз оиласи билан эски яшаш жойига қайтиб кетди. Чюй Бинг ва унинг оиласи эса тинч–тотув ҳаёт кечиришди.

Турк тилидан қилинган таржималар

БОБОХОН МУҲАММАД ШАРИФ



Бобохон Муҳаммад Шариф 1949 йилда туғилган. 1971 йил Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тугаллаб, “Муштум” журнали, “Тошкент оқшоми” газетаси, “Ўзбекистон” нашриёти, Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, “Голос Узбекистана” газетаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг “Академия” нашриёти, “Мусика” нашриётларида турли лавозимларда меҳнат қилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Халқаро Маҳмуд Қошғарий (Ўзбекистон) ва Турк дунёсига хизмат (Туркия) мукофотларининг совриндори.

Туркия матбуотида Ўзбекистон, Ўзбекистон матбуотида Туркия ҳаёти, маданияти ва санъати, ёзувчи–шоирлари ҳақида кўплаб илмий мақолалар эълон қилган. Кўпгина халқаро илмий анжуманларида илмий маърузалар қилган.

Б. Шариф ўзбекчадан туркчага Чўлпон, Ойбек, Омон Матжон, Хосият Рустамова шеърларини таржима қилган. Унинг турк тилидан ўзбек тилига қилган таржималари кўпчиликини ташкил этади. Булар сирасига турк адиби У. Сайфиддиннинг “Бадал” ҳикоялар тўплами, Р. Н. Гунтекиннинг “Қон даъвоси”, “Хотин душмани”, “Тўкилган япроқлар” романлари, Қорачаўғлоннинг “Қора кўзим, қайдасан” шеърлар тўплами, Н. Ф. Қисакуракнинг ҳикоялари, Я. Баҳодирўғлининг “Хоразм ўт ичида”, “Алвидо Хоразм”, С. Дарвишнинг “Фосфорли Жаврия”, И. Бўзқуртнинг “Мангал” роман ва ҳикоялари, А. Баййирнинг “Кўклам муждаси”, Ў. Яғмурнинг “Тегирмон тоши” шеърлар тўплами, О. Танерининг “Жалолиддин Хоразмшоҳ ва замони”, А. Насимнинг ҳикоялари, Ю. Эмронинг шеърлар тўплами, Я. Оқэнгиннинг шеърлар тўплами шулар жумласидан. Русчадан ўзбек тилига 5 та асар таржима қилган.

БАДАЛ

Эшикдан бошқа жойидан ёруғлик тушмайдиган устахонасида ёлғиз ўзи кечаю кундуз учқун сачратиб ишлайдиган Улкан Али худди қафасга солинган ювош арслонни эслатарди. Баланд бўйли, шерпанжа, билаклари мушакдор, кенг елкали бир паҳлавон эди.

Ўн йилдан буён нимқоронғилик ичида темирдан ясаган қиличлари бутун Онадўли, Румэлида, чегара худудларида катта шуҳрат қозонганди. Ҳатто, Истанбулда ханжар, чопқи, қилич сотиб олмоқчи бўлган яничарлар уларнинг устида “Уста Алининг иши” тамғаси бор–йўқлигини текширишарди. Уста пўлатга сув беришни биларди. У ясаган узун қиличларгина эмас, балки калта пичоқлар ҳам қайирса, икки буклам бўлар, лекин синмасди. “Жуфт сув бериш” санъатининг фақат у биладиган бир сири бор эди. Шогирд олмас, биров билан кўп сўзлашмас, устахонадан ташқарига чиқмас, тўхтовсиз ишлагани ишлаган эди. Сўққабош эди. Қариндош, туғишгани йўқ эди. Бу шаҳарга четдан келганди. Қилич, темир, пўлат, оташдан бошқа нарсани билмас, савдолашиб ўтирмас, мижозлари не берса шуни оларди. Фақат уруш вақтларида оташдонни ўчирар, устахонани қулфлар, йўқ бўлиб кетар, урушдан сўнг яна пайдо бўларди. Шаҳарда у ҳақда анча–мунча гап–сўзлар юрарди. Биров “жаллоддан қочган аслзода” деса, бошқаси “севгилиси ўлгани учун дунёга бевақт этак силкиган бир мушфиқ” дерди. Қора кўзларининг мардона боқиши, назокатли муомаласи, мағрур сукунати, тўғри сўзлашидан унинг шунчаки оддий одам эмаслиги кўриниб турарди. Лекин у ким? Қаерлик? Қаердан келган? Буларни ҳеч ким билмасди. Халқ уни яхши кўрарди. Шаҳарда бундай машҳур устанинг борлиги ҳар киши учун алоҳида ғурур манбаи эди.

– Бизнинг Али.

– Бизнинг катта устамиз.

– Дунёда тенги йўқ.

– Зулфиқорнинг²² сирини фақат у биледи, – дейишарди.

Улкан Али энг қалин, энг қаттиқ темирларни жўхори япроғидай юпқалаштира оладиган, қоғоздек юмшата оладиган санъатини ҳеч кимдан ўрганмаган, ўзи кашф қилган эди. Ҳали ўн

²² Зулфиқор – тўртинчи халифа Ҳазрати Алининг машҳур қиличи.

икки ёшлик чоғида қаттиққўл бейларбейи бўлган отасининг боши олинган, етим қолган эди. Амакиси катта бой эди. Дабдабага муккасидан кетган вазир эди. Алини ёнига олди. Ўқитмоқчи бўлди. Тарбияланиб, давлат аркони орасида, балки, катта мансабларни эгаллаган бўлурди. Лекин кимнингдир миннати тортмоқ...

Алининг табиатида бу нарса йўқ эди. Бу ҳақда ўйлашнинг ўзиёқ ичини сирқиратиб оғритиб юборарди. “Мен бировнинг марҳаматига зор эмасман” деди ва бир кечаси амакисининг уйидан қочди. Бетайин дарбадар каби тоғлар, тепалар, даралар ошди. Номи не эканини билмаган шаҳарлардан ўтди. Охири Арзурумда бир кекса темирчига шогирд тушди. Ўттиз ёшигача Онадўлида у бормаган шаҳар қолмади. Ҳеч кимга бўйин эгмади, бировнинг миннати тортмади. Тошдан нон топди. Пешона тери билан еб–ичди. Кўп ишлади. Тенгсиз ишлар қилди. Озига қаноат қилди. Ичида “муқаддас оташ”дан бир лағча олов бўлган ҳар бир ихтирочи каби пул учун эмас, санъат, санъат берадиган завқ–шавқ учун ишларди. У “пўлатга жуфт сув бериш”га муккасидан кетганди. Кўнгилли бўлиб урушга кетган вақтларида яничарлар, сипоҳилар, жангчилар орасида “Уста Алининг иши” машҳурлигини эшитди дегунча, англатишга тил ожиз бир ҳузурга кўмиларди. То ўлгунича шундай, ҳеч тўхтамай ишласа, яна нечталаб ғозийга синмас шамширлар, қалқонларни парчалайдиган пўлат қиличлар, совутларни кесадиған оғир чопқилар ясаши мумкин. Буни ўйлади дегунча, кулимсирар, қалби ширин орзиқар, кўнглидан отилиб чиққан орзулар билан сандон устидаги миллионлаб учқунлар туташиб кетарди.

– Тақ!

– Тақ, тақ!

Мана, бугун ҳам бомдод намозидан бери тинмай ўн соат ишлади. Ясаётган эгри темирни сандон ёнидаги сув бочкасига ботирди. Ўчоқнинг сўна бошлаган ўтига назар ташлади. Болғани ташлаб, қўли билан пешона терини артди. Эшик томонга ўгирилди. Рўпарадаги масжиддан хузунли азон саси, мўри устидаги уядан лайлакларнинг тўхтовсиз қуриллаган овози эшитиларди. Аср намози таҳорати ҳали бузилмаганди. Фақат қўллари ювди. Қурутди. Кўйлагининг шимарилган енглари туширди. Камзулини елкасига отди. Ташқарига чиқди. Эшикни яхшилаб бекитди. Қулфлашни лозим топмади. Тўғри катта майдондаги

масжид томон юрди. Шаҳар чеккасидаги бу кўримсиз маъбадга нукул йўқсиллар келарди. Кўчага қараган чоғроқ дераза масжид минораси вазифасини ўтарди. Муаззин биродар деразадан бошини чиқариб, азон айтарди.

Улкан Али масжидга кириб, одам ҳамишагидан кўп эканини кўрди. Доим уч қандил ёқиладиган масжидда бу оқшом, Рамазон байрамидагидек, барча қандиллар ёқилган эди. Намозхонлар ҳали сафга турмагандилар. Эшик ёнига чўкди. Ёнида паст товушда гаплашаётганларнинг сўзига истар–истамас қулоқ берди. Қўниядан икки мусофир дарвеш келганини, хуфтон намозига қадар “Маснавий” ўқимоқчи эканликларини билиб олди.

Шом намози ўқилгач, масжиддагиларнинг бир қисми чиқди.

Улкан Али жойидан қўзғалмади. Боши бироз оғриётганди. “Маснавий эшитсам, яхши бўларман” деб ўйлади. Икки мусофир дарвешнинг кўнгил аллалайдиган қироати остида хузур оғушига кўмилиб, ўзидан кетди. Ҳар бир ошиқ каби унинг юраги ҳам чексиз жўшқинлик, ҳаяжон, эҳтиросга тўла эди. Сал нарсага жўшиб кетарди. Маъносини тушунмаган бу тилнинг сирли оҳангдорлиги унинг турғун қонини сув остидаги пинҳон чуқур гирдоб каби жўштирди. Аъзойи бадани сабабсиз ларзага тушиб титрар, ҳеч тўхтатиб бўлмайдиган йиғи томоғига тикилгандай бўларди. Хуфтон намозини ўқиб, масжиддан чиққач, тўғри устахонасига бора олмади. Кезди. Уйқуси қочганди. Илик, юлдузли ёз кечаси эди. Сомон йўли сариқ олтин тўзон булутидай кўкнинг бу томонидан у томонига чўзилган. Юрди, юрди. Шаҳардан яйловга кетадиган йўл ўтадиган тахта кўприк устида турди. Тутқичга суянди. Кенг сой сувида акс этган юлдузлар чакмоқ тош учқунидек жимирларди. Сой шилдирарди. Қоронғилик ичида чеккадаги думалоқ толларда булбуллар сайрарди. Ўзидан кетди. Соатлаб қимирламади. Тинглаган қироатининг кўнгил тубида қолган оҳанглари эшитилар, худди масжидда бўлганидай ўзидан кетарди.

Кўкқисидан орқасидан биров:

– Ким бу? – дея бақирди.

Берилиб кетган тушидан уйғонди. Ўғирилди. Кўприкнинг нариги томонидан икки–уч шарпа илгарилаб келарди. Беихтиёр жавоб берди:

– Бегона йўк!

– Кимсан?

- Али.
- Қайси Али?
-
- Сенмисан уста Али?
- Менман!
- Бемаҳалда бу ерда нима қилиб юрибсан?
- Ўзим, шундай.
- Қанақасига шундай? Болғангни сувга тушириб юбордингми ё?

Улар шаҳар баладиясининг²³ одамлари, қоровуллари эдилар. Хизмат юзасидан айланиб юришганди. Нима дейишини билмай шошиб қолди. Кечалари қорадори ичадиган бу дайдилар орномусли кишилар учун ўғрилар, каззоблардан ҳам кўрқинчлироқ эди. Ўзларидан бошқа кезиб юрган одамни кўрдиларми, дарҳол тутиб, товбасига таянтирардилар. Лекин унга ёмон муомала қилишмади. Қоровулбоши:

– Уста Али, алдан оздингми? – деди.

– Йўқ.

– Бунақа ярим кечага яқингина эмас, ҳатто хуфтон намозидан кейин кўча–кўйда, айниқса, шаҳар четида ҳеч кимнинг сандироқлаб юришига оғамиз рухсат бермаслигини билмайсанми?

– Биладан.

– Ий–э, ундай бўлса нима қияпсан бу ерда?

– Ҳеч нарса.

– Қанақасига ҳеч нарса?

Улкан Али яна жавоб бермади. Соқчилар унинг орномусли, ҳалол одам эканлигини билишарди. Азоб бермадилар.

– Бор, уйингга кет, санқима, – дедилар.

Келган йўлидан тез–тез юриб қайтган Улкан Алининг қалби биров илгари тинглаган оҳанглар оғушида эди. Булбуллар қаттиқ сайраб қўйишар, узоқларда чўпон итлари хурарди. Кўчада ҳеч кимни учратмади. Устахонасининг олдига келиб тўхтади. Мўри устидаги лайлак ухламаган, кафанга ўралган бир кўланкадай оёқ устида турарди. Эшиги хиёл очиқ эди. Чиқаётганида зичлаб ёпмагани эсига тушди.

– Ажабо, шамол очган бўлса керак, – деди.

²³ Баладия – шаҳар ҳокимлиги.

Устахонасида сандон билан чўкичдан бошқа қийматли бирон нарса йўқ. Булар ҳам ўғрилашга арзимади. Агар ўғри олса, уларни ташиш азобини тортган бўлурди.

Эшикни ичкаридан тамбалади. Соқчиларнинг тирғилишидан жони сиқилган эди. Хуллас, шаҳарда яшаш ҳам бир тутқунлик. Иложи йўқ, чунки тоғу тошда, қишлоқда унинг санъатининг кимга кераги бор? Бирданига оғир бир ҳорғинлик ҳис қилди. Қандилини ёқишга эринди. Ўчоқнинг чап томонидаги пастак супага осонгина чикди. Катта айиқ пўстагидан қилинган тўшагига узанди.

Сесканиб уйғонди. Эшигини тақиллаётган эдилар. Уйқусираб:

– Ким у? – дея қичқирди.

– Оч, тез бўл!

Тонг отганди. Эшик тирқишларидан оқ нур ёғилиб турарди. У ҳеч қачон бундай ухлаб қолмас, кун чиқмай уйғонарди. Қад ростлади. Супадан пастга тушди. Калишини топмай, эшикка йўналди. Тезда тамбани олди. Шартта очилган эшикдан ёғилиб устахонани тўлдирган ёруғлик ичида мўйловдор, катта қалпоқ кийган Қоровулбошини кўрди. Орқасида наमत кулоҳли, жуфт ханжарли ёрдамчилари турарди. “Нима гап?” дегандай кўзларига тикилди.

Қоровулбоши:

– Уста Али, устахонангни тинтиймиз, – деди.

Улкан Али ҳайрон бўлиб сўради:

– Нега?

– Бу кечаси Будокбейнинг кўрасига ўғри тушибди.

– Хўш, менга нима?

– Мана, шунинг учун ҳам устахонангни тинтимоқчимиз.

– У ўғриликка менинг не дахлим бор?

– Ўғрилар бир кўзини ўғирлаб кўприк остида сўйган. Чарм ҳамёнлар ичидаги пулларни олиб, биттасини ўша ерга ташлаб кетишган.

– Менга нима алоқаси бор?

– Ўша ҳамёнлардан бирини бугун шаҳарда устахонангнинг олдидан топдик. Қолаверса, шу эшикка қара. Қон доғлари бор!

Улкан Али қамашган кўзлари билан устахонасининг топ–тоза эшигига қаради. Ҳақиқатан ҳам кичкинагина қон доғи бор эди. У бу қизил доғга ҳорғин боқаркан, шопмўйлов соқчи:

– Бунинг устига бу кечаси бемахалда сени кўприк устида кўрдим, у ерда нима қилиб юргандинг? – деди.

Улкан Али яна нима дейишини билмади. Ерга боқди.

– Тинтинглар, – дея орқага тисланди.

Қоровулбоши билан ёрдамчилари устахонага киришди. Сандон ёнидан ўтаётган қоровулбоши қичқирди.

– Вой! Мана, мана!

Улкан Али беихтиёр соқчи тикилган ерга кўз югуртирди. Янги шилинган бир терини кўрди. Ҳайрон қолди. Ёрдамчилар дарҳол терини ердан олдилар. Очдилар. Тери ҳўл эди. Бир бошлиғига, бир айбдорга қараб қолишди. Қоровулбоши жаҳл билан сўради:

– Ўғирлаган пулларни қаерга яширдинг?

– Мен пул ўғирлаганим йўқ.

– Инкор этма. Мана, кўзининг териси устахонангдан чикди–ку.

– Бу терини бу ерга мен қўймадим.

– Унда ким қўйди?

– Билмайман.

Улкан Али узундан–узоқ сўзлай олмасди. Сувбошининг²⁴ олдига олиб боришганида ҳам кечаси бемахалда кўприк устига нега борганини тушунтира олмади. Соқчилар топган барча далиллар унинг зарарига чиққанди. Будоқбей эндигина сотган юзта қўйнинг пули ҳам ўғирланган эди. Иккита бақувват ўғри қоровул чўпонни қаттиқ боғлаган, сўнг ўлгудай дўппослаган, устига устак бир қўлини синдирган ҳам эди. Эртасига қозининг ҳузурида чўпон ўғриларнинг бирини Улкан Алига ўхшатганини айтди. Кечаси алламаҳалгача устахонасига келмагани, битта тери устахонада, пул ҳамёнларидан бири эшиги олдида топилгани Улкан Алининг айбланиши учун етарли бўлди. Ҳарчанд уринмасин, ўғирлик айбини рад этолмади. Бунинг устига унинг қаердан келгани, қаерлик экани ҳам номаълум эди.

Чап қўлини чопишга ҳукм қилишди.

Улкан Али бу ҳукмни эшитди дегунча, умрида биринчи марта сарғайди. Лабларини тишлади. Лекин ҳукмга бўйсунишдан бошқа чораси йўқ эди. Гандираклаб ўрнидан турди. Қозига дағал сасда:

– Қўлимга тегманг, калламни олинг, – дея илтимос қилди. Бу унинг умрида қилган биринчи илтимоси эди. Аммо кекса қози адолатли эди.

²⁴ Сувбоши – Усманийлар Туркиясида шаҳар ҳокимлигининг катта инспектори.

– Йўқ, ўғлим, – деди, – сен одам ўлдирганинг йўқ. Чўпонни ўлдирган бўлсанг, калланг кетган бўларди. Жазо айбга яраша берилади. Сен фақат ўғрилиқ қилдинг. Қўлинг чопилади. Ҳақнинг хоҳиши шу. Қонун кесган ер оғримайди.

Улкан Алининг қўли бошидан ҳам қийматли эди. “Пўлатга жуфт сув”ни шу икки қўли билан берар, шу икки қўли билан чегара ҳудудларида олишган минглаб ғозийларга пўлат қалқонларни кесган, қалин совутларни йиртган, темир дубулғаларни иккига бўлган пардек юпқа қиличлар етказиб берар, сув текинга, худо йўлига ишларди.

Уни Оға²⁵ эшигида соқчиларнинг хонаси тагидаги зиндонга қамадилар. Жазо ижро этиладиган кунни шу ерда кутиб ўтирар, ғиқ этмас, чўлоқ бўлиб қолгач, сандонга чўкич уролмаслигини ўйлаб, худосини йўқотган эътиқодли кишидай ғамбода бўлганди. Қўлининг бадалини бериш учун бир мириси йўқ эди. Ҳозиргача пул учун ишламаган эди.

Бутун шаҳар аҳли Улкан Алидай улуғ бир устанинг қўли кесилишига ачинаётганди. Шунчалик хушсурат, мард, меҳнаткаш, бақувват, келишган кишининг то ўлгунча чўлоқ, ночор қолишига, ҳатто, энг тошжорак кишилар ҳам чидай олмаётган эди.

Ахир, уни барча яхши кўрарди–да.

Сипоҳилар ўзларига қилични жуда арзонга ясаб берадиган бу кишини қутқаришга бел боғладилар. Улар шаҳарнинг энг бой одами бўлган Ҳожи Маҳматга бош урдилар. Бу одам Қорундай бой бўлса–да, ўтакетган зикна эди. Ҳалигача шаҳар бозоридаги кичик дўконида қассоблик қиларди. Ўйлади, у ёқдан бу ёққа юрди. Нозланди. Пешонасини тириштирди. Бошини чайқади. Лекин сипоҳилар билан яхши муносабатда бўлиши керак эди.

– Модомики, сиз шуни истаётган экансиз, – деди, – мен унинг қўлининг бадалини берай. Лекин бир шартим бор.

– Қандай шарт? – деб сўрашди.

– Эртага ўзига айтинг. Агар ўлгунча менга текинга хизматкор, малай бўлишга рози бўлса...

– Хўп, хўп.

Сипоҳилар Оғанинг эшигига ошиқдилар. Ҳожи қассобнинг шартини Улкан Алига айтдилар. У аввалига қассобликдан беҳабар эканини айтди. Рози бўлгиси йўқ эди. Сипоҳилар:

²⁵ Оға – қоровуллар бошлиғи.

– Сен ҳам одам бўлдинг–у! Қассоблик ҳам ишми? Қанчадан қанча уруш кўрдинг. Қилич уриштирддинг. Боғлиқ кўйни ерга ётқизиб сўя олмайсанми? – дея оёқ тирадилар.

Қулга қул бўлишдан, бу ўткинчи дунёда бировнинг миннатини эшитишдан кўра аччиқроқ нарса йўқ.

У ҳали ёшлигидаёқ, ҳатто, вазир амакисининг ғамхўрлигини қабул қилмаган, миннат эшитмаслик учун оиласидан қочган, мусофирлик кучоғига отилган эди. Энди буни қарангки, қора қисмат уни кимларга қул қилаётган эди.

Сипоҳилар:

– Ҳожи етмиш ёшдан ўтган. Яна қанча яшардики. У ўлганидан сўнг, сен яна озод бўласан, бизга қилич ясайсан. Бўлақол уста, кўп ўйлаб ўтирма! – дейишди.

Ҳожи қассоб кесиладиган кўлнинг бадалини қозига санаб берган куни Улкан Алини эргаштириб, дўконига олиб келди. У жуда инжиқ, ниҳоятда вайсақи, ўтакетган бадҳазм чол эди. Тўхтовсиз вайсагани вайсаган эди. Хасислиги сабабли ҳозирга қадар на хизматкор, на шогирд ёллаганди. Улкан Алини кўлга киритгач, дарҳол дўконининг олдига айвонча кўтарди. Ўша ерга кўрпача ёзиб, устига ўтирди. Каттами кичикми, барча ишларни унга қилдира бошлади. Бомдод намозидан беш соат олдин шаҳардан икки соатлик узоқликдаги кўтонидан шу куни сотиладиган кўйларни келтиртирар, унга сўйдирар, терисини шилдирар, бўлаклатар, соттирар, то шом намозигача тўхтовсиз буйруқ берар эди. Бечорага фақат ёвғон берарди холос. Гоҳ олдидан ортган овқатни итга ташлагандай унинг олдига отарди. Кечалари дўконни бошдан–оёқ ювдирар, уйкуга йўл кўймай, эртанги савдо учун кўй келтиришга жўнатарди. Ўтинни ҳам унга ўрмондан кестирар, сувини таши–тар, майда–чуйда ишларгача барчасини қилдирарди. Ҳатто, боғчасидаги хожатхона ўрасини ҳам унга тозалатди.

Улкан Али ёвғон шўрва билан бу қадар машаққатларга йилларча чидаши мумкин эди. Лекин Ҳожи қассоб икки гапнинг бирида:

– Галварс Али, кўлингнинг бадалини мен бердим. Бўлмаса, чўлоқ бўлардинг! – дея қилган яхшилигини юзига солаверишига чидай олмаётганди.

Бир кун, икки–уч кун тишини тишига қўйди. Тинмай ишлади. Кечалари ухламади. Кундузлари оёғини қўлига олди. Хўжайинининг олдида қўл қовуштирди. Шундай бўлса–да, қассоб яна:

– Қўлингнинг бадалини мен бердим!

– ...

– Чўлок бўлиб қолардинг, ҳа!

– ...

– Мен туфайли қўлинг омон қолди!

– ...

Ҳожи қассобнинг тили гўё шу сўзлар билан чиққандай эди. Ҳар бир буйруғи бажо келтирилгач, оппоқ соқолли, хунук, чўтир юзини буриштириб, ич–ичига ботган кўк кўзлари билан унга бошдан–оёқ тикилар, “Эсингда бўлсин, сен менинг қулимсан” дегандай, берган бадалини эслатиб қўярди. Улкан Али жим қолар, юраги вайрон бўлаётганини, кўксини лағча чўғ ёндираётганини, сиқилган тишлари ғижирлаганини, чаккаларига оғриқ кирганини ҳис қиларди. Кечалари ухлай олмас, кундузлари ишлаганида, қўтондан қўй олиб келганида, кушхонада қўй терисини шилаётганида, мижозларга гўшт кесаётганида “Нима қилсам экан, нима қилсам экан?” деб ўйлар, бирон қарорга кела олмасди. Дунёда ҳеч кимга бўйинсунмасдан, озига шукур қилиб, ғурур билан бош кўтариб яшашни истар экан, бошига не бало тушди?

Қочиб кетишга номус қиларди. У вақтда ҳақиқатан ҳам ўғрилиқ қилган бўлиб чиқарди.

Аммо бу ҳарифнинг икки сўзнинг бирида таъна қилаверишига чидаш ўлимдан қийинроқ, ўлимдан аччиқроқ, ўлимдан оғирроқ эди.

Ҳожи қассобга кул бўлганига роппа–роса бир ҳафта бўлганди. Жума куни эди. Яна саҳари мардондан қўтонга бориб, қўйларни олиб келган, саллох–хонада терисини шилган, дўкон канораларига осган эди. Дастгоҳнинг чап томонидаги катта, қора тош билан пичоқларни қайрар, яна “Нима қилсам экан, нима қилсам экан?” деб ўйлар, лабларини кемирарди. Хўжайини ҳали келмаган эди. Кичик пичоқлардан кейин катта чопқиларни қайрашга киришди. “Нима қилсам экан?” деб ўйга толиб, қассоб келганини сезмай ҳам қолди. Тўсатдан бадбахтнинг бўғиқ сасини эшитиб, юраги бўғзига тикилди.

– Ҳой, нима қияпсан?

Ўғирилди. Хўжайини жойига ўтириб, чилим тутата бошлаганди.

– Пичоқларни чархляпман, – деди.

– Ҳой танбал, ҳой ишёқмас. Эрталабдан бери нима қилдинг?

Индамади. Қовоқлари салқиган бу кичик, бу маккор, бу илон кўзларга киприк қоқмай қаттиқ тикилди. Чол ҳеч кутмаган бу аччиқ нигоҳдан жаҳли чиқди.

– Ҳа, нега бақраясан?

Улкан Али ғиқ этмади, бир ҳафта мобайнида тинмай елиб–югуриб, балки беш йиллик хизмат қилганини кўра–била туриб, яна унга “танбал, ишёқмас” дейишга уялмаган бу ярамас чолга тешворай деб қараб тураверди. Яна юраги вайрон бўлди, кўксини лағча чўғ ёндирди, тишлари сиқилди, чаккаларига оғриқ кирди. Ниҳоят, ўзига келди. Улкан Али кўзларини очди. Қандай қилиб бунга бир ҳафта чидади? Ҳайрон бўлди. Ҳожи қассоб чилимини ёнига қўйди. Хизматкорининг бундай қаҳрли нигоҳидан кутулгандай тўнғиллади:

– Қўлингнинг бадалини мен берганимни унутганга ўхшайсан, – деди. – Мен бўлмасам, ҳозир чўлоқ юрган бўлардинг.

Улкан Али яна индамади. Аччиқ–аччиқ кулимсиради. Сўнгра бирдан сарғайди. Шартта ўғирилди. Ўткирлаган чопқиларининг энг каттасини олди. Енги шимарилган қўлини баланд кунданинг устига қўйди. Чопқини кўтариб, шундай қаттиқ урдики...Шу лаҳзада узилиб тушган қўлини олди. Кўрган манзарадан кўрқиб кўзлари олайган Ҳожи қассобнинг олдига:

– Ма ол, бадалини берган нарсангни! – дея улоқтирди.

Кейин қўлсиз қолган билагининг устини маҳкам боғлади. Дўкондан чиқди.

Бир вақтлар унинг қаердан келганини билолмаганлари сингари, қаерга кетганини ҳам ҳеч ким билолмади.

ТОҲИР ҚАҲҲОР



Тоҳир Юлдашевич Қаҳҳоров (Тоҳир Қаҳҳор) 1953 йил 9 майда Наманган вилоятида туғилган. 1975 йилда ТошДУ (ҳоз. ЎзМУ)нинг журналистика факультетини битирган. 1975 йилдан 2002 йилгача Ўзбекистон радиоси адабий–драматик эшиттиришлар редакциясида турли лавозимларда ишлаган. 2005 йилдан бери ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультетида дарс бермокда.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси (1980 йилдан), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (1982 йилдан) аъзоси. Унинг шеърлари, таржималари, публицистик, тарихий, адабий–илмий мақолалари республика матбуотида нашр этилган. Қатор шеър китоблари чоп этилган. Айрим шеърлари озарбайжон, украин, инглиз, болгар, турк тилларига таржима қилинган. Рус, турк, форс, озарбайжон, қорақалпоқ, уйғур, татар тилларидан қилган таржималари эълон қилинган. Г. Г. Маркеснинг “Ошқора қотиллик қиссаси” асари таржимаси мактаб дарсликларига ҳам киритилган.

Т. Қаҳҳорнинг миллий истиклол, ўзбек адабиётининг Туркияда ўрганилишига оид қатор мақолалари чоп этилган. Турк тилидан таржима қилган асарлари алоҳида китоб ҳолида ва “Жаҳон адабиёти” журналида нашр этилган. Туркия Маданият ишлари вазирлиги нашриётида у тайёрлаган бир неча антология ўзбек ва турк тилларида босилди. П. Шермухаммедов билан ҳамкорликда тайёрланган “Туркия ташқарисидаги туркий адабиётлар. Қорақалпоқ адабиёти” (26 жилд, Анқара, 2003) китоби босилган.

Т. Қаҳҳор адабиёт ва матбуотдаги хизматлари учун 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармониға биноан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони билан тақдирланган. Мустақиллик мавзусидаги адабий–илмий мақолалари учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Тарғибот марказининг А. Яссавий номидаги халқаро мукофоти берилган (1991). Ўзбекистон – Туркия адабий алоқалари ривожига қўшган хиссаси учун у Туркия Халқаро ижодкорлар фондининг “Турк дунёсига хизмат” мукофотиға сазовор бўлган (1998). 2004 йилда “20–30 йиллар ўзбек адабиётининг Туркияда ўрганилиши” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

КЕНГАШ

(“Кўкбўриларнинг ўлими” романидан парча)

Қурултой қурилди, барча тўпланди. Қора Қоғон Боту қоғонидан келган битикни ўқиш учун Кур Шадга узатди. У битикни ўқиб битирганидан сўнгра Қора Қоғон сўз бошлади:

– Турк беклари! Усдан устун ус бордир!²⁶ Неники ўйласангиз, нимани сўйламоқчи бўлсангиз, ўртага қўйинг! Кенгашайлик. Энг тўғри йўлни топиб, унга кўра иш тутайлик.

Беклардан бириси сўз истади:

– Қора Қоғон! – деди у. – Буйруқ бер, сўзлайин, деяжакларим бор.

Бу бек анча қариб қолганди. Соч–соқолига оқ оралаган, манглайида, юзида қилич яраларидан қолган излар бор. У ўйламасдан гапираётганга ўхшаса–да, ёқимли сўйлар, барча уни жон қулоғи билан тинглар эди.

– Мен Боту Туркэлини яхши биламан, – деди у. – Эвдошим–да ўша ердан. Ботулилар биздан кучлидир. Энг яхши отлар Ботудан чиқади. Боту Элинда очлик бўлмас. Турли гўзал, тотли емишлар²⁷ бор. Далалари унумли. Ўрмонлари, оғочлари кўп. Тунг Йабғу Қоғон сўзларини қўллашимиз керак. Эскидан Туркэлинда бир қоғон бўлган чоғларда будуннинг қорни тўқ, усти бут, ёғийси оз эди. Эл иккига бўлиниши биланок илк ўртага чиққан иш – бир–бирига ён қараш бўлди. Чинга кетган туркларимиз–да кимликларини унутиб, бизга қандай қилич кўтара бошлаган эса, Туғу Туркэли билан Боту Туркэли–да шундай бораверса, бир–бирларига чинлидай ёғийлик этарлар. Менга қолса, шу ондан кечи йўқ Тунг Йабғу Қоғонга элчи жўнатиш керак. Бир онтлашма қилайлик. Икки қоғон бир–бирларига ёғийлик этмаслик учун онт ичсинлар. Улар бизга отлар, яхши қурул–яроғлар йўлласинлар. Биз–да уларга Чиндан ўлжа келтирганимиз ипаклардан юборайлик. Шулар билан бирга, икки қоғон саваш чиққанда, бир–бирига черик беришга–да онт ичсинлар.

Қора Қоғон бошқа бекларга боқди. Тунга Тегин сўз олди. У шундай деди:

²⁶ Ақлдан кучли ақл бор.

²⁷ Емиш – мева.

– Тунг Йабғу Қоғон биздан кучли эмиш. Кучлилар кучлилар билан ўртоқ бўлишни истайди. Биз–да уларга кучимизни кўрсатайлик. Шунинг учун уларнинг элчилари бу киш бунда қолсинлар. Ёз бошланиши биланоқ Чинга оқин этайлик. Элчилар черигимизни, савашимизни, кучимизни кўрсинлар. Ўшандан сўнгра биз–да уларга ўз элчиларимизни йўллайлик. Тунг Йабғу Қоғон бизнинг–да кучли эканимизга ишонса, унда онтлашмани ўзи истаб қоладур. Бизга суянадур. Биз учун ярарлик ишлар кўрсатур.

Шундан кейин қурултойдаги бекларнинг энг ёши саналган Кур Шад сўз олди.

– Яхши сўзлар сўйладингиз, – деди у. – Элчилар кучимизни кўрсинлар. Кейин онтлашма қилайлик. Икки қоғон бир–бирларига ёрдамлашсинлар. Аммо бу ерда унутганимиз бир нарса бор.

Ҳамма бир–бировига боқди. Нени унутдилар экан, кимса билмасди. Кур Шад сўзида давом этди:

– Ўтуканда туркларнинг ярмиси қадар чинлилар борлигини элчилар кўрмайди деб ўйлайсизми?

Кур Шад бу саволни бераркан, ўртага совуқ бир жимлик чўкди. Лекин унинг нима демоқчилигини ҳеч ким англамаганди.

– Элчилар кўрса нима қипти? – деди Қора Қоғон. – Чинли тутқунларимиз кўплигини кўргач, кучимиз буюклигини англаблар!

– Йўқ, бундай тушунмаслар! – деди Кур Шад. – Булар тутсоққа ўхшамаслар–ку!

– Нималар деяпсан ўзи, Кур Шад? – деди бир бек. – Бу чинлилар бизнинг тутқунларимиз, қулларимиз эмасми?

– Тўғри, улар тутсоғларимиздир, бироқ Ўтуканда улар турклар билан деярли тенг турумда бўлиб қолишди. Яшамларида тутқунга ўхшаган ери сезилмайдир.

– Кур Шад! – деди Қора Қоғон. – Демоқ истаганингни очикча айт–қўй! Биз–да англайлик.

– Демоқ истаганим шу: бу ерларда чинлиларнинг хўрози–да бизники билан бир хилда қичқирадиган бўлди. Қора Қоғон тахтга чиққан кун ўтоғининг ортида чинли отбоқарлар уруш чиқариб, бир турк черигини дўппослашга уринди. Эскидан бундай қилишга чинлиларнинг юраги бетлармиди? Бу тутқунлар бу кучни қаердан, кимдан олишмоқда? Анови чинли бек Шан–кинг ким ўзи? Иккида бир Хотуннинг, ҳатто Қора Қоғоннинг ўтоғига кирадир. Турк беклари билан тенгдай туриб сўйлашадир – булар недир?

– Шан–кинг тутсоқ эмас, қўноқдир.

– Қўноқдир, аммо чинлидир. Чинли тутсоқми, қўноқми, биз учун у чинлидир. Қўноқ бўлса бизга не, биз уни чақирибмизми? Сўнгра, унинг йўлдоши Ван–зин–шан ким? Ўтуканнинг ҳар ерида кезинадир, ҳар ерга кириб чиқа–дир. Кейин эса Шан–кинг билан бошини бошига тақаб, шивирлашадир!

– У–да қўноқдир, кезинса не чиқади?

– Қўноқ бўлса, қўноқлигида турсин. Нега у тутсоқ чинлилар билан оғиз–бурун ўпишади? Уларнинг нималарни сўйлашганини биладирмисиз?

– Билсам нетарди? Чинлилар нениям сўйлашарди? Ё товламачилик, ё хотин, ё ақча.

– Ёлғиз шулар билан тўхтамаслар: фитначилик ҳам қиларлар. Бу чинлиларнинг айғоқчилик қилиб–қилмаётганини ҳеч ўйлаб кўрдингизми?

Беклар қоғон бу саволга не деркин, дея унга боқишди. Барининг қошлари чимирилган эди.

– Чин беги айғоқчими дерсан? – деди қоғон. – Қандай қилиб у айғоқ бўлсин? Ахир Чинда унинг оиласи қоғон эмаски.

– Яшанг, қоғоним, бундан не чиқар? Агар Ўтуканда кўкбўрилар тугаб, ўрнига тўққизўғузлар ёки қорлиқлар қоғон бўлса, мен барибир Чинга ёғий турумида қолурман. Мен қилган ишни чин беги нечун қилмасин?

Бу оғир сўроқдан сўнг ўртага бир ўлим сассизлиги чўкди. Қоғон Кур Шадга, бекларига боқаркан, беклар кўзларини кур Шаддан олмасдан ўйланишар, Кур Шад эса бошини эгиб, унсиз турар эди. Тунга Тегин тинликни бузди:

– Чин бегининг айғоқчилиги қаёққа борарди? Қиличларимиз ўткирлигини йўқотарми? Ёйларимиз отмай кўярми? – деди.

– Йўқ, бундай–ку бўлмас. Улар бизнинг қанчалигимизни билиб олишади. Оқин бошляжак замонимиздан хабарлари бўлур. Шунга кўра тайёрлик кўрурлар, пистирма кўярлар. Ичимизда Чин учун энг кўрққули ким бўлса, уни пайтини топиб осонгина ўлдирурлар.

– Кур Шад! Сен бизларни бола ўрнига қўймоқдасен! – деди у. – Бу тутқунлар турклардан бирини қандай қилиб ўлдирур? Чинли тутсоқнинг қўлидаги қилич бир турк бегини ўлдира билурми?

Ўтукандаги бир турк бегини ўлдирмоқ учун бутун Чин ярок кўтармоғи керак.

– Мен сизга чинлилар баҳодирларча майдонга тушиб ўлдирурлар, демадим–ку. Саваш ерида бир турк бегини ўлдирмоқ чинлилар учун ўта қийиндир. Аммо бир турк қоғонини ўз ўтоғинда қандай ўлдирганликларини ўзларингиз кўрдингиз–ку! Мен сизларга қиличдан эмас, оғудан сўйламоқдамен!..

Кур Шаднинг сўзлари ўрталикка йилдирим каби тушди. Қоғон унинг сўзларидан оғринди, совуққонлик билан:

– Яша, Кур Шад! – деди. – Тунг Йабғу Қоғонга элчиларимизни юборишдан олдин нима қилайлик дерсан?

– Нима қилардик? – деди Кур Шад. – Бу чинлиларнинг тутсоқ эканлигини уларга кўрсатайлик. Тутқунлардаги қўйларнинг ярмисини олиб, туркларга берайлик. Биз оқинга кетаркан, савашларда қон тўқмоқдамиз, ўлмоқдамиз. Улар эса, тутсоқмиз дея Ўтуканда яшаб, далаларини яшнатиб, қўйларини кўпайтирмоқда. Сўнг бизнинг турклар билан олиш–бериш қилиб, бир қўйга ўн тулки терисини олиб, уларни Чинга сотиб, яна бойишмоқда.

– Бунинг олдини олмоқ қулайдир.

– Қулайдир, бироқ иш бу билан битмайдир. Бу тутсоқ чинлилар туркларнинг ахлоқини бузмоқда. Тутқундаги чинли хотинлар минг турли ўйноқиликлар билан турк черикларини йўлдан чиқармоқда. Бизнинг қизларимизда бундай ўйноқилик йўқ, улар бунга ўрганмаган. Чинли эркаклар ёмон молларини яхши мол ўрнига ўтказиб, бизни қандай алдасалар, чинли хотинлар–да бўёқ ва ўйноқиликлар билан турк йигитларини ўзларига оғдириб олишмоқда. Йигитларимиз осонгина алданишмоқда. Улар чинли қизларини бошқа бир нарса деб ўйлайдилар. Олма яноқли, ипак сочли, чакноқ яшил кўзли, кийикдай турк қизлари туриб, аллақандай сарғимтир, мўлмайган, қоқсуяк чинли хотинларга кўнгил кўярлар. Уйли хотинга ёмон кўз–ла боқилурму? Турклик тўрасига кўра, уйли хотинга элакишмоқ ўлим–ла битар. Шундай эди, эрга чиққан хотинга тегинган ўлдириларди, бироқ бу тўрага бўйсунмай қўйилди. Шунинг учун турмушга чиққан хотинлар–да бу ишни қилишдан ҳайиқмай қўйишди.

Қурултой ёмон бир тўлғонди, туйғуланди. Қоғон ва беклар оёққа қалқди. Қоғон бақирди:

– Нималар деяпсан? Уйли хотинларга элакишган бо–ру, бизлар билмасмизми?

– Билмаймиз! Билдирмаяптилар! – деди Кур Шад. – Тушимизга кирса, эсимиздан айрилдик, шундаймасми? Шундай!.. Чинли тутсоқларнинг хотинлари турк йигитларини овлаб–аврамоқда, буни уларнинг эрлари билишмайдими? Билишади. Жуда яхши билишади, бироқ ғиринг дейишмайди. Аксинча, хотинларни бу ишга тезлашади. Чунки шу йўл билан биз босқинларда олган ўлжа олтин–кумушларни, молларни турк чодирларидан чинли тутқунларнинг чодирига осонгина ташишмоқда. Чинли тутсоқлар – ётлардир, ёт ҳеч қачон ўз бўлмас. Яхши, энди нима қилайлик, дерсиз. Айтайин. Бизнинг тўрамизда уйли хотинга бирор эркак элакишса, хотин шикоят этарди, осилган эркак ўлдириларди. Хотин шикоят қилмаса, унда не бўлур?.. Турк тўрасида бу тўғрида бирор сўз йўқ.

Курултойни ҳаяжон қоплаганди. Бир бек бақирди:

– Хотинга осилар экану, у шикоят этмасми? Шунақа хотинни ким кўрибдир? Мундайн пайтда эри ўлган хотин–да шикоят этар, шундаймасми?

– Турк хотини бўлса, сўзсиз, шикоят қилар. Бироқ бундайин суюқлар чинли тутсоқлар ичидан чиқмоқда! – деди Кур Шад. Унинг овози гуриллар, аммо ҳаяжон сезилмасди. – Нечун? Чунки чинли эркакларга ор эмас, мол, олтин керак! Унинг ёнчиғи ақчага тўлиши керак! Булар ақчага етмоқ учун ҳар турли молини, ҳар несини берар, ҳеч нарсадан қайтмас, ҳатто хотинини–да берар. Чин хотинлари шу йўл билан туркларни шилиб, эрларини бойитишмоқда. Ана энди чинлиларнинг қандай бойиганини англадингизми? Яхшилаб кўз солинг: Ўтуканда туғилган чин–лиларнинг болалари чинлига унчалик ўхшамас. Буни Ўтуканнинг ҳавосидан, сувиданми деб ўйлайсиз? Чиндаги кўппак Ўтуканга келиб бўри бўлмайдию нечун Ўтуканга келган чинли туркка ўхшаб қолсин? Бу ўхшашлик тагида бир нарса бор: унга турк қони аралашган. Ёлғиз чинлига турк қони аралашса, яхши, аралашсин, балки чинлилардан–да илгарида янада савашчи черик чиқар, улар билан урушимиз яна–да тотли бўлар. Ҳолбуки, эндиликда турклар–да чинлилардан хотин олмоққа бошлашди. Билишимизча, чинли хотин олмоқ ёлғиз қоғонлар учундир. Бунинг айрича сабаблари бор. Ў бу турк аскарларининг бариси энди қоғон бўлиб

қолишдими? Чинлилар турк қони билан қўшилиб, жонланишадир, ботирлашадир. Биз—чи, чинлилар билан қоришиб, ўзлигимизни йитирамизми? — Бу кўрқинч саволдан бутун қурултой титраб кетди. Кур Шад давом этди: — Бугундан кечи йўқ, турк йигитларини йўлдан чиқарган чинли хотинларга таёқ урилсин. Бузилган чинли хотиннинг эри унинг ишларини била туриб индамас эса, у итдай ўлдирилсин. Чинли тутсоқлар ўз бошича дала эгаси бўлмасин. Турклар чинлиларга уйланмасин. Бутун чинлиларга кўз—қулоқ бўлиб турилсин. Йўқса кўкламда Чинга уюштириладиган оқиндан Чин саройи эндида ноқ хабар топадир.

Қоғон нима дейсизлар дегандек бекларга бокди. Шу пайтгача сўйламаган бир бек сўз олди.

— Кур Шад тўғри сўйлайдир, — деди у. — Турк тўраси ёбонга отилмас. Бизнинг будунда—да айб бор, дейликки, бир киши тузоққа тушса, айб фақат тузоқ қурганда эмас, унга илинганда—да қусур бор. Турк эркаклари чинли хотинларга алданиб, йўлдан чикса, ёлғиз чинли хотинларни таёқлаб, уларнинг эрини ўлдирмоқ билан иш битмас. Турк тўрасини том ерига келтириш учун уйли хотинга илакишган турк эркакларининг—да бошини узиб ташлаш керак. Бизнинг тўрамиз уйли хотинга қўшилган кишининг бошини кесишни буюраркан, у хотиннинг турк, чинли ёки тутсоқ бўлиб—бўлмаганига қарамайдир.

Тунга Тегин бекнинг сўзларини “тўғридир” дея қувватлади. Кур Шад унга эътироз қилди:

— Мен бу сўзларга қўшилмайман. Бу бекнинг айтганига кўнсак, унда турк билан чинли бирдай бўлиб қоладир. Турк тўраси турклар учун чиқарилган. Яна бир ёғи борки, бизнинг тўрамизда хотинга куч ишлатган, зўрлаган эркакнинг боши кесиладир. Турк йигитлари чинли хотинларни зўрлаётгани йўқ—ку.

Кенгаш чўзилмоқда эди. Кун ботмоқда. Қоғон беклардан бирма—бир тушунчаларини сўради. Ўн икки бекдан ярмиси Кур Шаднинг сўзига қўшилди. Қоғон қайси ёққа ён босса, уларнинг сўзи қабул бўларди.

УЛУҒБЕК ҲАМДАМ



Улуғбек Абдуваҳобович Ҳамдамов (Улуғбек Ҳамдам) 1968 йилда Андижон вилоятида туғилди. 1993 йилда ТошДУнинг ўзбек филологияси факультетини тамомлади.

1992–1993 йилларда Туркиянинг Кўнё шаҳрида таҳсилни давом эттирди. 1993–1994 йилларда Шарқшунослик институтида турк тилидан дарс берди. 1994–1996 йилларда Ўзбекистон Миллий университети аспирантурасининг кундузги бўлимида ўқиди.

1997 йилда «30–йиллар ўзбек шеъриятида «соф лирика» муаммоси» (Ойбек шеърлари мисолида) мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади.

1997 йилдан бери Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва Адабиёт институтида катта илмий ходим, 2003 йилдан эътиборан Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг аъзоси, 2009 йилдан “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналлари бош муҳаррири.

Улуғбек Ҳамдам “Бадий тафаккур тадрижи”, “Янги ўзбек шеърияти” номли монографиялар, “Янгиланиш эҳтиёжи” илмий мақолалар ва суҳбатлар тўплами, «Ўзбек адабиёти тарихи» жилдлари учун «Шавкат Раҳмон» ва «Асқад Мухтор» (проф. Умарали Норматов билан биргаликда) адабий портретлар, “Ёлғизлик” қисса ва ҳикоялари, “Мувозанат” романи, “Исён ва итоат” романи, “Сабо ва Самандар” романи, “Узоқдаги Дилнура” қисса, ҳикоя ва шеърлари, “Тангрига элтувчи Исён”, “Атиргул”, “Сени кутдим” каби шеърий тўпламлар ҳамда Ж. Румийнинг “Ичиндаги ичиндаир” ва У.Туроннинг “Туркий халқлар мафкураси” асари таржималари муаллифидир.

Олимнинг юқоридаги тўпламларга кирмай қолган ўнлаб илмий мақолалари замонавий адабиёт ва адабий танқидчиликнинг турли долзарб масалаларига бағишланган.

“ИЧИНДАГИ ИЧИНДАДИР”

(асардан парча)

...Агар ҳар бир кўринган нарса кўрингани каби бўлсайди, жуда ўткир ва зийрак кўзлар соҳиби Пайғамбар: «Нарсани менга бўлгани каби кўрсат» – дея фарёд этмасди. У бу билан шундай демоқчи бўлади: Эй, Раббим! Аслида хунук бўлган нарсани гўзал, гўзал нарсани эса хунук қилиб кўрсатяпсан: бизга ҳамма нарсани қандай бўлса, ўшандай кўрсатгинки, тузоққа тушмайлик ва йўлимизни ҳеч вақт йўқотмайлик.

Энди сенинг фикринг ҳар на қадар гўзал ва порлоқ эса–да, униқидан яхшироқ бўлолмайди. Ўзингдаги ҳар бир фикр ва ҳар бир тасаввурга ишонма, ёлбор–да, кўрқ.

Чунончи, ҳатто кўшинлар юборган шу онимизда ҳам уларга (кўшинларга) ишонмаслигимиз ва талофотга учраб, кўркув ва ожизлик домига тушган вақтимизда эса Оллоҳдан умидимизни узмаслигимиз керак.

Пайғамбар юқоридаги оятни (сўзни) ўз мақсадига мувофиқ равишда айтди. Менинг ҳам айтмоқчи бўлган нарсам шу эди.

ФАСЛ. Биттаси: «Мавлоно ҳеч нарса демаяптилар» – деди. Мен дедим: «Бу одамни менинг хаёлим ҳузуримга келтирди ва менинг хаёлим унга: «Қалайсан, қандай аҳволдасан?» дея бир сўз сўйламади. Гапирмасдан хаёлим уни бу ёққа тортди. Агар менинг ҳақиқатим уни сўз айтишидан қайтариб бошқа бир жойга олиб борса, бунга нечун ҳайрон бўлиш керак экан?

Сўз ҳақиқатнинг сояси ва парчасидир. Модомики соя ўзига тортар экан, у ҳолда ҳақиқат янада яхшироқ жазб этади. Сўз баҳонадир. Бир инсонни бошқа бир инсонга тортган нарса сўз эмас, балки иккаловида мавжуд бўлган руҳий бирликдан бир парчадир. Агар бир инсон юз минг мўъжиза ва каромат кўрса, аммо унда валий ва набийга уйғун бир бўлак бўлмаса, бирлашмайдилар ва бунинг фойдаси ҳам йўқ. Уни валий ва набийга боғлаган, улар севгисини кўнглида орттирган нарса ўша омихта – ўрток парчадир.

Агар бир жисм таркибида оҳанрабо билан муштарак бўлган бир парча бўлмаса, у жисм ҳеч қачон оҳанрабо тарафига кетмайди,

яъни тортилмайди. Улар орасидаги бир хиллик гизли бир нарсадир, кўзга кўринмайди.

Инсон хаёлидаги нарса уни ўз орқасидан етаклайди. Масалан, боғ хаёли боққа, дўкон хаёли дўконга олиб боради. Фақат бу хаёллар ҳақиқатни яширади. Чунончи, бир нарсанинг хаёли сени ўзига тортди ва сен у томонга кетмоқдасан. Чунки хаёл сенга у нарсани гўзал қилиб кўрсатган. Бироқ келгач, пушаймон бўласан ва ўзинга ўзинг: «Буни яхши деб ўйлабман, аслида ундай эмас экан» дейсан. Шунинг учун ҳам хаёллар ичига кимдир яширинган чодирлар ўхшайди. Қачонки, хаёллар йўқолиб ҳақиқат юз кўрсатса, пушаймонлик ҳисси ҳам сени тарк этади: сени (ўзига) тортган ҳақиқат сени жалб этган ҳақиқатдан бошқа нарса эмасдир. «У кун яширин нарсалар ошкор бўлади» (Қуръон). Аслида жалб этган нарса биттадир. Фақат кўп кўринади. Ахир кўрмайпсанми, бир инсоннинг турли-туман юзларча орзуси бордир: «Шилпилдоқ истайман, қатлама истайман, холва истайман, ковурилган гўшт истайман, мева истайман, хурмо истайман» дер. Бу айтган нарсаларнинг асли битта, у ҳам бўлса, очликдир. Очлик ёлғиз бир нарсадир. Инсон овқатнинг биридан еб тўйгач, «бошқасини истамайман!» дейди. Бундан англашиладики, ўн ва юз сонлари йўқ, фақат бир бордир.

«Уларнинг ҳисобини (сонини) кофирлар учун азоб ва машаққат айладик» (Қуръон) дея буюрилгани каби бу инсонлар қаршисига ҳисобдек оғир бир иш чиқади. Масалан, бунга «Бир», наригиларга эса «юз» дейдилар, яъни валий учун «Бир» ва халқ учун «юз минг» дейдилар. Бу катта гуноҳдир. Валийни Бир, бошқаларни Кўп кўрмоқ кўриш ва англаш йўлини йўқотмоқдир, улкан фитнадир. Чунки сиз уларни кўп, валийни эса бир кўрмоқдасиз. «Уларнинг ҳисобини кофирлар учун азоб ва машаққат айладик» ояти шунинг учун буюрилди. Қайси юз, қайси эллик ва қайси бири олтмиш? Қўлсиз, оёқсиз, ақлсиз ва руҳсиз бир тўп инсонлар тилсим ва симом каби қайнаб турибдилар. Энди сен уларга олтмиш, юз ва ёхуд минг, бунга эса бир, де. Бу – янглиш. Балки улар ҳечдирлар ва бу бир деганинг минг, юз минг ва юзмингларча Бир ҳисобланади. Худди «Бизнинг қавм аҳолиси оз, аммо ҳужум қилинганда кўпаяди» деганларидек.

Подшоҳ бир аскарга юз кишилик маош тайин этганди. Бундан қолган аскарлар норизо бўлдилар. Подшоҳ ўз-ўзига: «Бир кун

келар, сизга кўрсатаман, ўшанда бунинг сабабини тушунасизлар», – дерди. Жанг куни келди. Аскарларнинг ҳаммаси қочди, ёлғиз у кишигина жанг қилди. Подшоҳ: «Мана шунинг учун мен унга кўп пул бердим», – деди.

Инсон ўзининг фарқлаш хоссасини ҳар турли ғараздан тозалаши ва диндан ёрдам қидириши лозимдир. Дин эгасини танийди. Фақат сен умрингни фарқ этиш хоссасидан маҳрум бўлган кимсалар билан кечирганинг учун билмайсанки, унинг яхшини ёмондан фарқ этиш васфи заифлашган ва энди динни, яъни инсоннинг ҳамроҳини таний олмайди.

Сен танани боқдинг, аммо унда фарқлаш хоссаси йўқдир. Фарқ этиш бир сифат. Ахир кўрмаяпсанми, жиннинг қўл–оёғи бор, фақат фарқлаш хусусияти йўқ. Фарқлаш сендаги латиф бир маънодир ва сен кечаю кундуз ундан маҳрум бўлган нарсани (яъни танани – тарж.) боқишга ҳаракат этмоқдасан. Унинг бу билан тирик эканлигини баҳона қилмоқдасан, ҳолбуки, бу ҳам у билан тирикдир. Бу қандай ишки, сен фарқлашдан тамоман маҳрум бўлгани боқдинг, вояга етказдинг ва вақтни вужудингни едириб–ичириш билан ўтказдинг–да, у латиф маънога, яъни фарқ этиш қудратига парвосиз бўлдинг! Сенинг тахмин қилганингдек, бу (тана) у (маъно) билан тирикдир, у бу билан эмас. У – нур, яъни латиф маъно бергувчи, кўз, қулоқ ва бошқа дерзалардан, агар булар бўлмаса, яна бошқа тирқишлардан ўзини кўрсатгувчи. Бу худди: «Қуёшни чироқ билан кўраяпман» деб, қуёш қаршисига чироқ келтириб қуйишга ўхшайди. Аслида, чироқ бўлмаса ҳам қуёш ўзини сенга кўрсатаверади. Чироққа нима ҳожат? Оллоҳдан умидни узмаслик керак. Умид – ишонч йўлининг боши. Йўлда юрмасанг ҳам доимо йўлнинг бошини кўзла. «Нотўғри ишлар қилдим» дема, тўғрилиқни тут. Ўшанда ҳеч қандай эгрилик қолмайди. Тўғрилиқ Мусонинг ҳассаси кабидир, эгрилик эса сеҳргарларнинг сеҳрига ўхшайди. Тўғрилиқ ўртага чиқиши билан уларнинг ҳаммасини ютади. Агар бир ёмонлик қилган бўлсанг, ўзингга ўзинг қилгандирсан. Сенинг ёмонлигинг ўзгага қандай таъсир қилади.

ШЕЪР: (Қара, анави тоғ бошига қўниб учган қуш тоғнинг нимасини орттирди ва нимасини камайтирди?)

Сен тўғри бўлсанг, уларнинг ҳеч қайсиси қолмайди. Эҳтиёт бўл, умид узма!

Шоҳларга яқин юрмоқ шу нуқтаи назардан таҳликали эмас, яъни хоҳ бугун, хоҳ эртага бўлсин, кетажак бош барибир кетади. Ушбу жиҳатдан эса хавфли: Шоҳларнинг нафси кучайиб бир аждарҳо сингари бўлади. Уларга яқин бўлиб, дўстлигини ҳимоя қилиб, молларини қабул қилган кимса мутлақо уларнинг раъйига кўра гап айтади. Ранжимасин дея, уларнинг номақбул ўй-тушунчаларини ёқтиради ва гапларини қайтаролмайдилар. Шунинг учун ҳамма вақт бир хавф мавжуддир. Чунки уларнинг (подшоҳларнинг) тарафи олинаркан, асл тараф сенга ёт – бегона бўлиб қолади ва бунинг динга зарари бордир. Сен у тарафни ҳимоя қилганингда, азиз бўлган бу тараф сендан юз ўгиради ва сен дунё аҳли билан қанчалик чиқишсанг, унинг сенга шунчалик ғазаби келади. «Оллоҳ золимларга ёрдам берган кимсага ўша золимни бало қилиб қўяди» (Ҳадис). Сенинг у томонга қараб кетишингнинг оқибати ҳам шундай. Чунки, модомики, сен у тарафни ҳимоя этаркансан, натижада уни ўз бошингга бало қилажакдир.

Денгизга бориб, ундан фақатгина бир кўза сув олмоқ билан қаноатланиш – ачинарли. Денгиздан олиш мумкин бўлган дур – жавоҳирлар ва бошқа қанчадан-қанча нарсалар бўла туриб, биргина сув олишнинг нима қиммати бор? Ақлли инсонлар бу билан қандай қилиб мақтанадилар ва нима деган одам бўладилар?

Олам – бир кўпик. Авлиёлар билимлари – денгиз. Денгизнинг дури қаерда?

Бу олам хас-хашак билан тўлган кўпикдир, фақат бу кўпик денгизнинг чайқалишидан, ўйноклашидан ва кўпириб қайнашидан покланади, софланади, гўзаллашади.

Хотинлару ўғиллар, қоп-қоп олтинлару кумушлар, наслдор отлару сурув-сурув мол-қўйлар, экинлар ва ҳоказо нарсалар одамлар хирсини қитиклайди. Буларнинг ҳаммаси дунё завқидир. Модомики дунё безатилган бўлса, унда ҳақиқий гўзаллик ва яхшилик йўқдир, бу гўзаллик унда муваққатдир ва ўзга бир ердан келган, демакдир. Дунё олтин қопламали сохта пул кабидир. Яъни қийматсиз кўпик бўлган дунё қалбдир (сохта, ёлғончидир – тарж.), аҳамиятсиз ва қадрсиздир. Унинг уст қисмини биз олтин билан сувадик. Мана шунинг учун ҳам инсонларни хотинлару ўғиллар, қоп-қоп олтинлару кумушлар, наслдор отлару сурув-сурув мол-қўйлар, экинлар ва бошқа нарсалар ўзига тортади, дея буюрилган.

Инсон Тангрининг устурлабидир (телескопидир – тарж.) Фақат бу устурлабни биладиган мунажжим лозим. Дехқон ёки баққолнинг устурлаби бўлгани билан уни ишлатолмагандан кейин нима фойдаси бор? Улар устурлабда кўринган фалаклар аҳволидан, ҳаракатларидан, буржларнинг ўзгаришлари–ю таъсирларидан нимани ҳам тушунардилар? Кўринадики, устурлаб мунажжим учун фойдалидир. Чунки «Ўзини билган Худосини ҳам билади» (Ҳадис). Шу нуқтаи назардан, устурлаб фалакнинг қандай кўзгуси бўлса, инсон вужуди ҳам Оллоҳнинг шундай устурлабидир. Чунки Қуръонда инсон тўғрисида: «Биз Одам ўғилларини азиз қилдик» дея буюрилган.

Улуғ Оллоҳ инсонни билимли, илмли ва олим қилиб яратгани учун инсон ўз борлиғининг устурлабида вақти–вақти билан Оллоҳ тажаллисини ва беназир гўзаллигини порлоқ бир ҳолда кўради. Бу Жамол мазкур кўзгуни ҳеч қачон тарк этмайди.

Азиз ва Жалил бўлган Тангрининг ҳикмат, маърифат ва каромат кийимларини кийдириб қўйган қуллари бордир. Халқнинг буларни кўра оладиган ўткир кўзлари йўқ бўлса ҳам Оллоҳ Таоло уларни қизғанади. Улар ҳам ўзларини худди Мутанаббининг: «Хотинлар ипак кийимларни безанмоқ учун эмас, балки ўз гўзалликларини қўримоқ учун кийдилар» деганидек (ҳикмат, маърифат ва каромат кийимлари билан) ўрайдилар.

ФАСЛ. (Биттаси) : «Кеча–кундуз қалбим ва жоним сизнинг ёнингизда, хизматингизда, фақат мўғулларнинг иши–ю ташвиши сабаб сизни зиёрат этишга келолмаяпман», деди. У: «Бу ишлар ҳам Ҳаққа тегишлидир. Чунки булар мусулмонлик ишончини таъминламоқда. Сиз улар кўнгилларини тинчлантириш ва бир қанча мусулмонларни ҳузур–ла хотиржам тоат–ибодат қилиши учун ўзингизни мол ва жонингиз билан фидо қилдингиз. Бу ҳам хайрли ишдир. Оллоҳу Акбар сизга шундай бир хайрли иш қилмоқ орзусини бергандир. Бунга жавобан қизиқишингизнинг ортиши – Тангрининг сизга бўлган иноятидан дарак. Агар орзуингиз заифлашадиган ёхуд озаядиган бўлса, бу сизни Оллоҳ иноятидан маҳрум бўлаётганингизга бир ишорат, демакдир. Демак, Улуғ Оллоҳ бундай буюк ва хайрли ишни инсон воситасида қилинишини, унинг савоб ишлашини ва даражаси юксалишини истамаяпти. Бу – иссиқ бир ҳаммомга ўхшайди. Ҳаммом иссиқлиги печкада ҳосил бўлади. Ўтин ва тезак кўринишдан ҳар на қадар

хунук—да жирканч бўлса ҳам, ҳаммомчи учун иноят ҳисобланади. Чунки улар туфайли ҳаммомчининг ҳаммоми исийди ва шу тариқа халққа хизмат қилади.

Шу пайт аҳбоб келди, (Мавлоно) узр сўради ва: «Агар сиз учун ўрнимдан турмаётган, сиз билан гаплашмаётган ва ҳол—аҳволингизни сўрамаётган бўлсам, бунинг сабаби сизни ҳурмат қилганимдир. Чунки ҳар бир нарсанинг ҳурмати ўша замонга мувофиқ бўлади. Намоз қилаётиб ота—онани, ака—укани, опа—сингилни сўраб—суриштирмак, шу йўсин эътибор қилмоқ тўғри эмас. Намоз вақтида дўстлар ва қариндош—уруғларга илтифот кўрсатмаслик, аслида, энг яхши илтифот ва кўнгил олишдир. Чунки сен улар сабаб ибодатдан, чуқур диний ҳолатдан айрилмайсан, ҳузур—ҳаловатингни бузмайсан ва бу билан улар ҳам гуноҳга ботмаган бўладилар. Мана шунинг учун ҳам инсонни гуноҳга ботирган, азобга гирифтор қилган балодан чекинмоқ илтифот ва кўнгил олмоқдир. Чунки уларга жазо берувчи нарсадан қочилгандир» — дея буюрди.

Улардан бири: «Оллоҳ олдида намоздан—да яхшироқ бўлган нарса борми?» деб сўради. У: «Ҳамнамоз бордир, аммо намоз фақатгина суратдан иборат эмас. Бу намознинг қолипидир. Ахир намознинг боши на сўнгги маълуму мавжуддир. Ибтидоси ва интиҳоси бўлган ҳамма нарса қолипдир. Такбир — намознинг аввали, салом эса охиридир. Худди шундай, шаҳодат ҳам фақат тил билан айтилган нарса эмас. Унинг ҳам боши ва охири мавжуд. Боши ва охири бўлган ҳамма нарса сурат ва қолипдан иборат бўлади. Унинг руҳи беқиёс ва бениҳоядир, аввал—охири йўқдир. Бу намозни набийлар топган ва майдонга келтирган. Набий: «Менинг Оллоҳ билан шундай бир вақтларим бўладики, унга на Тангри томонидан жўнатишган бир Пайғамбар ва на Тангрига энг яқин бўлган бир фаришта сиғади» (Ҳадис) дея буюради. Демак, намознинг моҳияти фақат ётиб—туришдан иборат бўлмай, балки истиғроқ, яъни ўзидан кечиш эканлигини билдик. Чунки барча суратлар ичкари киролмай, ташқарида қоладилар, ҳатто Жаброилдай пурҳикмат малак ҳам у ерга сиғмайди.

Олимлар султони, оламнинг кутуби бўлган Мавлоно Боҳо—ул Ҳақ Ваъд Дин (Оллоҳ унинг улуғ руҳини муборак айласин!) ҳақида шундай бир ҳикоя ривоят қилинади. Бир куни асҳоби уни истиғроқ ҳолида учратдилар. Намоз вақти яқинлашгани учун муридлардан

баъзилари «Намоз вақти бўлди» деди. Мавлоно эътибор бермади. Муридлар намозга кўзгалдилар. Фақат улардан иккитаси шайхларига эргашиб, намозга турмадилар. Намоз қилаётганлардан Хожагий исмли бир мурид қалб кўзи орқали намоз ўқиётганларнинг орқалари билан, шайх ва икки муриднинг эса юзлари билан қиблага йўналиб ўтирганларини кўрди. Чунки шайх «мен» ва «биз» даъвосидан воз кечди ва унинг «мен»лиги фано топди. Борлиғидан ҳеч нима қолмади. «Ўлишдан аввал ўлингиз» (ҳадис) хикмати Оллоҳ нурида ҳалок бўлди. Энди унинг ўзи Оллоҳнинг нури бўлди. Ҳар ким орқасини Оллоҳ нурига ва юзини деворга ўгирса, у орқасини муҳаққақ қиблага ўгирган бўлади. Чунки у аллақачон қибланинг жони бўлгандир. Ахир инсонлар қибласини Пайғамбар танламаганми ва у (қибла) оламнинг қиблагоҳи бўлмаганмиди? У ҳолда Пайғамбарнинг ўзи қибла бўлса, янада мувофиқ бўлади. Чунки қибла унинг учун қибла бўлгандир.

Мустафо (Оллоҳнинг салот ва саломи бўлсин) бир дўстини «Сени чақирдим, нега келмадинг» дея қойиди. У: «Намоз қилаётгандим» деди. Шунда Пайғамбар: «Яхши, аммо мен сени чақирмадимми?» дейиши билан у: «Мен бир бечораман» деб жавоб берди.

Пайғамбар унга буюрдики: «Қудратли бўлган вақтингда ҳам ўзингни ожиз ҳис этган пайтингдагидек бечора кўрмоғинг – яхши. Чунки сенинг қувват ва қудратинг устида бир қудрат бордир». Сен барча ҳолларда Ҳаққа маҳкумсан. Икки бўлак эмассанки, баъзан чорасиз, баъзан қудратли бўлсанг. Унинг қудратига боқ ва ўзингни ҳар вақт қўлсиз, оёқсиз ҳамда бечора кўр. Заиф одамларни қўя турайлик, ҳатто арслону қоплон, тимсоҳу ва ҳоказолар ҳам унинг қаршисида ҳечдир ва Тангридан кўрқиб титрайдилар. Ерлар, кўклар... ҳамма–ҳаммаси ожиздир. Уларнинг барчаси у (Тангри)нинг ҳукмига асирдирлар. У буюк подшоҳдирки, зиёси ойу қуёшнинг нурига ўхшамайди. Унинг зиёсини алмаштириб бўлмайди ва у магар, пардасиз ҳолида юз очса, на кўк, на ер, на қуёш ва на ой қолади...

ХАЙРУЛЛА ҲАМИДОВ



Хайрулла Худоевчи Ҳамидов 1963 йил 1 майда Қашқадарё вилоятида туғилди. 1989 йил Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтини тамомлади. 1988-1992 йиллар РРТАПИ Ёшлар Иттифоқи ташкилотини бошқарди. 1992-1994 йиллар ЎзДЖТУ Қиёсий типология ва таржима назарияси кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1994-1997 йиллар ЎзДЖТУ аспирантурасида ўқиди. 1995-1999 йиллар Туркия Республикаси Истанбул Университети Адабиёт факультетида “Славян тиллари ва адабиётлари” кафедрасида стажер-тадқиқотчи ва ўқитувчи лавозимларида ишлади.

1999-2011 йиллар ТошДШИнинг Туркиёт кафедрасида ўқитувчи ва катта ўқитувчи лавозимларида ишлади. Турк тили, турк тили лексикологияси, стилистикаси, таржима амалиёти ва бошқа фанлардан талабаларга сабоқ берди. 2009-2010 йиллар ўриндошлик асосида ТошДШИ магистратура бўлими бошлиғи, 2010-2011 йиллар институт Бирлашган қасаба уюшма қўмитаси раиси бўлиб ишлади. 2011 йилдан буён ТошДШИда янги очилган Таржима назарияси ва амалиёти кафедрасини бошқариб келмоқда (2012 йилдан кафедра мудир лавозимига тайинланган).

Х. Ҳамидов ҳозирги турк тили грамматикаси, имлоси, лексикологиясига оид ўқув қўлланмалар ҳамда тилни ўргатишга мўлжалланган ўқув-услубий қўлланмалар муаллифидир. Турк тили фразеологияси, таржимашуносликнинг турли масалаларига бағишланган 40га яқин илмий мақоласи Ўзбекистондаги илмий журналлар, тўпламлар, шунингдек, Туркия республикасида нашр этиладиган нуфузли журнал ва тўпламларда чоп этилган.

Х. Ҳамидов кўп йиллардан бери бадиий таржима билан ҳам шуғулланиб келади. Унинг таржималари ўзи тузган ўқув-услубий қўлланмалари ва хрестоматияларга киритилган. Ўзбек тилидан турк тилига қилган таржималари (Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов ва Улуғбек Ҳамдам асарларидан намуналар) 2013 йилда нашр этилган “Özbek Edebiyatı’nın Seçme Eserleri” ва “Özbek Edebiyatı’nın Seçme Eserleri. 2. Bölüm. Said Ahmad. Hikayeler” номли китоблардан жой олган.

ЛАЁҚАТ ВА ОЖИЗЛИК²⁸

Афрўз, азизим, қирқ кундан бери қандай роҳат-фароғат ичида яшаётганимни билсанг эди... Бу ерда на бир сас бор, на бир садо!.. На бир дўст, на бир душманни учратасан бу маконда!.. Чарчоғимдан асар қолмаган. Бу ерда юракларни адо-и тамом қиладиган, юзни заъфарон, лабни барги хазонга айлантирадиган, қоп-қора сочларнинг бевақт тўкилиб, оқаришига сабаб бўладиган “ҳирс” деган бедаво асаб хасталиги йўқ. Бу шундай бир маконки, жаннат дейсан!

Уйку – ором, ҳатто туш кўриш – инсонга бегона. Дераза ёнидаги баланд дарахтда тунайдиган оқ хўрознинг тонг сахарда “пат-пат” канот қоқишидан уйғонасан ва ўрнингдан қўзғалмасдан бабақ хўрознинг маъсуд, тиниқ ва мардона кичқиришини тинглаб, “яна бир пас ётақолай” дейсан...

Кунингни эриган биллур мисол тўлғониб оққан сўлим сойнинг ёқасида кеч қиласан. Эҳ, бу биллур сой... Хўв ана у қалин ўсган дарахтлар орқасида яширинган жаннат чашмаларидан отилиб чиқиб, қаердалиги номаълум, олисдан олис, тупроғи тумандан яралган парилар мамлакатининг зумрад соҳилларини ёқалаб кетган биллур сойни бир кўрсанг эди... Кўзинг билан кўрганларинг ҳамон руҳингда акс этади. Бу манзарани бир тўйиб томоша қилсанг... Ундан сўнг қаён боқма – кўкда сузган оппоқ булутларгами, ям-яшил дарахтзорлар орасида ўтлаб юрган сигир-бузоқларгами – ўша шарқираб оққан биллур сойнинг давомини кўргандай бўласан. Шаҳарда дўст отган тошдан дарз кетган шикаста қалбингдан бутун андухлар сизиб чиқиб кетади; дардларинг атрофингни ўраган манзарага қоришиб, оқиб кетади; камалак ранглари бир талай номсиз рангларга йўғрилиб, биллур тус олади...

Куни кеча эрта сахардан яна сой бўйига тушди йўлим. Шу қадар хузур, шу қадар сукунат ҳоким эдики у ерда, сал диққатимни тўплаб кулоқ тутсам, юрак уришим ҳам аниқ эшитилиб турарди... Шу пайт бирдан орқамдан кимдир “Ҳой,

²⁸ Seyfettin, Ömer, Sivrisinek, hikâye, Bütün Eserleri, 1. Efruz Bey, Bilgi Yayınevi, İstanbul, Ocak 1990., S. 166-172.

Аҳмад оғанинг меҳмони!”- деб чақириб қолди. Ўгирилиб қарадим. Рўпарамдан бир жандарма хизматчиси турар эди:

– Сизга хат бор, мана!.. – деди.

– Менгами? Адашмаяпсизми?.. – дедим шошилиб. Чунки Истанбулда ҳеч ким менинг бу ерда эканлигимни билмас, ҳатто хотинимнинг ҳам бундан хабари йўқ эди. Жандарма хизматчисининг кўлидан хатни олиб, қарадим. Хат, чиндан ҳам менга ёзилган эди. Зарф²⁹ни очганимоқ кўзим сенинг имзоингга тушди. Йўқса ўқимасдан йиртиб, ташлаб юборишим аниқ эди. Чунки бу ерга келгач, ўзимга-ўзим бир сўз ўқимаслик ва бир ҳарф қораламасликка аҳд қилгандим. Лекин қандай қилиб, азизим Афрўз, сен битган мактубни ўқимаслигим мумкин?!

* * *

Жандарма хизматчиси кетиши билан яна сой бўйига бориб чўкдим. Мактубингни ўқий бошладим. Ўқиган сайин қирқ кундан буён руҳимдан кўзларимга кўчган биллур оқим аста-секин тўхтаётгандай эди. Кўз олдим қоронғулашди. Бўм-бўш сандиққа ўхшаб қолган қалбим яна ғам-андухга тўла бошлади. Кошкийди мен ҳикоя қилган бу тасодиф ҳеч юз бермасайди. Бу заҳарханда гаплар, шикоятлар умрида бир мартагина дам олиш учун шаҳардан юлқиниб чиқиб, бир неча кунгинага қишлоққа қочиб келган мендай бир бечорага равомиди? Ёки умрида бир маротабагина она табиатнинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб боққан кўзлар, унинг покиза нағмаларини тинглаб, бир лаҳзагина тасалли топган қулоқлар учун бу фарёдларни эшитиш лозимиди?

Энди ўзингдан кўр, Афрўзим! Бу ишинг учун мендан оладиганингни фоизи билан оласан. Тайёр тур.

Билишимча, бошингга яна бир иш тушган. Эсингдами, буюк шахсларга, ҳатто мухтарам устозларга ҳақоратлар ёғдирганинг? Бу қандай разолат?! Бу қандай пасткашлик?! Мен сенга ҳар доим “Сен одамларга аҳамият берма. Улар бунга арзимаиди, – дердим, – ахир одамлар денгиз тўлқинларига ўхшайди, гоҳ пишқиради, гоҳ тинчиб қолади. Денгиз – муҳим, у - абадий. Денгиз – жамият дегани. Тўлқин, яъни инсонлар эса, ўткинчи, вақт-бевақт келиб кетувчилардир. Озгина фалсафани ишга солган киши денгиз тўлқинларининг баъзан қоялар янглиғ юксалиши, баъзан кўчки

²⁹ конверт

каби энишини қанчалик англай олади? Илм-ирфони, ахлоқ-одоби, маълумот савияси сеникидан паст бўлган кишиларнинг юксак мавқеларга эришаётганлигини ёзибсан. Бу ғоят табиий ҳол. Чунки сенда йўқ нарса уларда бор. Бу – лаёқат... Унинг олдида на сенинг илм-ирфонинг, на истеъдодинг, на ахлоқ-одобинг, на маълумот савиянг ип эша олади. Мана шу сўзларимни ўқиганингда бошингни чайқаб: “Нима, менда лаёқат йўқми?” – деб ўйланиб қолишинг аниқ.

Мендан хафа бўлишинг мумкин, азизим Афрўз. Миянгдаги шубҳали ўйларни қувиш учун очиғини айтишга мени ўзинг мажбур қилдинг:

“Сенда лаёқат деган нарсанинг ўзи йўқ!”

Балки “Менда лаёқат йўқлигини сен қаердан биласан?” деб сўрарсан! Эшит. Сенга исботлаб бераман. Эсингдами, Руштияда эканимизда бизга “мантиқ”дан сабоқ берган домламиз бўларди. Унинг шундай бир ўгити бор эди:

– Илм дегани таъриф демакдир, болаларим. Агар биров сизга бирон нима айтса-ю, ўша нарсани унинг ўзи билиш-билмаслигини аниқламоқчи бўлсангиз, қўллаган таъбирларини унинг ўзига таъриф ва тавсиф эттиринг. Сўранг, изоҳ этсин. Ўшанда унинг илмли ёки жоҳил эканлигини билиб олиш қийин эмас.

Ёшлик давримда ўрганганим шу усулни мен сенга нисбатан бир неча марта татбиқ этдим. Ҳар гапингда нақарот каби қўллашни яхши кўрадиган “Маданият, шахс, жамият, тарих, таҳаддус, таркиб, таҳлил, илоҳ...” каби атама ва таъбирлардан биронтасини чала-чулпа, ярим-янглиш бўлса ҳам изоҳлаб бера олмагансан.

Бир нарса ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни “Шеър нима эканлигини ҳеч ким таъриф эта олмайди”, – деб қолдинг. Эсладингми? Фақат “лаёқат” бунақа илмий таъбир эмас. У олтинга ўхшайди. Кимнинг олтини бўлса, ўша одам уни яхши билади, бемалол таъриф эта олади. Бу барчага кундай равшан. Масалан, бир банк ходимидан “Лира нима?” – деб сўрасанг, у дарҳол “лира – юм-юмалоқ, сариқ металл пул” – деб жавоб бериши тайин. Чунки бундай оддий саволга жавоб бера олмаслик учун ақлсиз ҳайвон бўлиши керак. Энди, Афрўзгинам, модомики (қара, сени қанчалик яхши биламан!) ҳалиям бошингни чайқаб,

ичингда “Вой, ҳали мен лаёқатсизманми?” деб жаҳлинг чиқиб, ўйланиб қолдинг, сенга савол: “Лаёқат ўзи нима?”

Қани, жавоб бер!.. Жавоб бер!.. Жавоб!..

Ана кўрдингми, азизим, жавоб беролмайсан. Ақлинг ҳайрону, тилинг лол. Чунки билмайсан. Зеро, ўзингда йўқ, ҳатто борлигини ҳаёлингга ҳам келтирмаган нарсани қайдан ҳам билардинг! Қўявер, майли, бу сафар лаёқатнинг нима эканлигини қулоғингга қуймоқчи ҳам, билимдонлигимни кўз-кўз қилмоқчи ҳам эмасман. Фақат, сенда лаёқат йўқлигини яна бир карра исботлаб бермоқчиман, холос.

“Лаёқат”нинг қарама-қарши маъноси “оғизлик”дир. Кимки оғиз бўлса, у фирибгар, тажовузкор, осий ва намоийшкордир. Бир сўз билан изоҳланадиган бўлса, лаёқатсизлик “ғайримамнунлик”дир. Дон Кихот каби шамол тегирмонига қарши қилич кўтаради бундай кишилар. Шошма, мени яхшилаб тингла. Айтган ҳар бир сўзимга асло осиламан дема!

Демак, “оғиз” сўзининг муқобили “қудратли”, лекин “қудратли” сўзининг қарама-қарши маъноси “заиф”дир. “Лаёқат” “қудрат”дан анча юқори, анча улуғвор, анча юксак тушунчадир. Агар “қудрат” вужуд бўлса, “лаёқат” – рухдир. Тушундингми, азизим Афрўз! Сенда лаёқатнинг йўқлиги оғизлигингдан маълум. Оғизлигингни эса алдамчилигинг кўрсатиб турибди.

Чунки алдамчилик, фирибгарлик оғизликнинг энг аниқ аломатидир. Агар ҳақиқатни билмоқчи бўлсанг, бунини сенга исботлашдан олдин, кичик бир ҳикоя айтиб берай.

Баъзан оқшомлари меҳмон бўлиб турган уйимнинг айвонида чоллар тўпланиб олиб суҳбат қуришарди. Шунақанги латифалар айтишадикки бу чоллар, қўяверасан. Бу маконда мунозаралар оғзаки олиб боришар, гўё бир “қулоқ дорилфунуни” эди бу ер, яъни китоб-дафтарсиз илм олиш мумкин эди бу мактабда... Айнан сен хоҳлаган “китобсиз илм”, фақат ишқибоз кишигина эга бўла оладиган илм бор эди бу ерда. Ўтган кеча “Шамол ва чивин” деган бир латифа айтишди. Ҳозир ана шу латифани сенга ёзиб юбормоқчиман. Бир ўқиб, қандай оғиз, қандай бечора алдамчи одам эканлигингни ўзинг кўриб қўй. Кўрсанг етади, бош қотиришинг шарт эмас.

* * *

“Кунлардан бир кун дунёдаги мислсиз куч-қудратнинг кўз билан кўриб, қўл билан тутиб бўлмас руҳи саналган қаҳрамон шамол қир-адирлар, гул-ғунчалар, арчазор ўрмонлардаги дарахтлардан тўплаган хушбўй исларни чор-атрофга таратиб, майин-майин эсиб келаётган эмиш. Йўлда ўзининг бутун кучи, танасининг муҳим ажралмас қисми бўлган мудҳиш нишини ҳар жонзотга санчиб тажовуз қилиб юрадиган чивинга дуч келибди. Чивин шамолга бошдан оёқ тикилиб қарабди ва хохолаб кулибди.

Қаҳрамон шамол “Ҳар ҳолда менга кулмаётган бўлса керак”, – деб ўйлаб, унга эътибор ҳам бермай эсиб ўтиб кетибди. Лекин чивин шамолнинг устидан кулишни тўхтатмабди. Бу ҳам етмагандай, сўкинишга ўтибди. Шамол лаёқатлиларгагина хос бўлган улуғвор совуққонлик билан секинлашиб тўхтабди. Сўнгра аста орқасига қайтиб, чивинга рўбарў бўлибди. Оғир-босиқ товуш билан чивиндан сўрабди:

- Менга куляпсанми?
- Ҳа, сенга...
- Менинг устимдан куляпсанми?
- Ҳа, сенинг устингдан куляпман.
- Сўкаётганинг ҳам менми?
- Ҳа, сен.

Қаҳрамон шамол ожиз чивиннинг бунчалар бетакаллуф ва густоҳлигига даставвал ҳайрон бўлибди, сўнгра эса унга раҳми келибди. Кейин тилга кириб шундай дебди:

– Бу қандай жасорат? Сен аклингни еб қўйибсан! Агар бир эсадиган бўлсам, парча-парча бўлиб сочилиб кетасанку?!

- Менми?
- Ҳа, сен...
- Кулгимни қистама, агар бир учишга тушсам борми, қаршимда тура олмайсан, сичқоннинг ини минг танга бўлади.
- Менгами?
- Ҳа, сенга...
- Шу жуссанг билан мени қочира оласанми?
- Ҳа, жуссам ёқмаяптими сенга? Сенда шунақа жусса ҳам йўқку?!

– Мен шамолман, менда тана йўқ. Кўзга кўринмас қудрат, тезлик бор. Агар бир ҳаракатга келадиган бўлсам, тўфон, бўрон, пўртаналарга айланаман. Шунчалик кучайиб кетаманки, қудратим

олдида энг мустаҳкам, энг оғир нарса ҳам дош беролмай парчаланиб, вайрон бўлади. Денгизу уммонларни бир-бирига қориштираман, дарёлар ўзанидан чиқади, тоғларни турган жойидан кўпориб ташлайман, болта кўрмаган ўрмонзорларни чалғи кирган пичанзорга ўхшатиб ўриб ташлайман.

– Вой-вой-вой, кўркитвордингку мени, - дебди чивин яна шамолнинг устидан ҳақоратомуз кулиб.

Агар менинг жаҳлим чиқар бўлса, биласанми!.. Шундай деб чивин бўлмағур лофларни қопларга жойлаб, яна шамолни оғизга олинмас сўзлар билан ҳақоратлашга давом этибди. Шунда олижаноб шамол тезликни сал оширибди. Шамолнинг олдида тушиб, “виз-виз” дея мувозанатини йўқотиб, ўзини тутта олмай учиб бораётган чивин йўлда бир том кўрибди ва унга ёпишиб жон сақламоқчи бўлибди. Сакраб, томдаги икки ёғоч тўсин орасига кириб яшириниб олибди. Шунда ҳам, шамолнинг устидан қаҳ-қаҳ отиб кулишдан қолмабди. Жаҳли чиққан шамол янада кучлироқ эса бошлабди:

– Гуув, гууув...

Янада шиддатли:

– Гууув, гуууув...

Ундан-да шиддатли:

– Гуууув, гууууув...

Лекин ёғоч тўсинлар орасига яхшилаб ўрнашиб олган чивинни ўрнидан кўзғата олмабди қудратли шамол. Шиддатланиб, бўронга, сўнгра пўртанага, ниҳоят қудратли тўфонга айланибди. Томни силкита бошлабди. Кулишдан тўхтаб жон қайғусига тушган чивин даҳшатдан қилган густоҳлиги учун афв сўраш ўрнига:

– Эй, сен, тарбиясиз шамол! Нима қияпсан ўзи? Мени бир камбағалнинг кулбасини вайрон этишга мажбур қияпсан, - деб бақирибди.

Тушундинг-а!.. Шундай қудратли тўфон вайрон эта олмайдиган бир кулбани қилдан ингичка бир чивин вайрон қилишга мажбур бўлаётган эмиш.

Қиссадан ҳисса шу: Ожиз одам ҳар доим алдамчи, фирибгар бўлади. Мана, азизим Афрўз, сен кимсан! Сенинг маънавий қиёфанг ана шу чивинникига ўхшайди. Сенинг дастлаб қиладиган

ишинг лаёқатнинг нима эканлигини билиб олиш. Сўнгра унга эга бўлиш. Шикоят, норозилик, куфрдан фойда йўқ. Бир шоир: “Қурбақалар каби фарёд этманг!” – деган экан. Бу ўғит уни тўғри англаган киши учун бебаҳо хазинадир. Сен фақат тингла. Унингни чиқарма...

Мени, ҳеч бўлмаса шу сокин қишлоқда, ана шу биллур сойимнинг бўйида бир неча кун тинч қўй. Зеро, қудратли табиатнинг гўзал, мухташам салобати, улуғворлиги қаршисида секин-аста юксалиб бораётган **РУХ** олдида ожизликнинг талвасаси жудаям чиркин, жудаям разил кўринар экан...

ШЕРМУРОД СУБХОН



Шермурод Шеркулович Субхонов (Шермурод Субхон) 1966 йил 6 мартда Бухоро шаҳар Моҳи Хосса пасёлкасида туғилган. 1983 йилда ўрта мактабни битирган. 1984–1986 йилларда Венгрияда ҳарбий хизматда бўлган. 1986–1988 йилларда аввал Навоий ун заводида, сўнгра Бухоро ун заводида техник ходим бўлиб ишлаган. 1988–1992 йилларда ТошДУ (ҳоз. ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетида ўқиган. 1992–1996 йилларда Истанбул Университети Адабиёт факультети магистратурасида таҳсил олган. 1997–2006 йилларда Тошкент Давлат шарқшунослик институтида турк тили ва адабиёти фанларидан дарс берган. 2008 йилдан “Гулистон” журналида муҳаррир, масъул котиб, бош муҳаррир ўринбосари вазифаларида ишлаган. Ҳозирги кунда айна журналда бўлим муҳаррири вазифасида ишламоқда.

Шермурод Субхон қатор китоблар нашр этган. Булар жумласига “Ўзбек модерн шеърияти” баёзи (ҳаммуаллифликда), “Шеърият иқлими” илмий мақолалар ва таржималар тўплами, “Оқ соя” (Ўроз Ҳайдар), “Давсаман” (Баҳром Рўзимухаммад), “Сайёҳ сатрлар” (Шермурод Субхон) номи остида уч ўзбек шоири шеърларини ўз ичига олган тўпламнинг турк тилига таржимаси, “Сокин сўз суврати” шеърлар тўплами киради.

Ўтган йиллар ичида Шермурод Субхон турк ва рус тилларидан ўзбек тилига бадий асарлар таржима қилган. Пришвиннинг “Амир Темур ёқути” асари (рус тилидан), Турк ёзувчиси Меҳмет Ўндернинг “Мавлоно” асари, “Турк постмодерн шеърияти” ва “XX аср турк шеърияти тадрижи ёхуд бир мисолу уч масала” – турк шоирлари шеъриятидан таржималар (турк тилидан) шулар жумласидандир.

МЕНИНГ ИСМИМ – ҚИРМИЗИ
(романдан парча)

Мен энди ўликман, кудукнинг ичидаги бир жасад. Охирги бор нафас олганимга, юрагимнинг тўхтаганига кўп вақт бўлди. Бироқ, олчоқ қотилимдан бошқа ҳеч ким бошимга нималар тушганини билмайди. У разил мени ўлдирганига тўла ишонч ҳосил қилиш учун, аввал нафас олишимга ва томиримнинг уришига кулоқ тутди, сўнгра кўксимга бир тепди—да кудукқа ташлади. Бироз олдин тош билан уриб синдирган бош чаноғим кудукқа тушаётганимда парча—парча бўлди. Юзим, манглайим, ёноқларим эзилди, суякларим синди, оғзим қонга тўлди.

Тўрт кун бўлди уйга қайтмаганимга; хотиним, болаларим мени излаётган бўлсалар керак. Қизим юм—юм йиғлаб, боғ томонга кўз тикаётгандир: Ҳаммасининг кўзи йўлда, эшикдадир.

Ҳақиқатдан ҳам эшикдами, буни аниқ билмайман. Балки менинг йўқлигимга кўниккандирлар. Чунки инсон бу ерда экан, орқада қолган ҳаёти аввалгидек давом этаётгандек туюлади. Мен туғилмасдан олдин олдимда чексиз бир вақт бор эди. Мен ўлгандан кейин ҳам тугаб битмайдиган вақт! Ҳаётлигимда ҳеч ўйламасдим буларни: нур ичида яшардим, икки қоронғу ва ўт оралиғида.

Бахтли эдим, бахтли эканман, энди англаяпман. Подшоҳимизнинг наққошхонасида энг яхши безак, тилла суви юритиш ишларини мен бажарардим ва менга тенг кела оладиган бошқа бир уста ҳам йўқ эди. Саройдан ташқарида қилган ишларимдан ойида тўққиз юз ақча қўлимга тушарди. Булар ҳам табиийки, ўлимимни муқаррар қилган.

Фақатгина нақш ва безак ишлари билан шуғулланардим: саҳифа четларини безар, ичи ва атрофларига рангли япроқлар, новдалар, гуллар, қушлар расмини чизардим. Бурама—бурама Чин усулли булутлар, бир—бирига қалашиб кетган барг, рангли ўрмонлар ва унинг ичига яширинган жайлонлар, кўп эшаккли катта кемалар, подшоҳлар, дарахтлар, саройлар, отлар, овчилар... Илгарилари баъзан бир лаган ичига нақш чизардим. Баъзан бир кўзгунинг орқасига, бир қошиқ ичига, баъзан бўғоз атрофидаги ҳашаматли бино ва қасрларнинг шифтига, баъзан бир сандиқнинг

устига... Сўнгги йилларда эса, фақатгина китоб саҳифалари устида ишлаётган эдим, чунки подшоҳимиз нақшли китоблар учун кўп пул берар эди. Ўлимга дуч келгач, пулнинг ҳаётда ҳеч ҳам аҳамияти йўқлигини тушуниб етдим, демоқчи эмасман. Инсон ҳатто тирик бўлмаган пайтда ҳам, пулнинг қийматини билади.

Энди бу ҳолимда, менинг овозимни эшитаётганингизга қараганда, бу мўъжиза олдида шундай ҳаёлларга боришииғизни биламан: тириклигингда қанча пул топишингни қўй энди, бизга у ерда кўрганларингдан гапир, ўлимдан сўнг нима бор? Рухинг қаерда? Жаннат ва Жаҳаннам қандай? У ерда нималарни кўрмоқдасан? Ўлим ўзи нима экан? Жонинг қийналмаяптими? Ҳақлисиз, инсон ҳаёт экан, «у томон»да нималар бўлишига жуда ҳам қизиқишини биламан. Биргина шу қизиқиши туфайли, қонли жанг майдонларида жасадлар орасида кезинган кимсанинг ҳикоясини сўзлаб берган эдилар... Жон талашаётган ярадор аскарлар орасида ўлиб, қайта тирилган кишига дуч келаман, у эса, мени нариги дунёнинг сирларидан воқиф этади деб, жанг майдонини кезиб юрган бу одамни Темурнинг аскарлари душман тусмоллаб, қиличнинг зарби билан иккига бўлибдилар. У эса, одам ўлгандан сўнг иккига бўлинаркан, деб ўйлабди.

Бунақамас. Ҳатто дунёда иккига бўлинган рухлар бу ерда бирлашади, деб айта оламан. Аммо, динсиз кофирларнинг, осийларнинг ва шайтонга бўйсунган куфрбозларнинг иддаоларига қарши, шукурки, у дунё ҳам бор. У ердан туриб, сизга хитоб қилаётганим бунинг исботидир. Ўлдим, бироқ кўрганингиздек, йўқ бўлмадим. Бошқа бир томондан, Қуръони каримда таъкидланган, остидан сувлар оқиб ўтувчи жаннатдаги олтин ва кумуш қасрларга, мевалари ҳил–ҳил пишган катта япроқли дарахтларга, бокира гўзалларга дуч келмаганимни айтишга мажбурман. Ҳолбуки, Воқеа сурасида айтиб ўтилган Жаннатдаги у катта кўзли хурлар расмини кўп бора қандай завқ билан чизганимни ҳозир жуда яхши эслайман. Қуръони каримда эмас, Ибн Арабий каби тасаввури кенгларнинг қайд қилганлари: сут, шароб, ширин сув ва асал оқиб турувчи у тўрт ирмоққа ҳам дуч келмадим. Ҳақли равишда, у дунёнинг умид ва ҳаёллари оғушида яшаётган кишиларни ишончсизликка етакламаслик учун, буларнинг барчасини ўзимнинг шахсий аҳволим билан боғлиқ эканини дарҳол маълум қилмоқчиман. Ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақида биров бўлса–да,

маълумоти бор бўлган ҳар бир мўъмин, менга ўхшаган бир беҳаловатнинг жаннат ирмоқларини кўриши қийинлигини билади.

Қисқаси, наққошлар сафида ва устозлар орасида Зариф Афанди деб аталган киши - мен ўлдим, аммо кўмилмадим. Бинобарин, руҳим танимни бутунлай тарк этолмади. Жаннатми, жаҳаннамми, нима бўлса ҳам, тақдирим. Руҳим у ерларга яқинлаша олиши учун танамнинг кирлигидан холи бўлиши керак. Бошқаларнинг бошига ҳам тушган бу истисно аҳволим, руҳимни чексиз қийноққа солади. Бош чаноғим парча-парча бўлиб, танамнинг ярми муз каби сувда синиқ ва яралар ичида чириётганини сезмаяпман, аммо танамни тарк этиш учун чирпинаётган руҳимнинг қаттиқ оғриғини ҳис қиляпман. Гўё бутун олам менинг ичимда бир ерда сиқилиб, тораймоқда.

Бу торайиш ҳиссини фақатгина у шафқатсиз ўлим пайтида туйганим, - ҳайратга солувчи кенглик ҳисси билан қиёслай оламан. Ҳеч кутмаганим - тош зарбидан бош чаноғим четидан синганида, у олчоқ мени ўлдирмоқчи эканини дарҳол тушундим. Биров, ўлдиради деб сира ўйламагандим. Наққошхона билан ўлим орасидаги сўлғин ҳаётимни яшарканман, бунинг ҳеч ҳам фарқига бормаган эканман. Ҳаётга талпиндим доим. Бошимга тушган бошқа зарбларнинг дардини айтиб, сизларнинг жонингизга тегмай, тағин.

Ўлишимни англаган пайтимда, ичимни ишониб бўлмас бир кенглик ҳисси чулғади. Кечиш онини бу кенглик ҳисси билан яшадим: бу ёққа келишим гўё туш кўраётгандек силлиқ кечди. Энг охирида, олчоқ қотилимнинг лой аралаш қорли оёқ кийимларини кўрдим. Кўзларимни ухлаётгандек юмдим ва ёқимли бир кўчиш ҳисси қанотида бу ерга келдим.

Эндиги шикоятим, тишларимнинг қонли оғзимга лавлаги каби тўкилишидан, юзимнинг таниб бўлмас даражада эзилишидан, ёки қудуқ тубида сиқилиб қолишимдан эмас, аксинча ҳамон яшаяпти деб ўйлашларидан. Айниқса, мени яхши кўргаилар у Истанбулнинг бир четида, ҳали ҳам, телбаларча бир юмуш билан оввора, ҳатто бошқа бир аёлнинг ортидан эргашиб юрибди, деб ўйлашлари беҳаловат руҳимга чексиз азоб беради. Бироз бўлса ҳам жасадимни эртароқ топсинлар, жанозамни ўқиб, мени кўмсинлар энди! Энг муҳими, қотилим топилсин! Хоҳласалар, у олчоқ топилмагунча энг муҳташам мозорга кўмсинлар мени. Топилишини мозорим

теварагида айланиб–айланиб кутишимни, ҳатто ҳеч бирингизга ишонмаслигимни билишингизни истайман. Қотилим бўлган у ҳароми болани топинг. Мен эса сизга у дунёда кўрадиганларимни бирма–бир айтиб бераман. Аммо, қотилим тоиилгач, суякларидан саккиз–ўнтасини, айниқса, кўкрак суякларини аста–секин қисирлатиб синдиришингиз, сўнграда сочларини бир–бир юлиб, махсус сих билан бош чаноқ терисини шилиб, бақиртириб тешишингиз керак.

Мен бунчалар адоват туйган ўша қотилим ким, ҳеч кутилмаган бир тарзда мени нега ўлдирди? Буларга қизиқинг.

Дунё беш чақага арзимайдиган олчоқ қотилларга тўла, қай бирини айтай демоқчимисиз? Ундай бўлса, сизни ҳозирданок огоҳлантираман: ўлишимнинг ортида динимизга, одатларимизга, дунёқарашимизга қарши компас бор. Кўзингизни очинг, Ислом душманлари мени нега ўлдиришди, бир кун келиб, сизни нега ўлдиришлари мумкинлигини билиб олинг. Барча сўзларини кўзимда ёш халқаланиб тинглаганим буюк воиз арзирумли Нусрат Хўжанинг айтганлари бир-бир тўғри чиқяпти. Бошимизга тушганлар ҳикоя килиниб, бир китобга ёзилса ҳам, ҳатто энг уста наққошлар томонидан асло расмини чизиб бўлмаслигини айтай сизга. Бу китобнинг жозибаси худди Қуръони каримдагидек, тагин янглиш тушунилмасин, асло расм ишлаб бўлмаслигидан ҳам келиб чиқади. Буни тушунганингиздан шубҳадаман.

Қаранг, мен ҳам шогирдлигимда туб ҳақиқатдан, у ёқлардан келган товушлардан кўрқиб, бунга эътибор бермас эдим. Аксинча, бундай нарсаларни мазах қилардим. Охиратим бу разил қудуқнинг туби бўлди! Бу сизнинг ҳам бошингизга тушиши мумкин: кўзингизни катта очинг. Энди яхшилаб чирисам, жирканч ҳидимдан мени балки топарлар, дея умид қилишдан ўзга чорам йўқ. Ҳамда разил қотилим топилгач, исканжага олинишини ўйлаш — орзу қилишдан бошқа.

МЕНИНГ ИСМИМ – ҚОРА

Истанбулга, туғилиб ўсган шаҳримга ўн икки йил сўнгра, бир ойпарастдек кириб келдим. Ўладиганлар учун тупроқ тортди, дейдилар, мени эса ўлим тортганди. Шаҳарга илк кирганимда, аввалида, фақатгина ўлим бор, деб ўйлаган эдим, кейин эса севгига

дуч келдим. Бироқ, севги у пайтда, унутилган бир туйғу эди. Ўн икки йил олдин Истанбулда холамнинг ёш қизига ошиқ бўлгандим.

Истанбулни тарк этганимдан тўрт йил сўнгра, Ажам ўлкасининг битмас–туганмас қирларида, қорли тоғларида ва кадарли шаҳарларида кезиб, мактуб ташиб, солиқ тўпларкан, Истанбулда қолган ёш севгилимнинг юзини аста–секин унутганимни ҳис қилдим. Хавотирга тушиб, бу юзни эслашга кўп ҳаракат қилдим, аммо қанчалик севсангиз, кўрмаганингиз сари аста–секин унутар экансиз. Шаркда, мусофирчиликда, подшоҳларнинг хизматида бўлганимнинг олтинчи йилида, хаёлимда жонланган юз Истанбулда қолган севгилимнинг юзи эмаслигини билардим энди. Олтинчи йилда янглиш эслаганим юз, кейинроқ, саккизинчи йилда янада унутилиб, бошқа бир юз ифодасини олди. Ўн икки йилдан сўнг, ўттиз олти ёшимда шахримга қайтганимда, севгилимнинг юзини бутунлай унутганимни афсусу надомат ила эслайман.

Дўстларимнинг, қариндошларимнинг, маҳалламдаги танишларимнинг кўпи бу ўн икки йил ичида ўлган эканлар. Халич томондаги қабристонга бордим. Онам ва йўқлигимда ўлиб кетган амакиларим ҳаққига дуо қилдим. Лой тупроқнинг хиди хотираларимга қоришиб кетди. Онамнинг қабри четида кимдир кўза синдирган экан. Негадир синиқ бўлақларга қараб йиғлагим келди. Ўликларгами ёки шунча йилдан сўнг, қизик бир ҳолатда, ҳали ҳам ҳаётнинг бошида бўлганим учунми, ва ёки аксинча, ҳаёт сафарининг охирига келганимни ҳис қилганим учун йиғладимми, билмайман. Билинар–билинмас қор учқунлай бошлади. У ер бу ерга ёғётган қорга тикилиб, ўйга толиб, йўлимни йўқотган эдимки, бир вақт қарасам, қабрнинг Қоронғи бир чеккасида қора ит менга боқиб турибди.

Кўз ёшларим тинди. Бурнимни артдим. Қора итнинг менга қараб думини ликиллатаётганига тикилганча, қабристондан чикдим. Кўп ўтмай, ота томондан қариндошимизнинг илгари яшаган уйларида бирини ижарага олиб, маҳаллага ўрнашдим. Уй бекаси жангда Сафавий аскарлари томонидан ўлдирилган ўғлига ўхшатди мени. Шунинг учун бўлса керак, у аёл уйга алоҳида тартиб бериб, овқатларимни пиширарди.

Истанбулда эмас, дунёнинг бир чеккасидаги араб шаҳарларидан бирида вақтинча жойлашиб, шаҳар қандай жой экан,

деб ҳайратлангандек, кўчага чикдим. Узоқ ва тўйиб–тўйиб юрдим. Кўчалар торайганми, ёки менга шундай туюлдим, баъзи ерларда бир–бирларига ёнма–ён узанган уйлар орасида тор кўчаларда устига юк ортилган отларга урилмаслик учун деворларга, эшикларга уриниб–суриниб юришга мажбур бўлдим. Бойлар кўпайганмиди ёки менга шундай туюлдим, ҳашаматли машина кўрдим. Бунақаси на Арабистонда, на Ажамда бор: машина гўё мағрур отлар тортган бир қалъага ўхшарди. Чамбарлитош ёнида, товук бозоридан анқиётган сассиқ хидга бурқсиб, бир–бирига тикилиб ўтирган, эски–тускилар орасида орсиз тиланчиларни кўрдим. Бири кўр эди, ёғаетган қордан завқ туйиб, тинмай куларди.

Олдинлари, Истанбул анча кичик, одамлари эса янада фақир, бироқ бахтлироқ эди, десалар ишонмасдим балки, аммо, ҳозир қалбим буларни тасдиқлаб турарди. Ортда қолган севгилимнинг уйи арғувон ва каштан дарахтлари билан ўралган эди. Эшик олдида турганлардан сўрадим, у ерда энди бошқа бир кимса яшар экан. Севгилимнинг онаси — холам ўлган, поччам билан қизлари эса, бошқа ёққа кўчиб кетибдилар. Қалбингизни ва хаёлларингизни шафқатсизларча таптаганларини ҳеч ҳам фарқига бормаган эшик олдидаги одамларнинг айтганига қараганда, қариндошларимнинг бошларига оғир бир мусибат тушган экан. Сизга энди, буларни ҳикоя қилиб ўтирмайинда, эски боғдаги арғувон дарахтининг новдаларида жим–жилоғим катталигида муз бўлаклари осилиб турганини ёхуд иссиқ, ям–яшил ва қуёшли ёз кунларини эслаганим ушбу боғ кадардан, қордан ва қаровсизликдан инсоннинг хаёлига ўлимни келтирганини айтиб қўя қолай.

Қариндошларим бошларига тушган кулфатларнинг баъзисини поччам менга, Табризга йўллаган мактубидан билардим, зотан. Мактубида поччам мени Истанбулга чақириб, подшоҳимиз учун сирли бир китоб тайёрлаётганини ва бу ишда унга ёрдам беришимни сўраган эди. Менинг бир пайтлар Табризда Усмонли пошшо – вазирлари, валийлар ва Истанбулдаги мижозлар учун китоблар тайёрлатганимни поччам эшитган эди. Табризда қиладиган ишим: китоб буюртма берган мижозлардан олдиндан пул олиб, уруш ҳамда Усмонли аскарларининг дастидан ҳали ҳам шаҳарни тарк этмай, Ғазвинга ва бошқа Ажам шаҳарларига кетмаган наққош ва ҳаттотларни топиш, шунингдек, пулсизлик ва қадр топмаганликларидан арз қилувчи бу буюк устозларга

саҳифаларни ёздириб, нақш чиздириб, жилд қоплатиб, китобни Истанбулга йўллаш эди. Ёшлигимда поччам менга нақш ва гўзал ки– тоб тайёрлаш ҳавасини уйғотмаганида эди, бу ишларга ҳеч ҳам қўл урмаган бўлардим.

Бир пайтлар поччам яшаган кўчанинг бозорга қараган томонида жойлашган дўконда, уста ҳали ҳам иш жойида эди. Девор атрофида ҳар галгидек устаралар, кўзачалар, совун идишлари билан ўралган ўша катта ойна турарди. Кўз кўзга тушди, аммо, уста мени танидими, йўқми билмайман. Шифтдан осилиб турган занжир учида, бош ювиш учун иссиқ сув тўлдириладиган идишнинг олдингидек ёйсимон айланиб, орқа–олдинга тебранганини кўриш мени масрур қилди.

Ёшлигимда мен кезган баъзи маҳаллалар, кўчалар, бу ўн икки йил ичида ёниб, кулга айланибди. Уларнинг ўрнида энди, итлар кезиб, болаларни кўрқитадиган жинниларнинг қаровсиз ерлари пайдо бўлибди, ҳамда мен каби узоқдан келганларни ҳайратга солувчи ҳашаматли меҳмонхоналар қурилибди. Баъзи меҳмонхоналарнинг деразаларига энг қиммат Венеция ромлари ўрнатилган эди. Менинг йўқлигимда Истанбулда баланд деворлардан ҳам юксак, шунингдек, пештоқида фонус ўрнатилган жуда кўп икки қаватли уйлар қурилганини кўрдим. Бошқа кўпгина шаҳарлардаги каби Истанбулда ҳам, энди пулнинг қадр–қиймати қолмаган эди. Мен ҳали шарққа отланмаган йилларда бир ақчага тўрт юз дирҳамлик каттагина нон сотган новвойхоналар, эндиликда худди шу пулга унинг ярмини ва ҳаттоки бунинг устига таъми болаликни сира ёдга солмайдиган нонни беришарди. Раҳматли онам ўн иккита тухум учун бугун уч ақча бериш кераклигини билсайди, «енг шимариб» товуқлар бошимизга ахлатини тўкмасиданок, тезда бу ердан бошқа ёққа қочайлик, деган бўларди. Аммо, биламанки, ҳеч бир ерда пулнинг қадри қолмаган. Фламинго, Венециядан келган савдо кемалари сандиқ–сандиқ сохта пулларга тўлалиги ҳақида гапиришарди. Зарбхонада авваллари юз дирҳам кумушдан беш юз ақча тайёрланган бўлса, ҳозирда Сафавийлар билан тугаб битмаган урушлар сабабли саккиз юз ақча тайёрланаётган экан. Усмонли аскарлари олган ақчалари кўприк остидан ўтаётганда тушиб кетганида денгизга тўкилган куруқ ловиялар каби сув юзига балқиб чиққанини кўриб, исён қилиб, подшоҳимиз саройини душман қалъасидек ўраб олган

эдилар. Боязид жомеъ масжидида ваъз айтган ва ўзини ҳазрати Муҳаммад авлодларидан бўлган сайидлардан эканини маълум қилган Нусрат исмли воиз ҳам мана шу ахлоқсизлик, қимматчилик, турли жиноятлару, талон–тарож пайтида ном қозонган эди. Арзирумий исмли воиз сўнгги ўн йил ичида, Истанбулни остин–устун қилган барча фалокатлар, Боғчақопи ва қозончилар маҳалласи ёнғинлари, шаҳарда ҳар тарқалишида ўн мингларча одамни ёстиғини қуритган вабо, Сафавийлар билан кечган жангда жуда кўп қурбон берилганига қарамай, бир натижага эришилмагани, шунингдек, ғарбда насронийларнинг исён кўтариб, кичик Усмонли қалъаларини қайтиб олишлари ва буларнинг барчасини Қуръони карим ҳукмларидан узоқлашиш, Ҳамда насронийлар яхши кўрилиб, очиқчасига шароб сотилиб, хонақоҳда чолғу чалиниши билан изоҳларди. Менга Арзирумли воиз ҳақида ҳаяжон билан сўзлаб, берган тузлама, сотувчисининг гапларига қараганда чорсу бозорини босиб кетган сохта ақчалар, Венеция усулида зарб қилинган сохта тилла дукатлар¹, шер расми акс эттирилган сохта флоринлар², кумуши тобора камайган ақчалар гўё кўчаларни тўлдирган черкез, абхаз, мингер, бошноқ, гуржи ва арманилар каби инсонларни ахлоқсизликка етаклаётганмиш. Ахлоқсизлар, исёнкорлар қаҳвахоналарда тўпланиб олиб, тонггача ғийбат қилишармиш.

Ёқимли бир уд товушини эшитдимми ёки менга шундай туюлдим, хаёлимнинг паришонлиги захар тузлама сотувчининг гапларига ортиқ чидай олмаган менга бир нажот йўлини аён этдим билмайман, билганим, бир шаҳарни ёқтирсангиз у ерни кўп кезасиз ва йиллар ўтиб, у шаҳарнинг кўчаларини фақат руҳингиз эмас, тапангиз ҳам шундай таниб қоладики, оёқларингиз ўз–ўзидаи сизни энг ёқтирган тепалигингизга олиб чиқиб қўяди.

Шундай қилиб, Налбанд бозоридан чиқиб, Сулаймония жомеъ масжидининг ёнгинасидан Халич кўпригига ёққан қорни томоша қилдим: шимолга қараган томларда, куббаларнинг четида қор ҳозирдан тўпланганди...

2008 йил

¹ Дукатлар – Венеция пул бирлиги.

² Флоринлар – Нидерландия пул бирлиги.

ШАҲИНАХОН ИБРОҲИМОВА



Шаҳина Бобохоновна Иброҳимова, 1974 йил 6 июлда туғилган. Маълумоти олий. 1991 йилда Тошкент шаҳридаги 209–ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетининг Турк тили ва адабиёти бўлимига ўқишга кирган. 1996 йилда ўқишни имтиёзли диплом билан битириб, филолог, ўзбек–турк тили ва адабиёти ўқитувчиси мутахассислигига эга бўлган. Иш фаолиятини дастлаб 1992 йил Ўзбекистон телерадиокомпанияси “Ватандош” хорижий эшиттиришлар бўлимида дикторлик лавозимидан бошлаган. 1999 йилдан эътиборан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Туркий тиллар кафедрасида турк тили ва адабиётидан талабаларга сабоқ бериб келмоқда.

Ш. Иброҳимова 2010 йил “Одил Ёқубов асарларида миллийликнинг ифодаланиши масалалари” мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Турк тили ва адабиёти, турк тили ўқитиш методикасига оид 30 дан ортиқ илмий мақола ва ўқув қўлланмалар муаллифи.

У Туркия матбуотида Ўзбекистон, Ўзбекистон матбуотида Туркия маданияти ва санъати, ёзувчи–шоирлар, таржимонларнинг фаолиятлари ҳақида кўплаб илмий мақолалар эълон қилган. Турк ёзувчиси Э. Гунгорнинг “Тарихда турклар” номли китобини ўзбек тилига, ўзбек эртакларидан намуналарни турк тилига таржима қилиб, Туркияда “Қардош қаламлар” журналида чоп эттирган. Туркия, Кипр, Россия, Польша ва Ҳиндистонда ўтказилган халқаро илмий анжуманларда иштирок этган.

2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси, 2008 йилда Ҳиндистон ҳукумати грантларини қўлга киритиб, Ҳиндистоннинг Ченнаи (Мадрас) шаҳридаги Халқаро Институтда “Таълим ва иш юритишда компьютер технологияларидан фойдаланиш” курси бўйича ўз малакасини ошириб қайтган.

Оилали, икки фарзанд онаси.

АСЛО ЙИҒЛАМА...

Сахар....

Уйни қайғу босган. Ҳатто эшиклар, жовонлар ҳам ҳузн билан очилиб, ҳузн билан ёпилгандай бўлади. Радиодан ҳам ҳузн тўла ашула эшитилади. Деворлар, гуллар, расмларда ҳам қайғу акси бор. Нонуштада ҳам овқат эмас, ғам ейилаётганга ўхшайди.

Нонуштадан кейин уйдаги икки бола биринчи маротаба кўчага чиқиш, велосипед учиш учун хархаша қилишмайди. Бу болалар бу тонг бирданига улғайиб қолгандай. Биринчи марта уришмасдан, тортишмасдан бир жойда тинч ўтиришибди. Одоб сақлаган ҳолда катталарнинг гапини бўлмайдилар. Буйруқларни “сен қил, мен қил” демай, шу заҳоти бажо келтиришади. Улар бугун жуда маюс. Қаноти қайрилган кушдай жовдиришади.

Тушлик вақтида ҳам қайғу ҳукмрон. Ҳеч кимда иштаҳа йўқ. Фақат соатнинг чиқиллаши эшитилади холос. Дастурхон атрофига йиғилмасдан буруноқ барчанинг қорни тўйган. Одат юзасидан наридан бери овқатланган бўлишади, лекин овқат устига яна ҳузн нафаси уради. Ликопчалардаги овқатлар еб бўлинмай дастурхондан турилади.

Уй бекаси идиш–товоқ юваётиб ўзини тўхтатолмайди, йиғлайди. Бу сассиз садосиз йиғидир. Ўзини тутишга харчанд уринмасин, бир зумда чаккалари ҳўл болади. Қўли сувда, билаги билан кўзёшларини артади. Ўзи билмаган ҳолда ора–сирада бурнини тортиб кўяди.

Эркак хотинининг бурун тортишидан йиғлаётганини сезади. Юраги баттар эзила бошлайди. “Нима қилсам экан?” деб ўйлайди. Лекин қўлидан ҳеч нарса келмайди.

- Тайёрмисизлар, – деб сўрайди болаларидан

- Нимага?

- Кураш тушмаймизми?

Болаларнинг қайғуси тарқагандай бўлади. Иккаласи ҳам кулимсираб, бирданига:

- Тайёрмиз, – дейишади.

Олдингиларидан бошқача, қоидалари бутунлай ўзгариб кетган кураш бошланади. Ота болаларини аяйди, болалар оталарини... “Икки киши бир кишининг худоси” дея ота болаларига енгилиб

бермоқчи бўлади. Ўз навбатида болалар ҳам отасига енгилишни хоҳлайдилар. Бу орада ошхонада йиғлаётган онанинг бурун тортишлари эшитилмайди. Бу курашни давом қилдириш учун етарли сабаб. Кураш она идиш–товоқларни ювиб, мева олиб келгунича давом этади.

Узум нордон, олхўри қуртлаган, нок қаттиқ, шафтоли чириган. Бугун меванинг мазаси, ранги, ҳиди, яни ҳеч бири иштаҳани қитиқламайди. Бугун бу уйдаги ҳеч нарса иштаҳа очолмайди. Ҳузн ҳамма нарсанинг мазасини учиргандай. Мева тўла лаган яна опкетилади.

Хонадон энг ҳузли, энг маюс кунларини бошидан ўтказмоқда. Айтадиган гап қолмаган. Ё гаплашадиган гап қолмаган, ёки қайғудан барчанинг тили тутилган. Ота ғайриихтиёрий равишда қайғуга ботган фарзандларига ачиниб тикилади. Қани ўша болаларча беғубор саволлар? Қани ўша болаларча хурсандчилик, болаларча тумтайишлар... Болаларча шўхликлар қайда қолди?...

Ота оғир муҳитни бир оз бўлса–да ўзгартирмоқчи бўлади:

- Ажабо, радиода нима бор экан–а?

Икки бола бирданига сакраб туради. Радиони кичиги очади. Радиодан ажойиб бир мусиқа таралади, лекин оҳанг руҳиятни кўтариш ўрнига баттар эзади.

- Ўчиринг, – дейди ота.

Радио ўчирилади.

Муҳит ҳеч ўзгармайди. Лекин нима қилиб бўлсаям муҳитни ўзгартириш керак. Ҳеч бўлмаганда борган сари эзаётган оғир сукунатни бузиш керак. Болаларни қайтадан болалигига қайтариш керак. Нима қилиб бўлса ҳам ҳузнни енгиш керак. Болаларнинг кўзларидаги маюсликни йўқотиш керак.

Ота болаларидан сорайди:

- “Ким урди”ни ўйнайликми, “Қўл устида кимнинг қўли бор?”ни ўйнайликми?

Она болалардан олдин жавоб беради:

–Вақт қолмади.

Бу заҳардан ҳам аччиқ ҳақиқатдир. Бу аччиқ ҳақиқат олдида бутун ўйинлар тўхтатилиши керак.

Оёққа қалқишади.

Кийиниш, соч тараш сингари охирги ишлар битирилгач, кечасиёқ тайёрлаб кўйилган жомаданга кулф урилиб, кўчага чиқилади.

- Автобусда кетамизми, ота?

- Ёқ, таксида, болам.

Аммо ҳеч ким севинмайди. Бу гал авваллари “такси” сўзини эшитибок севинчдан “Урее!!!” деб хайқирадиган болаларнинг юзларида ҳеч қандай ўзгариш сезилмайди. Болаларнинг болалигидан узоқлашгани отани ҳам, онани ҳам ташвишлантиради. Уй билан вокзал ўртасидаги масофа тугайди, аммо хузн ва маюслик тугамайди. Кўзларга қалқиб келаётган ёшлар тўхтамайди.... Аччиқ аччиқ хўрсинишлар тугамайди... Сукунат тугамайди...

Вокзалда тумонат одам. Халойиқни оралай–оралай еттинчи вагоннинг ёнига келишади. Ота жомаданини ерга қўйиб, сигарета ёндиради. Уйдаги ғам вокзалга ҳам етиб келган. Оиланинг тўрт аъзоси бир–бирига боқишни, гаплашишни хоҳламайди. Ота устма–уст сигарета тортаркан, халойиқни кузатади.

Турли тоифадаги одамлар бор бу вокзалда. Оналар, оталар, болалар... Кўзлари порлаган, кўнгиллари орзуга тўла фарзандлар, ўғзидан дуо тушмайдиган, кўнгилларини қайғу босган оналар, ҳасратдан чарчаган, лекин ҳеч нарсани сездирмайдиган оталар... Чунки улар оиланинг устуни, барчанинг каттаси. Фақат ич ичдан унсиз йиғлай олиши мумкин ота... Вокзалда яна дўстлар, севишганлар, унаштирилганлар, эндигина уйланган ёшлар... Ўйчан, юрган, югурган, суҳбатлашаётган юзларча кишилар... Ота–она, ака–ука ҳасратида ёнаётган юзлаб болалар...

“Бу миллат нега бундай аҳволга тушди? Йигирма йил чидадик, яна йигирма йил чидай олаимизми? Гаримдорини асал, қулликни қутилиш деб ўйладик... Оналаримиз бева, болалаларимиз етим қолди... Пул бердик, қўлга илинадиган неки бўлса олишди. Сиқиб сувимизни ичишди, ўзлигимизни йўқотдик... Буни у жаноблар билмайдими? Агар билишса, бу вокзал, бу мусофирлик йўлини тутган бу халойиқ нимаси? Нимага мен бу ердаман... Нимага фарзандларимнинг боши ҳам. Воҳ! Ёғсиз ош, қаттиқ нон кемириб миннат қилмаган онагинам... воҳ!..”

Ота тутакқанидан тутакди. Қахр—гаъзабдан сўнг кўзларига ёш келган ота бирданига ўзига келади. У ота, чидаши керак... Хотини, фарзандлари ёнида, кўз ёшини кўрсатиши керак эмас.

Аёл меҳр билан юкларни жойлақтирган жомаданга кўз тикиб турибди. Аслини олганда жомаданни кўрмаяпти, ўйга толган. Кўз очиб юмгунича ўтиб кетган олти ҳафталик вақтни ўйлаётган бўлса керак. Остонадан ҳатлади дегунча, Оллоҳга шукр қилиши, фарзандларига “Ҳалиям уйдამисизлар? Катта йигит бўлиб қолиб ҳарбий хизматга кетган бўлсангиз керак деб ўйладим” дейишлари қишлоқ, боғ, дала, Истанбул, ороллар, Бўғоз, Тўпқопи, Дўлмабоғча, Султон Аҳмад, Мовий Вокзал ёли... Энди ҳамма ҳаммаси тушга ўхшайди. Уйқудан уйғониш вақти келди. Туш поёнига етди. Айрилиқ, йиғлаш вақти келди. Лекин нима бўлганда ҳам кўз ёшларни тутиши керак. Йиғлаш мумкин эмас. У йиғласа, болалари хўнграб юборишади... Эрининг феълини билади, кўз ёшларига дош бера олмайди. Ўзини тутиши керак. Йиғлаш керак эмас... Чидаш керак...

/Қарзга ботмаганимизда отамиз кетармиди? / Энди, етар—етишмовчилик, балки кетарди асалим / кетмасди / кетмасликнинг иложи борми, кўзим бизда машина ҳам йўғу? Отам машинаям олади / менга уй бўлса бас, машинанинг кераги йўқ / машинани хоҳламайдиган одам борми, тентак.../

Вақт оз қолган.

Ота рафиқасининг юзига маюс қарайди:

— Жамоданни жойлаштирай, — дейди.

— Жамоданни олиб, вагоннинг очиқ эшигидан ичкарига кириб кетади. Она ва болалар ёлғиз ўзлари қолишади. Болалар ҳаяжон билан оналарининг юзига қарашади:

— Ҳозир қайтиб келади, — дейди она. — Ўтган йил бола эдингиз, роса йиғлагандингиз. Энди катта бўлиб қолдингизлар, йиғлаш йўқ... Йиғласангиз ҳам, йиғламасангиз ҳам отангиз кетишга мажбур. Агар йиғласангиз отангизни беҳуда ранжитган бўласизлар. Бунинг устига йиғлашга сабаб ёкку, ахир... Хўп?

Болалар:

— Хўп она, — дейишади.

Йиғламасликка ваъда берадилар.

Ота келади. Жомаданини жойлаштириб қатган. Поезд қўзғалишидан бир—икки дақиқа олдин қайтса бўлди.

– Айланайлик, – дейди.

Еттинчи вагондан узоқлашмай айланишади. Отанинг насихатларини жим–жит эшитишади. Ота аёли ва фарзандларини айрилиқ онларига тайёрлайди.

Халойиқ борган сари сийраклашади. Йўловчиларнинг кўпчилиги вагонга чиққан, ойна олдида... Кузатувчилар бўлса ойна олдида ғуж бўлиб юқорига қараб туришибди. Вагон ойнасини тушириб, ташқаридагилар билан гаплашаётган йўловчилар ҳам бор. Зўрма зўраки кулимсираётган кишилар мунча кўп бўлмаса...

Охирги эълон эшитилади.

Поезд ҳаракатга ҳозир.

Она, ота, фарзандлар еттинчи вагоннинг эшиги олдидалар. Ота сўнгги марта фарзандларига кўз ташлайди. Фарзандлар ва аёл ҳам сўнгги марта унга кўз ташлайди.

– Бўпти, болаларим, яхши қолинглар. Оллоҳ ўз паноҳда асрасин. Хат ёзиб туринглар...

Эгилиб кичик ўғлининг чаккасидан ўпади. Кичик ўғилнинг кўзлари ёшга тўлади. У унсиз, ҳаракатсиз, қотиб қолган. Онасига берган ваъдасини ҳам унитиб йиғламоқда...

Навбат ўзига етганини сезган тўнғич ўғил бирданига отасининг қўлига ёпишади, олдин ўпади, сўнггра пешонасига суркайди. Сассиз садосиздир. Ҳатто “Яхши боринг ота” деб айтишга мажоли йўқ. Ота эгилиб, унинг ёноқларидан ўпади. Отанинг лаблари намланади. Катта ўғил ҳам ваъдасида тура олмаган. Тўнғич ўғилнинг йиғлаши ҳам кенжаникига ўхшаш, унсиз, эркакчасига йиғлашдир...

Ота энг охирида аёли билан хайрлашади. Юзига қарай олмайди. Юзига қарашга жасорати, кучи қолмаган. “Ўзингни ва болаларни асра” дегиси келади, аммо айтолмайди. Фақат бўғиқ товушда билан “Оллоҳга топширдим сизларни” дея олади холос.

Вагонга чиқиши керак. Ўгирилади... Вагонга сакрайди. Яна икки сония кечикса, йиғлаб юбориши турган гап. Лекин у ота, йиғламаслиги керак, зиммасида катта масъулият бор, ичидагини билдирмаслиги керак. Йиғлаши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бир–икки сония олдин вагонга сакраши керак. Тамбурда ўзини босиб олиши керак. Шундай ҳам қилади... Кейин бориб ойнанинг ёнига ўтиради. Ўзини босиб олиб, деразадан ташқарига қарайди...

ЛОЛАХОН АМИНОВА



Лолахон Алимовна Аминова 1975 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 1992–1997 йилларда Тошкент Давлат Университети Ўзбек филологияси факультети Турк тили ва адабиёти бўлимида таҳсил олган.

1997 йилдан эътиборан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Туркий тиллар кафедрасида аввал ўқитувчи, кейинчалик доцент лавозимида ишлаб келмоқда. 2003 йил “Турк ёзувчиси Яшар Камол асарларида бадиий маҳорат масалалари” мавзuida номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 2006–2007 йилларда Жанубий Кореянинг Пусан шаҳридаги Чет тиллари университетида турк ва ўзбек тилларидан дарс берган. Турк тили ва адабиёти, турк тили ўқитиш методикасига оид 20 дан ортиқ илмий мақола ва ўқув қўлланмалар муаллифи. Яшар Камолнинг “Илонни ўлдирсалар” қиссасини, Умар Сайфиддиннинг “Қашлагич” ҳикоясини ўзбек тилига таржима қилган.

ҚАШЛАҒИЧ

Оғил ёнида ўйнаганимизда, пастда, кумуш ранг толнинг тагида кўринмай оқаётган сойнинг маҳзун шилдирашини эшитиб турардик. Уйимиз ички ҳовлининг улкан каштан дарахтлари ортида кўринмай кетарди. Онам Истанбулга кетганлари учун мендан бир ёш кичик укам Ҳасан билан иккимиз Дадаруҳнинг ёнидан кетмас эдик. Дадаруҳ дадамнинг отбоқари, қари киши эди. Отларни яхши кўрганимиз учун саҳарда уйғонишимиз биланок оғилга чопардик. Дадаруҳнинг ёнида бўлиб отларни суғориб келиш, уларни миниш завқ бағишларди. Ҳасан бўлса қўрқар, ёлғиз минолмасди. Дадаруҳ отга миниб уни олдига ўтказиб оларди. Халталарга арпа солиш, ем тўрваларни ўтга тўлдириш, оғилни тозалаш, гўнг ташиш – энг қизик ўйиндан ҳам ортиқ, бизнинг жону дилимиз эди. Отларни қашлашни айтмайсизми? Энг завқлиси шу эди! Дадаруҳ қўлига қашлағични олиб, соат товушидай қитирлата бошлаши билан, тамом, жойимда туролмас, «Мен ҳам қашлай» деб ҳоли жонига қўймасдим. Шунда Дадаруҳ мени Тўсин исмли отга миндириб, қўлимга қашлағични берар ва «Қани қашла!» дерди.

Бу темир асбобни йилқининг терисига қиртишлаган бўлардим, бироқ ўшандай қитирлаган товушни маромига етказиб чиқаролмасдим.

– Қуйруғини ликиллатяптими?

– Ҳа ликиллатяпти.

– Қани бир кўрай...

Бўй чўзиб қарасам ҳам отнинг сағрисида думи кўринмасди. Ҳар куни эрталаб оғилга келишим билан «Дадаруҳ, мен қашлай», деб ялинардим.

– Йўқ, уддалай олмайсан.

– Нима учун?

– Ҳали ёшсан, шунинг учун!

– Эплай оламан!

– Катта бўлгин, кейин...

– Э, қачон!

– Бўйинг отга етганида!

.....

Оғил юмушларидан фақат отни қашлашни эплотмасдим. Бўйим отнинг қорнига ҳам етмасди—да! Ҳолбуки, энг завқли, энг зўр нарса шу эди. Қашлағичдан чиқаётган қитирлаган товуш Тўсинга ёқаётгандай кулоқларини қимирлатар, думини шокиладай ликиллатарди. Қашлашни тугатай деб қолганда эса гўё, жахли чиқар, ўшандай пайтда Дадаруҳ «хўйт» деб сағрисига енгил тарсаки туширарди ва бошқа отни қашлай бошларди.

Бир куни уйда ёлғиз қолдим. Ҳасан билан Дадаруҳ сой ёқасига тушиб кетишган. Отни қашлаш истаги ҳеч тинчлик бермасди менга. Қашлағични қидириб тополмадим. Оғил бурчагида Дадаруҳнинг дарчасиз кулбаси бўларди. Кулбага кириб токчани титкилай бошладим. Эгарларнинг орасини ҳам қарадим. Йўқ. Ҳеч қаерда йўқ. Ётоғининг тагида яшил тахтали сандиқ турган экан. Уни ҳам очдим. Ниҳоят... Севинчдан ҳайқираёздим. Онамнинг бир ҳафта бурун Истанбулдан юборган совғалари орасида факфон қашлағичи ял—ял ёниб турарди. Қашлағични олдимۇ Тўсиннинг ёнига югурдим ва қорнига ишқай бошладим. Тўсин негадир тоқатсизлана бошлади. «Оғрияпти чоғи» деб ўйладим. Кумушдай товланаётган бу чиройли қашлағичнинг тишларига узоқ тикилдим. Кўринишдан жуда ўткир. Тишларини бироз ўтмас қилиш мақсадида девор тошига ишқалай бошладим. Тишлари ўтмас бўлиб қолганидан сўнг, қашлағични яна синаб кўрмоқчи бўлдим. Барибир, отлар тинч туролмай безовта бўларди. Тутоқиб кетдим. Аламинини қашлағичдан олмоқчи бўлиб, нарироқдаги булоқ оғзига югурдим. Қашлағични ялоқ тошга кўйдиму ердан оғир бир тош топиб, устидан тез ура бошладим. Истанбулдан юборилган, афтидан, Дадаруҳ ишлатишга кўзи қиймай, асраб юрган бу чиройли қашлағични эзиб, ялоқнинг ичига ташлаб юбордим.

Эрталаблари отам ташқарига чиққанида оғилга кириб, у ер — бу ерни кўздан кечирарди. Мен оғилда ёлғиз эдим. Ҳасан эса уйда, хизматчимизнинг ёнида эди. Отам булоқни томоша қилаётиб ялоқ ичидаги синган қашлағични кўриб қолди ва Дадаруҳга караб бақирди.

— Бу ёққа кел!

Нафасим тикилиб, кўрқиб кетдим.

Отам синган қашлағични илкига тутиб, буни ким қилди, дея Дадаруҳдан сўради. Дадаруҳ таажубланиб:

Билмадим, деб жавоб қилди.

Отамнинг кўзи менга тушиши билан, ҳали сўраб улгурмаган ҳам эди мен:

Ҳасан, дедим.

– Ҳасанми?

– Ҳа, кеча Дадаруҳ ухлаётганда хонасига кириб, сандиғидан қашлағични олдида, ялоқнинг тошида эзди.

– Нега Дадаруҳни чақирмадинг?

– Ухлаётган эди.

– Қани, Ҳасанни чақир!

Ички ҳовлининг эшигидан кириб, ихчам йўлкадан уй томон чопдим, Ҳасанни чақирдим. Ҳеч гапдан хабари йўқ Ҳасан орқамдан югуриб келди.

Дадам қаттиққўл эдилар, жаҳл билан қарасалар юрагимиз ёрилаёзарди. Ҳасанга қараб:

– Ёлғон гапирсанг, таёқ ейсан!– дедилар.

– Ёлғон гапирмайман.

– Яхши, қашлағични нега синдирдинг?

Ҳасан Дадаруҳнинг қўлидаги темир ускунага ҳайрон бўлиб қаради. Кейин малларанг сочини ўйнатиб:

Мен синдирганим йўқ, деди.

– Ёлғон гапирма, – деяпман.

– Йўқ, мен синдирмадим.

Дадам яна такрорлади:

Тўғрисини айтсанг, уришмайман, ёлғон гапириш ёмон одат, – деди.

Ҳасан ўжарлик қилиб йўқ, деб туриб олди. Дадамнинг ғазаби қайнаб, Ҳасан томон шайланиб бордида, уятсиз, ёлғончи, деб юзига тарсаки тортиб юборди. «Бун кўзимдан даф қил, бу ерга йўламасин, фақат Парвин билан ўтирсин», дея ўшқирди.

Дадаруҳ йиғлаётган укамни бағрига босиб, ичкарига олиб кетди.

Ўшандан буён оғилда ёлғиз ўйнайдиган бўлдим. Ҳасан эса уйдан чиқмасликка маҳкум қилинганди. Онам Истанбулдан қайтганларидан кейин ҳам дадам Ҳасанни кечирмадилар. Унга кўзлари тушса, ёлғончи, деб кўярдилар. Ҳасан еган тарсакисини эслаб йиғлаб юборар, кейин ўзини зўрға босиб оларди. Бечора онам менинг тухмат қилганимни ҳаёлига ҳам келтирмас ва «аҳмоқ

Дадарух қашлағични отларнинг тагида эздирган бўлмасин тагин?», деб қўярди.

Келаси йили ёзда онам яна Истанбулга кетдилар. Биз яна ёлғиз қолдик. Ҳасаннинг оғилга бориши ҳануз ман этилганди. Кечалари ётганимизда отларнинг аҳволини, тойларнинг катта бўлган, бўлмаганини мендан сўраб турарди. Бир куни Ҳасан дабдурустдан касал бўлиб қолди. Доктор олиб келиш учун шаҳарчага одам жўнатилди. Доктор укамни текшириб, юқумли бўғма касалга чалинганини айтди. Буни эшитган фермадаги хотинлар уйимизга келиб, бир нечта парранданинг бошини олиб, укамнинг бўйнига боғлаб қўйишди. Айтишларича, бундай эскича иримни қилса, тузалиб кетармиш.

Дадам укамнинг ёнидан сира кетолмадилар. Дадарух ҳам ғамгин бўлиб қолди. Парвин эса ҳўнг – ҳўнг йиғлагани – йиғлаган.

Нега йиғлаяпсиз?, деб сўрадим.

- Уканг касал–ку...
- Тузалиб кетади.
- Тузалмайди.
- Тузалмаса нима бўлади?
- Уканг ўлади.
- Ўладими?

.....

Мен ҳам йиғлай бошладим. Укам касал бўлганидан бери мени Парвиннинг хонасига кўчиришди. Ўша кеча ҳеч ухлолмай чикдим. Ҳаёлга чўмишим билан, Ҳасан кўз ўнгимда, «Тухматчи! Тухматчи!», дея йиғлаётгандай бўлаверарди..

Парвинни уйғотдим.

Мен Ҳасаннинг ёнига бораман, – дедим.

- Нега?
- Дадамга айтадиган гапим бор.
- Нима гапинг бор?
- Қашлағични мен синдирган эдим, шуни айтмоқчиман.
- Қайси қашлағични?
- Ўтган йилги. Ҳалиги Ҳасанга тўнкаган...

Сўзимни тугатолмадим. Ичимдан келаётган тугёнлар нафасимни бўғиб қўйди. Йиғлай – йиғлай бўлган воқеани Парвинга гапириб бердим. Ҳозир буни дадамга айтсам, Ҳасан ҳам эшитиб, балки мени кечирар?

Эртага айтасан, деди Парвин.

– Йўқ, ҳозир бораман.

– Ҳозир даданг ухляпти, эртага эрталаб айтасан. Ҳасан ҳам уйқуда. Эртага уни қучоқлаб, ўпиб кечирим сўрасанг, кечиради.

– Хўп, яхши.

– Қани энди, ухла!

Тонггача кўзимга уйқу келмади. Тонг энди оқарабошлаганди ҳам Парвинни уйғотдим. Ўрнимиздан турдик. Ичимни қийнаётган азобдан бўшалиш учун шошиб борардим... Лекин, минг афсус, бу кеча бечора, гуноҳсиз укамнинг жони узилган экан.

Айвонда қишлоқнинг имоми билан Дадаруҳ кўзда ёш билан, дадамнинг ташқари чиқишини кутиб турардилар.

*Марказий Осиё халқлари тилларидан қилинган
таржималар*

ТУРСУНБОЙ АДАШБОВ



Турсунбой Адашбоев 1939 йил 1 январда туғилган. ЎзМУнинг журналистика факультетини ҳамда Москвадаги Жаҳон адабиёти институтини битирган. 1964 йилдан эътиборан “Камолнинг олмаси”, “Олатоғ–лолатоғ”, “Жўнатаман қуёшни”, “Арслонбоб шаршараси”, “Оқбура тўлқинлари”, “Мақтанчоқ чумоли”, “Орзуларим – қўш қанотим”, “Осмондаги дарвоза” каби ўнлаб китоблари нашр этилган. Бундан ташқари, муаллифнинг рус, латиш, туркман, тожик ва қирғиз тилларида қатор китоблари босилиб чиққан. Т. Адашбоев жаҳон болалар адабиёти вакиллари асарларининг таржимаси билан шуғулланиб келади.

Т. Адашбоев буюк ўзбек шоири Миртемирнинг йўриғи билан 1965 йилдан эътиборан, қирғиз ижодкорларининг асарларидаги ортиқча такрорларни четлаб ўтиб, эркин таржима қилади. Аслиятдан келиб чиқиб матндаги сахъжумлалар кофияланишини сақлагани ҳолда, “Манас” эпосининг ўсмирларга бағишланган китобига манасчи Соғинбой Ўрозбоқов вариантыдаги айрим мисраларни ўгириб, воқеаларнинг ривожига мослаб иш юритади.

Т. Адашбоев М. Ўринов билан ҳамкорликда жаҳон адабиётидан М. Пьюзонинг “Чўқинтирган ота” романини (2001), К. Чуковскийнинг “Дўхтир Войжоним” (2006), С. Маршакнинг “Тентак овчи” асарларини рус тилидан, Т. Уметалиевнинг “Тўрғай навоси”, С. Эралиевнинг “Тоғлар фарзандиман”, С. Жусуевнинг “Довон”, М. Жонғазиевнинг “Қувончбекнинг қувончи”, Н. Алимбековнинг “Бири кам дунё” номли шеърлар тўпламлари ва С. Жусуевнинг “Қанот ва Зарина” номли достони, Ш. Абдурамоновнинг “Танишларим”, М. Гапаровнинг “Мурғобликлар” номли қиссаси, Т. Қосимбековнинг “Синган қилич” романи, шунингдек, “Манас” эпосининг 2–китобини (Султон Акбарий билан ҳамкорликда) ҳамда эпоснинг ёзувчи К. Жусупов вариантыни қирғиз тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

“МАНАС”

*(эпоснинг ўсмирларга бағишланган варианты сўнгги боби –
“Аза” қисмидан таржима қилинган парча)*

Қоплон Манас кўзини очиб, сўнгги бор қаддини ростлади. Бир муддат юзлари ёришиб, қирчин ёшига қайтди. Чехрасидан нур ёғилиб, қошида ғамгин ўтирган Хоникейдан сўради.

– Хон ойим, хайрлашадиган фурсат келди. Қиёматлик дўстларни чақир, охирги марта учрашиб қолайлик.

Манас белига ёстикни тираб ростланди. Хоникей ўрданинг эшигини очди. Дастлаб Бақай, Қўшай, ўн икки хон, жўралари, қудалар навбати билан хайр–хўшлашди. Йиғи солган айримлардан у кўз ёш тўкмасликларини ўтинди. Орада баҳодир аввалги қиёфасига қайтиб, кўзлари ёниб, сор бургутдай бир нуқтага тикилди. Шу пайт Кўкбўрининг ўн икки ёшли ёлғиз ўғли Қуёнали: «Манас бобомга бораман», деб хархаша қилиб қолди. Хоникей уни маҳкам ушлаб олди.

– Бўталоғим, ошиқма! Манас бобонгни кўзига кўринма. Баҳодир айна вақтда тикилган одамани соғ қўймайди. Кўзи ёниб турибди. Илтимос, яқин борма!

Ўсмир эмасми, Хоникейнинг бағридан юлқиниб чиқиб, Манаснинг қўлидан ушлаб, хайрлашди.

– Охирги сафарингиз хайрли бўлсин, Хон ота! – деб Қуёнали ўксиб йиғлади.

Манас қайта кўзини очиб, қўлини маҳкам ушлаган болакайга қараб деди:

– Бундай паҳлавонни умримда ҳеч кўрмагандим. Бу ким?

– Ёпирай, сўзингизни қайтиб олинг. Унга қаттиқ тикилманг. Бу, Кўкбўри деган ошнангизнинг ўғли, – деди қақшаб Хоникей.

– Кўкбўри! Икковимиз қиёматлик дўст эдик. Ўғлинг паҳлавон деганича бор экан–у, бироқ йўли тор экан–да. Вафоси йўқ дунёга сал эртароқ келибди. Дўстим, болангни менга бер, нариги дунёга қўша олакетай.

– Ошна, болам эмас, керак бўлса, жонимни ҳам бирга ол, – деб Кўкбўри Манасга энгашди.

Шундан кейин қоплон Манас гапга келмай, тарози юлдузи тўлганда, кўплар хўшлашиб бўлганда, эллик икки ёшида вафот

этди. Хон ўрдасидаги ойнинг шакли туширилган кўк туғнинг ўрнига қора байроқ тикилди.

Шўрлик Хоникей ўттиз икки ёшида ғамхўридан, вафодоридан айрилиб, сочларини юлиб, нола чекарди:

Тоғдаги йилқинг тўққиз сон,

Тўпичоқ, бувдан аралаш.

Тўсиб тургин йўлини,

Ошкора қилгай олабош.

Қора норнинг терисин

Бундан нари ким ошлар?

Тўрам, қирғиз элингни

Тўғри йўлга ким бошлар?

Дўзахга солмай жонимни,

Олакетгин, султоним.

Тобутингга кўшмоқлаб,

Солакетгин, султоним.

Ботир Манас вафот этган куни, рўзи маҳшарга кетган туни зилзила бўлди, қуёш тутилди, олти кун олам тунга айланиб, ой чиқмади. Осмондаги булутлар йиғлади, қушлар ёшини тиймади.

Ўша куни Қумбулоқнинг довонидан топиб олинган Қумайик Қора норнинг биқинига келиб ётиб, овқат емай одамлардай хўнграб улиди. Хон Манаснинг Оқшунқор бургути олтин боғичларини чўқилаб ечиб осмонга учди ва оқ ўрдани етти марта айланиб, кўздан ғойиб бўлди. Халойик бўзлаб, мотамдан сўзлаб қора кийди.

Ўрдага етгунга қадар ўнг қанотда ўн минг, чап қанотда ўн минг бошига қора дурра танғиб, сафланиб, таъзияга келганлар бемалол ўтгудай йўл очиб, тоғу тошларни янградиб «отамлаб» йиғлаб—сиқтаб туришибди. Баҳодирнинг майити солинган тобут қирқ қанотли учта оқ ўтовга ўрнатилди. Кирган—чиққанларга ўнғай бўлиши учун ҳар ўтовнинг биттадан устуни олиб қўйилган эди.

Нияти бузуқ, ёмонликни кўзлаган, доим ғийбат сўзлаган олти хон ва Кўбўшлар анча кечикиб келди. Қолмишига тўйда ўтиргандек, ёлғондакам йиғлаб, ўзларидан ўзлари кулишиб, Манаснинг ўлганидан хурсанд бўлишиб, келган—кетганларга менсимаб боқишарди.

Жақипхоннинг кичик хотинидан бино бўлган ўғиллари, олтита номард, сотқин хонларнинг башарасидан уларнинг ниятларини

англаб турган Хоникей Семетейни бағрига босиб, ўзини янада дадилроқ тутиб, хизматдаги йигитларга жиддий уқдирди:

– Йигитлар, укаларим! Тоғдек суянчинглардан айрилдик. Туғ ушлаган Хонимиздан жудо бўлдик. Тўрамизнинг йўқлигида ўрдамиз хомталашга тушиб қолди. Хони ўлган қирғизлардан мураса қочиб, ит–мушук бўлишяпти, деб душманларимиз устимиздан кулишмасин. Таъзияга келганлар тўрт тулук молни исроф қилиб, жанжал чиқармасин. Сизлардан бошка кимим бор? Фаросат билан иш қилинглари. Келганлар хафа бўлиб қайтишмасин. Оғанглари жасадини иззат билан дафн этиб, арвоҳини рози қилайлик.

Хоникейнинг бўтадай бўзлаб айтган сўзидан тўғри хулоса чиқарган йигитлар, Манаснинг ўғай укаси Абике ишга киришиб, узоқ–яқиндан келган меҳмонларни ўтовларга бошлаб, илтифот кўрсатиб, ёш–яланги хизматта солиб бошини қовуштирди.

* * *

Олатоғнинг ортига сахий куёш ботганда, оройиш олиб тундан, эл уйқуга ётганда асилзода Хоникей Қўшай оғага борди, дилдаги дардин ёрди:

– Оға, қирон Манас инингиз кўп одамларга қаттиқ–қуруқ теккан. Айримларнинг кўнглига озор берган. Қисқаси, дўстидан кўра душмани кўпроқ. Уни дафн этсак, гўрини тинч қўйишармикан? Мурдасидан ўч олгувчилар ҳам топилиб қолиши мумкин? Нима қиламиз?

Ярим кечада Қўшай, Бақай, эр Тўштук, Кўкбўри, Қуёналилар Хоникей билан маслаҳатлашиб, Манаснинг жасадини ювиб, покизалаб, кафанлаб, тобутига ётқизиб, гиламга ўраб, қирқ эшонга ўқитиб, қўлма–қўл кўтартириб, Эчкиликнииг тоғидаги олдиндан тайёрлаб қўйилган Қора ғорга олиб боришди. Бу ўзига хос хилхонани кўрган аҳли донишлар Хоникейнинг ақлига қойил қолишди. Қўшайхон олтмиш олти букилиб, Хон ойим Хоникейдан миннатдор бўлди.

– Хоникей болам, сени аёл деган ўнгмасин, сени урғочи деганнинг ўзи бўлмасин! Хосиятли Манаснинг руҳи ҳамиша қўлласин! Ниятингга ет! Фарзандинг қўш қанот бўлсин!

Манасга эътиқоди буюк яхши инсонлар ботирнинг қиличини тобутнинг рўпарасига осиб, ғордан чиқиб қоянинг оғзини жипслаб беркитиб, тонг отмай ими–жимида ўрдага қайтишди. Бақай иш

юритиш бобида ҳам абжир эди. У дарҳол мурданинг қўл ва оёқларини теракдан ўхшатиб, дастлаб кафанга, сўнг булғори терига ўратиб, тобутнинг устига оқ кигизни ёптириб қўйишга улгурди. Пешин хаддида қариндош–уруғлар, наслдош олти хон Манасни қабристонга кўмиб қайтишди.

Дафн маросими тугаб, узоқ–яқиндан келган хонлар, беклар, қудалар ва қадрдонлар узр–маъзур сўрашиб, юртларига қайта бошлади. Эр Қўшай, эр Бақай, эр Тўштук Хоникейнинг раъйига қараб, яна бир кун тунаб, изн сўрашди.

Чўлпондай ёниб турган кўзларидан тинимсиз тўкилаётган марвариддек ёш авлиёзода Қўшайнинг оппоқ соқолларини ювиб, отнинг ёлига тушаркан, оқсоқол ўзини тутолмай: «Эй тангрим, ёшимни яшаб, ошимни ошаган бўлсам–у, нега унинг ўрнига мени рост дунёга олиб кетмайсан», деб мунғайиб элига қайтди.

Толасни бошига кўтариб, «Ер юзида Манасдай баҳодирни, Манасдай довқалб инсонни кўрмадим. Нега қироним Манас билан бир кунда бирга ўлмадим», дея ўкириб эр Тўштук туғилган ерига қайтди.

Хон Манаснинг қиёматли ёри бўлган қорамағиз гўзал Сайқал қиз юзларини тимдалаб, сочларини тўзитиб, кўзидан ёш ўрнига қон оқиб, қирқ канизагини эрчитиб овулига борибди. Овулда қизига бағри ачишган отаси Қорача: «Қизим, Манас учун бугун йиғламаса бўларми?» деб олтмиш хотинни ёнига ўтказиб, марсия айттирибди. Ўша куни Сайқал қишлоғида тунамасдан оламдан ўтибди. Мурдасини излаб топишолмабди. Авлиёлар: «Сайқал қишлоғи билан бир йўла хайрлашгач, ёри Манаснинг олдида кетибди», деган гап чиқаришди.

Кўкёл Манас шер билан бир умрга дўст тутинган Урумхоннинг Кўкбўриси баҳодирнинг чодирини ёдгорлик учун олиб, ярим йўлда хотини ва ўғли билан кетаётганида қароқчилар қўл солиб, ўн икки ёшли ўғли Қуёналини ўлдириб кетди. Кўкбўри фарзандининг майитини қидириб қеч қаердан топмади. Хон наслидан бўлган хотини Гулнора эрига шундай деди: – Ёлғиз чироғингни жонажон дўстинг Манас сўраган вақтида ўша шерга бермаган эдингми, азизим? Бу худонинг буйруғи, ошнанг Манас уни йўлдош қилиб олакетган...

* * *

Баҳодир Манаснинг вафот этганига роса бир йил бўлди. Шу ўтган давр ичида бу ёруғ дунёда нималар бўлмади дерсиз? Қанча дарёлар ўзанидан тошди, талай кўллар қуриди. Кўп алплар оламни тарк этди. Ваъда қилинган Манаснинг йил ошига эса хонлар, беклар келмади. Паҳлавоннинг отаси Жақип ҳам, унинг Бахтдавлатдан бўлган болалари Абике, Кўбўшлар ҳам хонликни талашиб, баҳодирнинг оши берилмай, ўрдадан файзу барака кўтарилди.

Туйнуғи тортилмаган оқ ўтовдан есир Хоникейнинг дард—алами йўғрилган мотамсаро марсиялари кулоққа чалинади. Яккаю ёлғиз туёғи Семетейни бағрига босган ҳолда Хонойим армон билан куйлайди. Ҳамиша от сиғмай турадиган оғилхонада Манаснинг Тойбурули сукут сақлаб, бир нуқтага боққан кўйи турарди.

Омад ва файз бутунлай йўқолган ўрда кўрғонининг ташқарисида, уфққа туташган яйдоқ далада, қора тошнинг устида йиғидан кўзларининг жияклари пичилиб кетган қария Бақай сўппайиб ўтирибди.

*Чархипалак бу дунё,
Кўп қаттол замон бўлди.
Хоникейдай сулувларнинг
Комати камон бўлди.
Ғаддорга ўлим бермас,
Яхшига ёмон бўлди.
Эр Манаснинг баёни
Шу билан тамом бўлди.*

МУЗАФФАР АҲМАД



Музаффар Аҳмад (Музаффар Усмон ўғли Аҳмедов) 1956 йил 12 август кунини Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани, Манғит шаҳрида зиёли оилада туғилди. 1973 йил Мағитдаги 1-сон ўрта мактабни, 1977 йил Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг (ҳоз. университет) филология факультетини тамомлаган. Турли йилларда республикаимизнинг матбуот органларида, Ўзбекистон телевидениесида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясидаги журнал таҳририясида хизмат қилди. Ҳозир “Жаҳон адабиёти” журналининг “Шарқ адабиёти” бўлими мудири.

Музаффар Аҳмад 1990-йиллардан бошлаб бадиий таржима ишлари билан шуғулланиб келади. Унинг рус, қорақалпоқ, қозоқ, туркман, уйғур, татар ва бошқа шарқ тилларидан ўзбек тилига таржима қилган асарлари жумласига К. М. Корягиннинг “Конфуций”, “Будда” қиссалари, А. Бартонинг болаларга аталган шеърлар тўплами, француз халқ балладалари, араб шоирлари ижодидан намуналар, Махтумқулининг III жилдлик асарлар тўплами, М. Нафаснинг шеърлари, “Тоҳир ва Зухра” достони, Д. Озодийнинг “Беҳиштнома”, “Манзума”, Т. Жумагелдиевнинг “Ўтда ёнган келинлар” қиссаси, О. Тоғоннинг “Бегона” романи, Ў. Ёғмирнинг “Махтумқулинома” биографик романи, С. Дўсановнинг “Дилдаги оҳим менинг” қисса ва ҳикоялари, Н. Қадирбоевнинг “Кўприк қурамиз” ҳикояси, М. Жумабоев, М. Мақатоев, А. Аймоқ, Х. Есенқораевларнинг шеърлари, Бердақ, Кунхўжа, Ажиниёз, Ўтеш шоирларнинг тўла асарлар тўплами, Ш. Уснатдиновнинг “Ибройим Юсупов ҳақида” романи, М. Жуманазаровнинг “Яшин бўлмай яшай олмайман” тўплами, Г. Пирлепесовнинг шеърини тўплами, Н. Тўрешова, Ш. Пайзуллаевна, П. Мирзобоева, И. Юсуповнинг шеърлари, М. Низановнинг “Пора”, “Ўзга сайёрадаги етти кун” номли ҳажвий қиссалари, А. Тўқай, С. Шекиров, Ш. Алиевларнинг шеърлари, рус тили орқали хитой, ҳинд ва америкалик шоирларнинг шеърлари киради.

АБАЙ

Улуғ Гёте, рост, оламда шухратли,
Пушкин ҳам бор, Лермонтов бор – бари зўр.
Криловнинг масаллари ибратли,
Даҳоларнинг сўзи – олтин, кумуш, дур.

Бу кенг жаҳон – буюкларнинг элидир.
Буюкларни таниб олсин ҳамма дер.
Бор дунёни ўз шеърига қаратди
Саъдий, Ҳофиз, Фузулий ва Алишер.

Сўз подшоҳи сараланган элларда
Кўз етмаган чўққиларга сўз етди.
Манов бир гап нақ улуғлик эмасми –
Абай барин ўз тилида сўзлатди!¹

Шоир сўзи – сўнмас юлдуз, ўлмас кун,
Буюклик шу – буюкларни сўзлатар!
Сўз заргари – Абай, десам, энди ким
Маъқулламай, сўзларимни рад этар?!

Буюкалрдан сўз очмоқнинг вақтидир,
Даҳолардир ҳар бир халқда аржуманд.
Ҳар қандай халқ бахтлидир–ов, бахтлидир,
Абай каби ўғли бўлса донишманд.

Улуғ қалблар халққа машъала бўлса,
Улуғларнинг тили – ширин, ажаб, хўб!
Агар Абай замонида туғилса,
Пушкинлар ҳам кетарди–я козоқ бўп!...

Эсенгали Равшанов

* * *

Аҳа–ҳей, ола қарға, ола қарға,
Учади анов жардан манов жарга.

Қоп–қора нуқтадир у қорда кўрсанг,
Қора нуқта учади жарга келсанг.
Ола қарға учиб юрар талай аср,
Ўйнайсанми шу қора қарға–ла сен?!

Одамзот – бол тўплаган шўрлик ари,
Куни ўтар алданиб нари–бери.
Ҳеч бўлмаса юз йил ҳам умр кўрмас,
Шу ҳам умр бўптимиз мактанарли?!

Аҳа–ҳей, ола қарға, ола қарға...
Эҳ, қарға–ей!..

* * *

Беш юз йил муқаддам
Худди шу тоғда
Шоҳона хабари бўлиб замоннинг,
Худди шу муддатда,
Худди шу чоғда
Чодир турганди Бобур султоннинг.

Буни қушлар айтди менга азонги,
Гуллар айтди менга шивирлаб.
Тун бўйи яралган янги ғазални,
Ерга бир теккизиб олган иримлаб.

Тилак тилаб отланган у шу ерда,
Шу тоғларга қўлин ёйган қаҳрамон.
Йўкса, нега Бобур ёзган сўзларда
Олмаотанинг оқ ёмғирин кўраман?!

У шошилди забт этай деб замонни,
Бир шахд ила отланганин англариш?
Яна бир кун қўнса эди, дунёни
Байт биланок эгалларди жанглариш.

Ярим олам – Бобуршоҳнинг мероси,
Ганг томонга от йўрттирар шоҳ Бобур.

...Ҳиндуларнинг кўрар бўлсам киносин,
Мен шуларни ёд оламан негадир...

Ана, тоғлар!
Тап тортмайди ҳеч кимдан,
Ёз тонглари, бунча гўзал, оқ манглай!
... Кўнглим яйраб уйғонаман уйқумдан,
Шоҳ Бобурнинг чодирда ётгандай...

Булан Жамбул

* * *

Елга учди бандидан гул узилиб,
Турар ана қанча гул ҳув тизилиб.
Қув тақдир боғлаб олмиш гуллар билан,
Гуллар юзи кетибди дув қизиниб.

Соғиниш—ла толдириб довдир кузни,
Қушлар кетиб боради ташлаб бизни.
Қай бир куни бузилар даврамиз ҳам,
Худой чорлаб олганда бир—бир бизни.

Аҳмад Ҳижозий (Миср)

СЎЗ РИЦАРЛАРИ

Жўмард шоирларга

Сотмадим мен сўзни олтинга, дурга,
Қилич кўтармадим, дўстлар, шоирга.
Тилёғлама бўлмадим, мадҳлар битмадим,
Жўмард деб айтмадим сўзсиз амирга.

Қўшиқлар юксакда янграши учун,
Уйғониши учун маҳзун далалар.
Қишлоқда зулматлар ёришсин учун,
Сўз жўмардларининг шеъри яралар.

Узоқ қишлоқдаги оддий инсонга
Етиб бормас экан менинг сўзларим —

Гўё саҳроларда изсиз йўқолган
Йўлчидай беманзил йитар ҳисларим.

Ундай ҳис–туйғулар кимга ҳам керак,
Сўнар қарғаларнинг овозидай бад.
Яхшиси бу сўзлар чормих қилиниб,
Тупрокда чирисин мисоли жасад.

Йўқ, мен истамасман сўз ўлимини,
Йўқ, улар яшасин, олсинлар нафас.
Оғиздан–оғизга ўтиб яшасин,
Ҳаётга ярасин, мамотга эмас.

ЮРАКСИЗ ШАҲАР

–1–

Одамлар ўтарлар уёндан–буён,
Улар танимаслар бир–бирин сира.
Мен каби ғарибга ўхшайди нолон,
Ёнимдаги манов ғариб бечора.

Унга нима бўлган?
Нега гапирмас?
Кўзин ерга тикиб турибди жимжит.
Ҳеч бўлмаса салом сўзини билмас,
Ёнига келганни хит қилади, хит.

Шаҳар аҳли шундай.
Жонинг қақшайди,
Кўзларидан маъюс боқади тақдир.
Уларга не бўлган?
Нима мақсади?
Ўтмишлари қандай?
Жавоби йўқдир...

–2–

Ёшлигимда денгизлар оша
Шу чиройли шаҳарга келдим.
Чор атрофдан излаб томоша,
Руҳим топсин фароғат дедим.

Ғишт, ойнадан қурилган шаҳар,
Ҳукмрондир йиллар бўйи ёз.
Йўқдир ёздан бошқа мавсумлар,
Юзларда ҳам хурсандчилик оз.

Уст–бошлар чанг. Иссиқ. Ҳарорат.
Барча одам турмуш ғамида.
Ғар сўз қотиб қолишса, фақат
Сўрашарлар:
– Соат неччи, а?

–3–

Ҳаёт – мисли бир карвон,
Ўтар, тўхтамас замон.
Майдондаги ҳув соат
Вақтни ўлчар онма–он.

Кўз очамиз бир маҳал,
Ғафлат ичра, эй инсон.
Карвон ўтиб кетибди,
Биз–чи уйқуда ҳамон.

Бизлар ухлаб ётганда,
Кетибди улкан карвон.
Ўзгармиш ҳамма нарса,
Ҳатто теваарак – жаҳон.

Ўзгармиш кийимлар ҳам,
Устимизда зил чопон.
Тарк айлаб ҳужраларни
Йўлга тушамиз нолон.

Карвон ортидан шошиб,
Интиламиз андармон...

РУСТАМ МУСУРМОН



Рустам Мусурмон 1963 йил 26 августда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида туғилган. 1989 йилда Ўзбекистон Миллий Университетининг филология факультетини битирган.

1989–92 йилларда Ўзбекистон Миллий Университети аспирантурасида таҳсил олган. 1992–1995 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлаган.

Рустам Мусурмоннинг илк шеърий туркуми “Ёшлик” журналининг 1989 йил 1–сонида эълон қилинган. Шундан сўнг унинг шеърлари, мақола ва таржималари “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока” журналлари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Ўзбекистон овози”, “Ёзувчи”, “Хуррият”, “Моҳият” газеталарида мунтазам равишда чоп этиб келинган.

У “Руҳимнинг товуши” (1995), “Хиргойи” (1997) шеърлар тўплами, “Руҳ насибаси” (1996) достони муаллифи.

Рустам Мусурмон Ўзбекистон ҳалқ шоири Александр Файнбергнинг “Чиғир” назм ва наср китобини рус тилидан, Бахтиёр Генжамуроднинг “Укуздарё битиклари” шеър ва дostonлар тўпламини, Ибройим Юсупов, Улмаамбет Хўжаназаров, Кенгисбой Каримов, Жиянбой Избосканов шеърларини, ёш шоира Сарвиноз Мусатдинованинг “Карвон йўллари” шеърлар тўпламини қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилиб, нашр эттирган.

Р. Мусурмон ҳозирги пайтда Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи вазифасида фаолият юритмоқда.

У 1999 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланган.

МАДЕ ХОН СЎЗИ
ёхуд
ЧИН ИПАГИДАГИ БИТИК

Тарихий достон

Туркий халқларнинг энг қадимий аجدодлари йўлбошчиларидан бири мағрур Маде хон ўз элининг мустақиллиги йўлида Чин подшолари билан самарали сиёсий музокаралар олиб борган. Босқинчиларга қарши мардонавар жангларда музаффар бўлган.

Маде хоннинг «Ер бу— мамлакатнинг асосидир» деган ўлмас шиорини дунё ҳамжамияти ҳануз юксак қадрлайди. ..

Мен бу достонимни халқимизнинг мустақиллик байрамига бағишлайман.

Муаллиф

I

Кундузи Қуёшга,
Тунда Ойга топиндим.
Боболарнинг
Жондор бўри руҳларига сиғиндим.

Қилич қайраб,
камонимга ўқ йўндим.
Қулунларни
ботирларим миниб чопар от бўлишин
соғиндим.

Қулунларим тулпор бўлиб,
Юлдузларни кўзлади.
Ўғлонларим йигит бўлиб,
қаҳрамонлик излади.

Отам — Туман.
У қартайди — ириди.
Онг — шуури мадда бойлаб,

Тафаккури чириди.

Атрофимга йиғдим ўн минг бўрини,
Ўн минг қашқир – бўриларнинг зўрини.
Ўтдан олиб сувга солдим минг бора,
Сувдан олиб ўтга солдим минг бора–
Бир бовурлик болғасининг
зарби–ла хўб тобладим.

2

Ўзгалардан ортиқ эди ўқ–ёйимнинг «қилиғи»,
Қаҳрланиб отган ўқим бўри бўлиб улийди .
У дунёнинг элчисидай учуб борар ишқириб,
Ғанимларга сочар эди ҳалокатнинг уруғин.

Ўн минг мардга фармон бердим:
«Эшитинглар сўзимни!
Бўри бўлиб улийдиган ўқни отсам, шу зумда
Мен нишонга олган зотни
ким бўлса ҳам отинглар,
Кўнглингиздан дариғ тутинг
шафқат деган сезимни!»

Арғумоғим бўлар эди сулуб қиздай қалқиган,
Кенг яйловда ойдай сўзган,
кенг осмонда балқиган.
Ботирларни синаш учун
ўз отимга ёй тортдим,
Учуб кетди қонсираб ўқ,
Ортидан ўқлар учди ,
Ўқлар учди кетма–кет...

Тулпоримга Кўкёл садоқ –
саккиз минг ўқ қадалди,
Икки минг эр ёй тортмади –
икки мингта ўқ қолди.

Хон буйруғи – Тангри амри:
«Икки минг эр гуноҳкор!»

Шул икки минг эр кесилди
бир бовурлик ҳақиға...
Саккиз минг зўр йигит қолди
ёнимда яловбардор.

3

Сулувларни сайлаб суйдим –
тойча белли сағрини,
Бир аёлим – оққуш нозли,
бири товус ишвали.

Тангри – ёлғиз,
Осмон – ёлғиз,
Қуяш – ёлғиз,
Ой – ёлғиз...

Кўнглим яна ботирларни синамоқни истади.

Садок тортдим сулувимга,
Йиғлаб – ҳўнграб учди ўқ.
Ой баданин, кумуш танин
ажал бўлиб тешди ўқ .
Етти минг Алп –
етти минг Гурт,
Титратмади қўллари,
Сулувим қон томиридан
етти минг кўз очди ўқ.

Отилмаган минг ўқ қолди...
Ей тортмаган минг эрнинг
жонларини Кўк тангримга
қурбон қилиб юбордим.

4

Тошни шохлаб қайралади қора буқанинг шохи,
Элнинг дарди – менинг дардим,
Менинг дардим – эл дарди.

Эл–юрт учун аямадим арғумоқ – тулпоримни!
Эл– юрт учун қурбон этдим

кўйнимдаги ёримни!

Эл– юрт учун тожу тахтим,
тулпор мендан садаға!
Эл– юрт учун жоним, бахтим
дилбар мендан садаға!
Қоронғу тун қучоғида
етти юлдуз – қароқчи.
Чўл кўйнида етти минг Гурт
юрт кўриқлар кўриқчи.
Мой айниса, туз сепилар,
Эр айниса, не бўлар?!
Чин бўрилар айнимайди.
Айниғанлар ит бўлар,
Шоғол бўлар, тулки бўлар,
ликиллатар кетини.
Мардлар элнинг тузи бўлар –
мард айнитмас элини.

Отам Туман айниганди –
Чин душманга қўл берди,
Ғайри динга, ғайри тилга
қучоқ очиб йўл берди...

Қаҳрланган бўри ўқим улиб учди Туманга,
нақд етти минг ўқ қадалди...
Жазоладим отамни!

Ҳақ айтгани – Кўк айтгани:
«Жонни фидо этармиз!
Эр айниса, биз калласин
Тандан жудо этармиз!

5

Шамшир сермаб, найза урдим,
Эл бирлигин тузатдим.
Кипригимга ханжар қадап,
ким дуст–душман кузатдим.

Кўк осмонда Бургут – подшоҳ,
кенг сахрода – Қашқирлар!
Эрлик, Мардлик, Ботирликни улуғладим –
Сўз айтдим!

Илгаридан душман эди
Чин юртининг подшоси.
Шул шоҳ битган нома келди.
Хат ўқиди элчиси:
«Эй Маде хон, пиёда юр!
Ярашмас от минганинг!
Чибин жонинг омон бўлсин,
тахт минсанг – от минганинг!
Остингда Елсув тулпоринг –
менга бер шул отингни!
Гар отингни бермасанг, мен
кесаман элатингни!

Уч минг ботир қалқиб турди
қабогидан қор ёғиб,
Ўқловдайин томирида намус бирла ор оқиб:
«Чин юртининг қалъасига
бошла бизни, Маде хон!
Иснод чекиб яшагунча
қиличдан берайлик жон!
Минган отинг – Елсув тулпор,
бу хонликнинг нишони,
Бадавлатлик, элдавлатлик
ва халқликнинг нишони!»

Мен буюрдим: «От – бир маҳлуқ!
От ўрнини той босур!
Қўшимиз тинч – бизлар ҳам тинч...
Булут ўрнин Ой босур!
Чин юртининг, аждарҳоси,
майли отимни олсин!
Юртимга ўт пуркамасин,
От билан нафси қонсин!»

Хон буйруғи – Тангри амри.
Барча эл дардин ютди,
Хонлик нишони отни
Хитойга ҳадя этди...

6

Элчи келди Чин юртидан бир йил ўтгач орадан,
Аждарҳоси панжа урди юрагимни яралаб...

Хат ёзибди: «Ўн беш яшар
Кенжатойинг, қизингни,
Қўзичоғинг, оқ улоқчанг –
эркатой Кундузингни,
Етмиш яшар чол демасдан,
хотинликка бер менга!
Олтин ортган карвон юбор,
икки қилма сўзимни!»
Олти минг эр қиличларин қинларидан суғурди,
Чин юртини босамиз деб отига эгар урди.
Қўз ёшларин ичга ютди...
Киприклари муз эди...
Найзаларин тошга санчди,
Лов–лов ёниб сўз айтди:
«Асл бўри уядамас, дала–тузда ўлади!
Асл йигит ўткир қилич, ўткир сўздан ўлади.
Қизингизни менсимаса, менсимайди хонликни,
Ғанимларга ханжар уриб, биз ўлгимиз келади!»

Фармон бердим: «Қиз бола бу –
палахмонниг тошидир,
Такдир отса, саҳролардан,
тоғлардан ҳам ошадир!
Молу дунё – қўлнинг кири,
ювилади кетади.
Қўшни падшоҳ тинч яшаса,
Халқим ҳам тинч яшайди!
Чин юртининг подшосига
айтганини беринглар!»

Айтилган сўз– отилган ўқ!
Мен сўзимдан қайтмадим.

Хон буйруғи– Тангри амри.
Фармон ижро этилди,
Эл–халқимни қайғу босди,
қобирғоси сўтилди...

Олтин ортган узин карвон
қизим олиб кўзғалди,
Эл–юртимнинг юрагида
тош ёндирган кўз қолди...

Элим, халқим бу қисматдан
ханжар каби қайралди,
Чархлаб ётган шамширимдай
сараланди, сайланди.
Бўлтириқлар индан чиқди –
етмиш мингта жой тутди,
Улийдиган ўқлар йўнди. Бўриларга айланди...

7

Бир йил ўтгаш, Чин юртидан
элчилар келди яна,
Аждар йили муз– қаҳратон
қиш ўн еттинчи сана.
Хат ёзибди: «Чўп кўкармас,
қақраб ётган ерингдан,
От туёғи, қуш қаноти
куяр сувсиз чўлингдан,
Кунботардан, кунчиқардан,
жануб, яна шимолдан
Юз чақирим тақир ерни
бўлиб бергин элингдан!
Мен Чин юртин аждаҳоси
буюраман, Маде хон!
Буйруғимни тез бажарсанг,
ўлмай қоларсан омон!..

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
<i>Урду тилига қилинган таржималар</i>	
Раҳмонберди Муҳаммаджонов	5
Ғазаллар, <i>Алишер Навоий</i>	6
Мухайё Абдурахмонова	8
“Ғазаллар”, <i>Муҳаммад Бобур</i>	9
<i>Урду тилидан қилинган таржималар</i>	
Наби Муҳамедов	11
Қитъалар, <i>Али Сардор Жаъфарий</i>	12
Тошмирза Холмирзаев	14
“Чечак доғлари”, <i>Ражендра Сингх Бедий</i>	15
<i>Пушту тилидан қилинган таржималар</i>	
Абдурахим Маннонов	22
“Аждар ва Шахзода”, <i>афгон халқ эртаклари</i>	23
<i>Ҳинд тилидан қилинган таржималар</i>	
Амир Файзулло	30
“Басантий”, <i>Бҳишам Саҳний</i>	31
Ансориддин Иброҳимов	38
“Бошлиқ меҳмонга келади”, <i>Бҳишам Саҳний</i>	39
<i>Араб тилидан қилинган таржималар</i>	
Тимур Мухтаров	47
“Қалампир”, <i>Нажиб Маҳфуз</i>	48
<i>Форс тилидан қилинган таржималар</i>	
Аҳмад Қуронбеков	51
“Сетор”, <i>Жалол ол-е Аҳмад</i>	52
Эргаш Очилов	57
“Ҳикматлар”, <i>Саъдий Шерозий</i>	58
Миродил Обидов	63
“Оҳу хонимнинг эри” (романдан парча), <i>Али Муҳаммад Афгоний</i>	64
Жаъфар Муҳаммад Термизий	70
“Ёмғир”, <i>Гулчин Гелоний</i>	71
Шокиржон Олимов	75
“Соғинч қобиғи”, <i>Розия Тужжор</i>	76
Наргиза Шоалиева	79

Шеър, <i>Маликушиуарои Баҳор. Ҳаёт, Фуруғ Фаррухзод. Меҳроб; Сув бўйи, Сухроб Сипеҳри</i>	80
<i>Хитой тилидан қилинган таржималар</i>	
Жасур Зиямухамедов	83
“Осмондан тушган пуллар”, <i>Чинг Фенг</i>	84
<i>Турк тилидан қилинган таржималар</i>	
Бобоҳон Муҳаммад Шариф	91
“Бадал”, <i>Умар Сайфиддин</i>	92
Тохир Қаҳҳор	102
“Кенгаш” (“Кўкбўриларнинг ўлими” романидан парча), <i>Ҳусайн Ниҳол Отсиз</i>	103
Улуғбек Ҳамдам	109
“Ичиндаги ичиндадир”, <i>Мавлоно Жалолиддин Румий</i>	110
Хайрулла Ҳамидов	117
“Лаёқат ва ожизлик”, <i>Умар Сайфиддин</i>	118
Шермурод Субҳон	125
“Менинг исмим – Қирмизи”, “Менинг исмим – Қора”, <i>Ўрҳон Помук</i>	126
Шаҳинахон Иброҳимова	134
“Асло йиғлама...”, <i>Усмон Чевиксўй</i>	135
Лолахон Аминова	140
“Қашлағич”, <i>Умар Сайфиддин</i>	141
<i>Марказий Осиё халқлари тилларидан қилинган таржималар</i>	
Турсунбой Адашбоев	146
“Манас”, <i>достондан парча</i>	147
Музаффар Аҳмад	152
“Сўз рицарлари”, <i>Аҳмад Ҳижозий (Миср), “Юраксиз шаҳар”. “Абай”, Наврўзбой Жарбўсин ўғли. Эсенғали Равшанов. “Булан Жумбул”</i>	153
Рустам Мусурмон	158
“Маде хон сўзи ёҳуд Чин ипагидаги битик”, <i>Бахтиёр Генжемуратов</i>	159

Таржимонлар ва шарқ дурдоналари, хрестоматия.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар: *доц. Адҳамбек Алимбеков, Хайрулла Ҳамидов.* Масъул муҳаррир: *доц. Жасур Зиямуҳамедов*

Такризчилар:

проф. Муҳаммад Али

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

доц. Жумали Шабанов

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Туркий тиллар кафедраси мудири

Тўплам Тошкент давлат шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2013 йил 31 октябрдаги 3–сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

Тех.муҳаррир: *М. М. Зарифов*

Комп.версткаси: *Д. Арифжонова*

Компьютерда терувчи: *Г. Кулахмедова*

Босишга рухсат этилди 01.12.2013.

Бичими 60x84 1/16 Шартли 10 б.т. 100 нусхада босилди. Буюртма

№